

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Тошкент молия институти

Маманазаров Абдуҳаким Бозорович

# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ВА СОЛИҚ

Академик М. Шарифхўжаевнинг  
умумий таҳрири остида

Монография

MARIFAT - MADADKOR  
Тошкент – 2004

65, 261.3

УДК: 336.72; 336.77

А.Б. Маманазаров. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Т.: «MARIFAT - MADADKOR» нашриёти, 2004 й., 120 б.

Давлат мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда бюджет тизими муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу монография бюджет тизимининг муҳим ҳалқаси бўлмиш маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга бағишланган.

Монография олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт, молия, солиқ ва солиққа тортиш йўналиши ва мутахассисликларида таҳсил олаётган бакалавр ва магистрларга, аспирантларга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига мўлжалланган, шунингдек, молия-солиқ тизими мутахассислари ва бошқа китобхонлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топади деган умиддамиз.

Тақризчилар: А. Ўлмасов, и.ф.д., профессор  
Қ. Яҳёев, и.ф.н., профессор

W 30991  
291

2005

946

A

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston M

© «MARIFAT - MADADKOR» нашриёти, 2004 й.

W

2

## Кириш

<sup>1</sup> Давлат мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда бюджет тизими муҳим аҳамиятга эга, чунки катта миқдордаги молиявий ресурслар айна шу бюджетда жамланади, сўнг улар қайта тақсимланиб, ижтимоий-иқтисодий юксалишни таъминлашга қаратилади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамиз танлаган йўл ижтимоий йўналтирилган, цивилизациялашган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни тартибга солиб туришда давлат ўзининг фаол иштироки билан қатнашиши лозим бўлади. Бу жараёнда давлатнинг фискал сиёсати алоҳида ўрин тутди. Бу сиёсатнинг таъсирчан воситаларидан бири солиқлар бўлиб, улар бюджетнинг даромад базасини шакллантиради. Бу база қанчалик мустаҳкам ва харажатлар унга мос бўлса, бюджет тизимида барқарорликка эришилади. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни жуда катта, бу айниқса бюджет федерализми шароитида яққол намоён бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан бири маҳаллий бюджетларнинг ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятини оширишдир. Ҳудудий ривожланишнинг молиявий манбаи фақат корхоналар ва ташкилотларгина эмас, балки маҳаллий бюджет маблағлари ҳамдир. Шунинг учун маҳаллий бюджетлар қўшимча даромадлар ва тушумлар билан кафолатланиши унинг барқарорлашувида бош омил ҳисобланади. Табиийки, бюджет барқарорлигига эришилганда маҳаллий ҳокимиятларнинг ўз ҳудудларида ишлаб чиқариш имконияти ва хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга ва ижтимоий тараққиётни таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни молиявий жиҳатдан таъминлаш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг 2001 йил яқунларига баҳо бериб, 2002 йилда “... солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади”, - деган эдилар.<sup>1</sup> 2004 йилнинг

---

<sup>1</sup> «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 15 февраль №34.

7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида И.Каримов маҳаллий бюджетлар ролини сезиларли даражада кучайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади деганини алоҳида таъкидладилар<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан қаралганда бюджетлараро муносабатларнинг эркин, демократик тамойилларга асосланиши молиявий секторнинг нақадар эркинлашган бўлишини билдиради, маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини оширишда ҳам муҳим ҳисобланади. Бу ишда даромадига қараб харажатни шакллантириш бюджетда ички мувофиқликка эришишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу шаклланаётган бозор тамойилларига мос тушади, ҳар бир субъект харажати топган даромадига қараб шаклланади. Бошқарувнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган солиқлар тизимини такомиллаштириш ҳам мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар билан ҳамроҳанг бўлиши, ҳокимият идораларининг мустақкам ва барқарор молиявий заминини яратиш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий ўз-ўзини молиялаш мазкур ҳудудда солиқлардан иборат даромадларни муқим шакллантиришни билдиради. Республика миқёсидаги ва маҳаллий идоралар томонидан бошқарувнинг барча даражалари ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб қўйилиши, маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини борган сари ошириб бориш ҳудудий ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга имкон бериши керак.

Янги вазифалар маҳаллий идораларнинг молиявий негизини шакллантиришнинг мавжуд механизмни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Маҳаллий ҳукумат идоралари молиявий негизини эса маҳаллий бюджетлар ташкил қилади.

Гарчи, маҳаллий бюджетлар юридик жиҳатдан мустақил бўлсалар-да, ҳозирга қадар улар юқори ҳокимият идораларининг тўлиқ назоратида қолиб келмоқда. Маблағларни ҳудудлар субъектлари ўртасида қайта тақсимлашнинг объектив механизми йўқли-

<sup>2</sup> «Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз». «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 10 феврал № 28.

ги уларнинг тўла қарамлигини бугунги кунгача сақлаб турибди. Ўз навбатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан маҳаллий бюджетларга даромад келтирувчи турли субъектлар ўртасидаги фарқнинг катталиги бундай механизми ишлаб чиқишни қийинлаштиради.

Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланадиган молия ва солиқ сиёсати, унинг турли сиёсий - иқтисодий устқурмалар шароитида амал қилиш хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисидаги илмий изланишлар, жаҳоннинг энг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотларининг асосий мавзуи бўлиб келди.

Молия тизими ва фискал сиёсат вазифалари ва муаммолари таниқли хорижий иқтисодчи олимлар - С.Фишер, Ж.Кейнс, К.Макконнелл, А.Лаффер, В.Пансков, Б.Сабанти, Д.Черник, Б.Бадырев ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Шунингдек, ўзбек иқтисодчи олимларидан И.Каримов, М.Шарифхўжаев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Қ.Яҳёев, Э.Гадоев, Н.Хайдаров, Т.Жўраев, Ж.Қўчқоровлар молия ва солиқ тизимларининг амалий ва назарий асослари, моҳияти, алоҳида солиқ турлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

Мазкур монографияда маҳаллий бюджетга бириктирилган солиқлар ва солиқсиз йиғимларни атрофлича ва чуқур ўрганишга, уларнинг бюджетларни барқарорлаштиришдаги ўрнини батафсил кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Солиқ ва солиқсиз йиғимларнинг ҳисобланиш ва ундирилиш жараёнлари таҳлил қилиниб, баъзи бир умумий масалалар ва уларнинг ечими ҳозирги давр талаби даражасида талқин қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда белгиланган бюджетларни шакллантиришнинг янги усули ва механизмларига қўшимча, бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келадиган йўналишларни ишлаб чиқишга оид айрим тавсиялар берилди.

## **1 Боб. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва шаклланиши**

### **1.1. Бюджет федерализми ва тамойиллари**

Замонавий бозор иқтисодиёти амалиёти иқтисодий тизимнинг ўз имкониятлари етарли бўлишига қарамасдан, кишилиқ фаолиятининг бошқа тизимларидан ажралган ҳолда амал қилиши мумкин эмаслигини кўрсатди. Мазкур тизим маълум бир ижтимоий тартиблар доирасида ва сиёсий барқарорлик шароитида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, барқарорлиги давлат томонидан таъминланадиган иқтисодиётда ҳам барча томонидан қабул қилинган «ўйин қоидалари»га риоя этилгандагина ўз самарасини бериши мумкин.

Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан бошқарилиб турилиши давлат сиёсатидан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан, давлат жамият аъзолари ҳаётини ва мамлакат иқтисодий фаровонлигини қуйидаги икки асосий йўл билан таъминлаши мумкин:

а) инсонлар ҳаёти, уларнинг эркинликлари ва мол-мулклари дахлсизлигини таъминлаш;

б) ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва бозор орқали олиниши қийин бўлган айрим неъматларни тақдим этиш.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун давлат иқтисодиёт соҳасида қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

1) инфратузилма ва иқтисодий фаолият муҳитини яратиш;

2) иқтисодий фаолиятнинг асосий меъёр ва қоидаларини таъминлаб берадиган институционал тузилмани шакллантириш;

3) мақбул ижтимоий муҳитни юзага келтириш;

4) иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилган муайян иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

5) иқтисодий ҳаётнинг фаол субъекти сифатида ўзининг мустақил иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;

6) давлат буюртмаси ва давлат харидларини ташкиллаштириш.

Кўрсатиб ўтилган барча таркибий қисмлар бюджет тизимининг фаолияти жараёнида амалда татбиқ этилади. Бироқ бюд-

жет тизимининг бошқа бир қатор соҳалар билан узвий алоқада ҳаракат қилинганлиги боис иқтисодиёт фанидан жамоатчилик шўъбаси ажратиб олинган.

Ушбу жараён жаҳон иқтисодиёт фанида замонавий миллий иқтисодиётларнинг аралаш иқтисодиётлар деб тан олинishi даврида амалга ошди. Бунда, товарлар ва хизматларнинг асосий ҳажмини доимо фойда олишга интилувчи хусусий корхоналар ишлаб чиқарадилар ва фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, улар билан бир қаторда, нотижорат ташкилотлар ҳам фаолият юритади, бироқ уларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас. Чунки, кўпчилик нотижорат ташкилотлар, айрим корхоналар давлат тасарруфида бўлади.

Турли даражадаги бюджет тизимлари ўртасидаги харажат ваколатларининг тақсимланиши давлат бошқарувининг кўп поғонали тузилишини ташкил этишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзаро фискал муносабатлар нуқтаи назаридан, давлат бошқаруви (бир нечта даражаси)нинг мавжуд бўлиши марказлашув ҳамда маҳаллий бошқарувда тез, ҳаракатчан ва самарали қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Бугунги кунда давлат ҳокимиятининг турли даражалари ўртасида харажат ваколатларини тақсимлаш тамойилларини аниқлаш ишлари ривожлантирилди. Кўпчилик ҳолатларда давлат хизматларини тақдим этишнинг ҳудудий-маъмурий тақсимланиши, макрroiқтисодий барқарорлаштириш ва даромадларни қайта тақсимлаш соҳасидаги давлат мақсадлари мазкур вазифаларни марказий давлат ҳокимиятига бириктириб қўйишни талаб этади.

Харажат ваколатлари бир қисмининг юқори бюджетлар тизими зиммасидан қуйи бюджетлар зиммасига ўтказилиши сабабларини тўлиқ тушуниш учун мустақил бюджетга эга бўлган тенг ҳуқуқли давлат идораларининг хизматларидан фойдаланилади. Бунда қуйи давлат ҳокимияти томонидан бажариладиган асосий вазифалардан бири - маҳаллий ижтимоий нознеъматларни мазкур маъмурий-ҳудудий резидент истакларидан келиб чиқиб тақсимлашдан иборат.

Ушбу ҳолатда индивидуумларнинг ўзини тутиши энг мақ-

бул товар ҳисобланган ижтимоий ноз-неъматнинг маъмурий-ҳудудий тузилманинг турли нуқталаридаги ҳаракати билан таққосланади. Бунда, номарказлашувдан келадиган барча барқарор нафлар тўлиқ амалда татбиқ этилгандагина ҳосилавий натижаларга эришилади, яъни: жамоатчилик билан хусусий сектор ҳам индивидуумнинг ҳар бир неъматдан самарали даражада истеъмол миқдорини топишига ва танлашига имкон яради. Индивидуум томонидан тўланадиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ижтимоий неъматларнинг баҳоси ҳисобланади. Индивидуум томонидан тўланадиган солиқлар ва ижтимоий хизматлар миқдори бир-бирига мос тушса, мувозанат самарали бўлади.

Бироқ, шу ўринда, қайси давлат хизматлари ва қай даражада молиялаштириш бўйича ваколатлар қуйи бюджетларга бириктириб қўйилиши керак деган табиий савол туғилади. Мазкур муаммонинг ечимини кўпроқ турли даражадаги мамлакатларда харажат ваколатларининг тақсимланиши бўйича тадқиқотлардан излаш мумкин. Ҳар қандай харажат мажбуриятларининг учта асосий қисмини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим, яъни *қонуний тартибга солиш, молиялаштириш ва бошқариш (маъмурийлаштириш)*. Бунда, тартибга солишни миқдор жиҳатдан баҳолаш имкони бўлмайдиган, молиялаштириш ва маъмурийлаштириш миқдорий баҳоланишга мойил бўлса-да, ҳокимият органининг харажат мажбуриятларини акс эттирмайдиган.

Шундай қилиб, харажатлар тақсимланишини таҳлил қилаётганда, маъмурийлаштириладиган молиявий оқимлардан ташқари, молиялаштириш ва тартибга солиш кўрсаткичларини ўз ичига олган харажат мажбуриятлари номарказлашувининг мажмуа кўрсаткичларига таяниш зарур бўлади.

Жаҳон амалиётида харажат мажбуриятларини тақсимлаш ва молиялаштиришнинг турли-туман моделлари қўлланилади. Ўз даромад базасининг ва юқори бюджетлардан мақсадли трансфертларнинг мавжуд бўлиши маҳаллий ҳокимият органларининг давлат хизматларини кўрсатишдаги автономия даражасини белгилайди. Бироқ кўпгина мамлакатларда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юклатиб қўйилган давлат хизмат турлари мавжуд. Бу ерда гап уй-жой ва коммунал хўжа-



лик соҳасидаги ҳудудларни ободонлаштириш, жамоат транспорти ва ёнғин хавфсизлигини, жамоатчилик тартибини сақлаш каби хизматлар ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот, маориф ва соғлиқни сақлаш сингари соҳаларнинг молиялаштириш харажатларини ҳам давлатнинг қуйи ҳокимият органлари зиммасига юклаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда асосий диққат-эътибор қуйи ҳокимият идораларига солиқ ваколатларини бириктириб қўйишнинг учта вариантыга қаратилган:

1. Қуйи ҳокимият идораларига тасарруфидаги ҳудуддан йиғилган солиқларнинг барча тушумларини тартибга солиш ваколатлари бириктириб қўйилади. Бунда, даромадларнинг бир қисми миллий ҳукуматнинг харажат мажбуриятларини қондириш учун юқори даражадаги бюджетларга ўтказилади. Бу вариант даромадларни ҳудудлараро қайта тақсимланишида самарадорликни пасайтиради ва фискал барқарорликка халақит беради. Шу боисдан ҳам у давлат ресурсларини жалб этишнинг самарали усули бўла олмайди ва устига-устак миллий ҳукумат харажатларини молиялаштириш учун маҳаллий ҳокимият идораларида турлича рағбатларни юзага келтириши мумкин.

2. Солиқ даромадларини тақсимлашнинг иккинчи усули биринчисига тўғридан-тўғри зид келади, бунда солиқларни маъмурийлаштириш ва тўллаш бўйича бутун ваколатлар миллий ҳукуматга тегишли бўлиб, даромадларнинг бир қисми қуйи бюджетларга мақсадли трансфертлар ва грантлар, шунингдек, умумдавлат солиқларидан ажратмалар шаклида қайта тақсимланади. Ушбу тизимнинг асосий камчилиги ҳудудда у ёки бу солиқлар йиғиладиган ҳокимият билан харажатлар тўғрисида қарорлар қабул қилиш ўртасида алоқанинг мутлақо бўлмаслигидир. Ваҳоланки бу бюджетлараро муносабатларнинг самарали тизimini ташкил этишнинг бош тамойили ҳисобланади. Бундай алоқанинг йўқлиги «фискал иллюзияси», яъни маҳаллий харажатлар эҳтиёжларини керагидан ортиқча молиялаштириш хавфи туғилишига олиб келади. Қуйи бюджетларга бериб туриладиган молиявий ресурсларнинг тез-тез ва асоссиз равишда

қисқартирилиб турилиши эса, давлат хизматларини маҳаллий даражада молиялаштиришнинг барқарор тизимини яратишга халақит беради.

3. Даромад ваколатларини тақсимлашнинг учинчи, яъни оралиқ варианты солиқ ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият идораларига бириктириб қўйишдан, зарурат тутилганда эса, қўйи бюджетларга турли даражадаги трансфертлар ва ажратмалар шаклида молиявий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Даромадларни тақсимлашнинг бундай тизимини амалга оширишда, энг аввало, маҳаллий ҳокимият идораларига бириктириб қўйиладиган солиқлар (маҳаллий солиқлар)ни, шунингдек, ажратмалар кўринишида маҳаллий бюджетларга тушадиган бир қисм умумдавлат солиқлари (тартибга солувчи солиқлар)ни танлаб олиш зарур. Қўйи ҳокимият идораларига солиқ ваколатларининг бириктириб қўйилиши солиқ юки билан қабул қилинадиган харажат қарорларини боғлаб олиб боришга, маҳаллий ҳокимият идораларини «кирим-чиқим» қабилида иш тутишга ва охир-оқибат иқтисодий самарадорликнинг ошишига имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, солиқ даромадларини тақсимлаш муаммосининг ҳал этилиши муайян солиқларнинг маҳаллий идоралар ёки ҳукуматга тўлиқ бириктириб қўйилишидан иборат эмас. Кўпчилик ҳолатларда унинг натижалари солиқ даромадлари билан солиқ ваколатларини бириктириб қўйишнинг турли-туман шаклларида иборат бўлади. Маҳаллий ҳокимият идоралари даромадларини ташкил этишнинг турли-туман вариантларини қуйидагича умумлаштириш мумкин (1-чизма).

Маҳаллий ва марказий ҳукуматлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар турли хил тарихий, географик, сиёсий ва бошқа этномаданий омиллар таъсири остида кечади. Бундай ўзаро муносабатларда ўз ўрнига эга бўлган барча ҳолатлар бюджет федерализмининг назарияси ва моделларида ҳаммиша ҳам ўз аксини топавермайди.

## Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқ ваколатларининг турлари

| Қўйи ҳокимият бюджетининг даромад тури    | Даромад турлари устидан назорат ваколатларининг даражаси  |
|---|---|
| Ўзига тегишли солиқлар                    | Солиқ ставкаси ва солиқ базасини аниқлаш бўйича ваколатлар ҳокимият идораларига алоқадор ҳисобланади.   |
| «Кесишадиган» солиқлар                    | Солиқнинг базаси марказий ҳукумат қонунлари билан аниқланади, солиқ ставкаларини белгилаш юзасидан ваколатлар жойлардаги ҳокимият идоралари зиммасига юклатилади.   |
| Тартибга солувчи (тақсимланувчи) солиқлар | Солиқ ставкаси ва солиқ базасини аниқлаш бўйича ваколатлар марказий ҳукуматга тегишли бўлади, бироқ солиқ тушумларининг қатъий белгиланган улуши жойлардаги маҳаллий бюджетларга ўтказилади (бунда ўтказиладиган улуш миқдори турли мезонларга, хусусан, аҳоли сони, эҳтиёжи, даромад имкониётларига боғлиқ бўлиши мумкин). |

Жаҳон амалиёти тажрибасидан маълумки, бюджет федерализми доирасида номарказлашувнинг мақбул вариантларини танлаш, ўзини ўзи бошқарадиган ҳудудий бирликлар, улар бюджетларини тўлдириш ва харажат қилиш тамойилларига кўпроқ жавоб берадиган анъаналарни аниқлаб олишга эришилди.

Шунингдек, мазкур назария бу анъаналар қандай шароитларда ривожланиши ва уларга қайси омиллар реал таъсир ўтказиши мумкинлигини кўрсатиб берди.

Умуммиллий даражаларда йиғиладиган маблағлардан алоҳида ҳудудлар, ташкилотлар ва фуқаролар гуруҳларига маблағларнинг ажратиш турилиши, бюджет номарказлашуви дейилмайди. Ҳақиқий бюджет федерализми фақат ижтимоий нознематларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашдаги мустақилликнигина эмас, балки уларни қондиришда ҳам маълум мустақиллик бўлишини назарда тутди. Шундагина нисбатан мустақил бюджет сиёсати тўғрисида гапириш мумкин.

Бюджет федерализми самарали бўлиши мумкин, агарда: **биринчидан**, маҳаллий ҳудудда истеъмол қилинадиган у ёки бу ижтимоий хизматлар юзасидан қарорлар номарказлашган тарзда қабул қилинса;

**Иккинчидан**, ижтимоий хизматларнинг молиялаштирилиши-ни ҳудуд ўз зиммасига олишга қодир бўлса;

**Учинчидан**, ҳудуд аҳолисининг бир хиллиги таъминланса, чунки яқка ижтимоий неъматларга бўлган устуворлик баҳоси кўпинча ҳудудлар ўртасида тафовутланади.

Албатта, амалда, мазкур шартлар турли даражада бажарилиши мумкин, бу номарказлашув аънаналарининг амалиётга татиқ этилиш жараёнларига бевосита таъсир ўтказди.

Умумдавлат идораларининг ҳудудий ва маҳаллий идораларнинг ресурслари тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши икки назарий асосга эга. **Биринчидан**, яқка ҳолдаги ижтимоий неъматлардан наф кўриш чегараларининг тақсимланиши маъмурий чегаралар билан ҳар доим ҳам тўлиқ мос тушавермайди. Агар ташқи иқтисодий самаралар мавжуд бўлса, унда оқилона умумлашув учун ижтимоий неъматлар тақдим этаётган ҳудудлар ташқаридан моддий ёрдамлар олиши зарур. Бу марказий даромадларнинг бир қисмини маҳаллий ҳокимият идоралари ихтиёрига ажратишнинг муҳим шартларидан биридир. **Иккинчидан**, умумлашув жараёнлари тақсимлаш жараёнлари билан боғланган. Адолат тамойиллари мамлакатнинг бутун аҳолисига фақат пул даромадларининг муайян даражасини эмас, балки умумижтимоий хизматларнинг маълум даражасини ҳам таклиф этишни талаб қилади. Умумижтимоий хизматларнинг таклиф этилишини тезлаштириш учун номарказлашувнинг афзалликларидан фойдаланиш лозим. Айни маҳалда ҳудудларнинг ресурс имкониятлари бир хил эмас, бу эса аҳолининг мазкур хизматлардан баҳраманд бўлишлик чегараси турлича бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам истеъмолчилар орасида неъматларни адолатли тақсимлаш мақсадида жамоатчилик сектори ресурсларини ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлашга мажбур бўлинади.

Турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро ҳаракати, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб ташкил этилиши керак. Бунда, маҳаллий бюджетларнинг вазифаларига, уларнинг даромадлари мос келиши зарур. Бу бюджет федерализмининг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

Худудий, яъни маҳаллий бюджетлар асосан уч турдаги даромадлар ҳисобига шаклланади:

- 1) маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан мустақил жорий этиладиган ва йиғиладиган солиқлар;
- 2) юқори бюджетларга тушадиган солиқ тушумларидан қуйи бюджетларга ажратмалар амалиёти жуда кенг тарқалган. Бунда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг бюджетлари ҳам маҳаллий ҳокимият бюджетларидан тегишли улушларини оладилар;
- 3) қуйи бюджет бўғинига юқори бюджет бўғинидан одатда турли-туман трансферт (субсидия, дотация, субвенция ва бошқа молиявий ёрдам)лар туширилади.

Бундан ташқари, бюджет тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш жараёнида шуни ҳисобга олиш керакки, жаҳон тажрибаси аста-секинлик билан реал бюджет нормарказлашувининг афзаллигини кўрсатмоқда. Чунки бу омил фақат қонунчиликдаги ўзгаришларга эмас, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бунинг устига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда яқка тартибдаги ижтимоий неъматлар билан таъминланганликнинг юқори бўлмаган даражаси мавжуд. Бу ўз навбатида бюджет нормарказлашуви даражасининг устунлигини намоиш этади.

Ўтиш даврида ҳудудларнинг ўзгаришларга мослашиши бир текис бормайди ва мерос қолган бюджет даромад базаларида кескин тафовутлар юзага келади. Улар иқтисодий ҳудуд аҳолисининг аҳволидан эмас, балки аввалги тузумдан сақланиб қолган бюджет марказлашуви сиёсатидан келиб чиқади.

Бундай шароитларда, бюджет федерализмининг ривожланиши фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

## **1.2. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва функцияси**

Ҳар бир даражадаги ҳокимият идораси ўзининг мажбуриятларини тегишли тарзда ижро этиш учун мулкӣ ва молиявий активларга эга бўлиши керак. Шу орқали у ўзининг қарорларини амалга татбиқ этади. Бу қарорлар ўз навбатида, молиявий-хўжалик амалиётларида намоён бўлади. Юридик шахслар сингари ҳокимият идораси ҳам ўз фаолиятининг натижаларини балансда акс эттиради, унинг актив ва пасив даражалари маҳал-

лий ҳокимият идоралари молияси ва мулкининг ҳолатини белгилайди. Ҳокимият идорасининг молияси, яъни пул ва уларга асосланган ўзаро муносабатлар, пул фондларини шакллантириш ва ҳокимият идорасининг ҳудуддаги молиявий оқимларига таъсир ўтказиш орқали амалиётга татбиқ этилади.

Ҳокимият идораларининг молияси қуйидагилардан ташкил топади:

- пул фондлари, жумладан, бюджет<sup>3</sup>, бюджетдан ташқари фондлар, суғурта фондлари. Уларнинг ҳар бири алоҳида смета ва мақсадли фондларни ўз ичига олади;

- давлат (маҳаллий) корхоналарининг молияси;

- ҳокимият идорасининг қарзи;

- молиявий оқимларга, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг молиясига таъсир ўтказиш ҳуқуқи, шунингдек, тўғридан-тўғри молиялаштириш (2-чизма).

Ҳудудий ҳокимият идораларининг молияси<sup>4</sup> асосан давлат ва ҳудудий ҳокимият идораларининг бюджетидан ташкил топади, шунингдек, ҳудудий ҳокимият идораларининг хўжалик юритувчи субъектлари билан аҳоли ва ўзга даражадаги ҳокимият идораси ўртасидаги ўзаро пул муносабатларидан иборат бўлади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари бюджетлари даромадининг асосий манбаи бўлган солиқ тушумларини тақсимлаш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджетлар – маҳаллий ҳокимият идораларининг асосий молиявий базасидир. Солиқ кодекси, Бюджет тизими тўғрисидаги қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси конституцияси билан маҳаллий ҳокимият идораларига берилган бюджет ва мулкӣ ҳуқуқлар уларга ўз бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, тасарруфидаги корхоналарни идора этиш ва улардан даромад олиш имкониятини яратади.

Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти уларнинг аҳамиятида намоён бўлади. Маҳаллий бюджетлар қуйидаги функцияларни бажаради:

<sup>3</sup> «Бюджет» – budget – лотинча bulga сўзидан олиниб, чарм қоп маъносини англатади.

<sup>4</sup> Financia сўзи XIII - XV асрлардан Италиянинг савдо шаҳарларида юзага келиб, ҳар хил пул тўловини англатади.

- маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятининг молиявий таъминотига хизмат қилувчи пул фондларини шакллантириш;
- мазкур фондларни халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида тақсимлаш;
- маҳаллий ҳокимият идораларига тобе бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб бориш.

2-чизма.

### Ҳокимият идораси молиясининг тузилиш схемаси



Маҳаллий ҳокимият органларига давлат ижтимоий таъминот дастурини амалга татбиқ этиш бўйича муҳим вазифа юклатилган. Аҳолининг ижтимоий таъминотига доир муҳим тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий ривожланиш борасидаги давлат дастурини амалга ошириш катта ҳажмдаги молиявий ва моддий ресурсларни талаб этади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ўз солиқ тушумларидан, тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар ва турли кўринишдаги молиявий ёрдамлардан иборат бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг харажат қисми таҳлил қилинганда иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар янада яққолроқ намоён бўлади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятининг асосий йўналиши ўзларига тегишли бўлган ҳудудда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Маҳаллий бюджетларнинг харажат қисми қуйидаги йўналишларда бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қонуний тартибда белгилаб қўйилган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш;
- маҳаллий ҳокимият идораларига берилган давлат аҳамиятига молик бўлган айрим ваколатларни амалга ошириш;
- маҳаллий бюджетларнинг қарзларига хизмат кўрсатиш ва уларни тўлашни ташкил этиш.

Маъмурий режалаштиришдан хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг шакл ва услублари тизимидаги чуқур ўзгаришлар билан бошланган бозор иқтисодиётига ўтиш, бюджет ва бюджет механизмига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Улар давлатнинг жамият иқтисодий ҳаёти, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг хўжалик фаолиятига таъсир қиладиган қувватли воситасига айланиши зарур. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда янги бюджет тизими ишлаб чиқилганига қарамасдан, бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган бир талай муаммолар мавжуд. Бу жараён ҳали тўла тугалланганича йўқ ва бюджетлар ҳамда бюджет муаммолари



етарли даражада назарий жиҳатдан ўрганилмаганлиги туфайли, амалда улардан самарали фойдаланиш жараёнига муайян даражада тўсқинлик қилмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва унинг таркибий тузилиши тўғрисида фикр юритилар экан, аввало, бюджет тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва тамойилларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Давлат бюджетда даромадларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини юксалтиришга, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларини таъминлашга сарфланадиган қисми жамланган бўлади. /

«Давлат билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг сезиларли қисмига бюджет муносабатлари дейилади. Бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, у давлат ва унинг қўйи бошқарув идоралари иштирокида тақсимлаш жараёнида вужудга келса, иккинчидан, умумжамият талаб ва эҳтиёжини таъминлаш учун керак бўлган марказлашган пул фондининг шаклланиши ва самарали фойдаланиши билан боғлиқдир». <sup>5</sup> Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий моҳиятига кўра, давлат бюджети тармоқлар иқтисодиёти, ижтимоий-маданий тадбирлар, муҳофаа ва бошқарувни молиялаштириш учун зарур бўлган бюджет фондининг шаклланиши ҳамда ундан фойдаланишни таъминлашдаги давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида миллий даромадни тақсимлаш борасидаги пул муносабатларидир.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет тизимида қуйидаги асосий тамойилларга амал қилинмоқда:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва

<sup>5</sup> Радионова В.М. «Финансы», - М: 1995. 67-б.



бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги (бу тамойил давлат ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари яхлитлигини, унинг яна ҳар бир даромад учун бириктирилиши ва ягона бюджет томонидан бошқарилишини, жами даромад ва харажатларни, юритилаётган ҳужжат ва моддаларнинг бир хиллигини ўзида акс эттиради);

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат бюджетининг баланслилиги;
- давлат даромадларини аниқ манбалар ва харажатларини йўналишлар (моддалар) бўйича режалаштириш;
- давлат бюджети харажатларини тасдиқланган смета доирасида сарфлаш;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги (ушбу тамойилда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг мустақил равишда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тузилиши, уларнинг маҳаллий депутатлар кенгаши томонидан тасдиқланиши ва бажарилиши кўзда тутилган).

Қайд этилган тамойилларнинг барчаси бюджет барқарорлигини таъминлашга, хўжалик соҳалари ва иқтисодий ҳудудлар ўртасида маблағларни тақсимлашга, зарур нисбатларни ташкил қилишга, бюджет харажатларининг даромадларга мос келишига, молиявий резервни жорий қилишга хизмат қилади. Бу эса, барча молиявий сиёсатнинг бош мақсадидир.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришда бюджетнинг вазифалари билан боғлиқ бўлган масалани унинг аҳамиятидан келиб чиқиб ёритиш мақсадга мувофиқ. Шу маънода, бюджет тизимининг фискал, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятларини алоҳида-алоҳида мезонлар сифатида талқин этиш ва шунга мос равишда унинг вазифаларини белгилаш, маҳаллий бюджетларнинг зарурлигини асослаш лозимдир. Бу асосий мақсад:

- бюджет тизимининг барқарорлигига эришиш учун барча моддий ва молиявий заҳираларни мумкин қадар (максимал) аниқлаб олиш;
- алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича, шунингдек,

- прогнозларга ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли дастурларига мувофиқ умумий ҳажмдаги бюджет даромадларини аниқлаш;
- аниқ мақсадга қаратилган, бюджетда белгиланган умумдавлат аҳамиятидаги барча тадбирларни муттасил молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, умумий ҳажмдаги бюджет харажатларини белгилаш;
  - ҳудудларда маҳаллий ҳокимият идораларига юклатилган ижтимоий мажбуриятлар ва давлат аҳамиятидаги харажат ваколатларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг мавжуд ҳамда муайян даражада мустақил бўлишини, маҳаллий ҳокимият идораларининг эса ўз ҳудудларида ижтимоий неъматларнинг яратилиши ва янада бойитилиши учун иқтисодий жиҳатдан манфаатдор ва жавобгар бўлишлари тартибини ишлаб чиқиш;
  - иқтисодиётда инфляция тенденцияларини бартараф этишга ва миллий пул бирлиги мустаҳкамланишини таъминлашга қаратилган молиявий барқарорлик умумий дастури билан бюджетни мослаштириш;
  - иқтисодий исботланган манбалар ҳисобидан бюджет камомadini қисқартириш ва бартараф этиш;
  - турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида улар орасида, шунингдек, хўжалик соҳалари ва иқтисодий ҳудудлар ўртасида давлат даромадлари манбаларини қайта тақсимлаш йўли билан бюджетни тартибга солишни амалга ошириш;
  - барча йирик кўламли ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг мутаносиблиги ва балансланганлигини таъминловчи бюджетнинг истиқболли режалаштирилишини янада такомиллаштириш;
  - ҳуқуқий шахсларнинг молиявий фаолияти ва алоҳида фуқароларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришдаги даромадлари устидан назоратни кучайтириш;
  - электрон ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш билан молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш тизими орқали бюджетни тузиш ва унинг ижроси жараёнини ҳам автоматлаштириш.

Шундай қилиб, ҳозирги вазиятда маҳаллий бюджетлар тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур. Ўз навбатида бюджет тизимининг олдига ана шундай мураккаб вазифа қўйилаётган пайтда бу вазифаларнинг тегишли мезонларини аниқ билиш ва уларга қатъий риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг тўрт босқичини ўз ичига олади:

- 1) давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш;
- 2) давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
- 3) давлат бюджетининг ижроси;
- 4) давлат бюджетининг ижро этилишини назорат қилиш.]

Бюджет жараёнининг барча босқичлари ўзаро боғланган бўлиб, улар фақат жамият иқтисодий ҳаётининг эмас, балки сиёсий маданиятининг ҳам тўғридан-тўғри ифодасидир. Мамлакатлар бўйича барча босқичларнинг давомийлиги ҳар хилдир, лекин уларнинг аксариятида бу жараён уч йилдан ортиқ кечмайди.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги таърифи келтирилган: «Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушадиган тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри, туманлар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳардаги туманлар, туманга бўйсунувчи шаҳарларнинг маҳаллий бюджетлари ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул бюджетлари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий қисми бўлиб, унда халқ депутатлари, вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳардаги туманлар, туманга бўйсунувчи шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул кенгашлари ҳамда уларнинг ижроия қўмиталари томонидан даромадлар манбалари ва улардан тушадиган тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ

мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга қуйидаги даромадлар киритилади:

- 1) қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
  - 2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
  - 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
  - 4) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
  - 5) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
  - 6) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари;

2) жорий бюджет трансфертлари;

3) капитал харажатлар - асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш;

4) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар.

Фискал автономия ва мустақиллик масалалари жуда кенг миқёсдаги масала ва муаммоларни ўз ичига олади. Бу жараёнлар давлат бошқарувининг турли бўғинларида ишлатилади. Бунда қарорлар қабул қилиш ва масъулиятни чегаралаб қўйиш бўйича ваколатлар бюджет харажатларига ва даромадларига ҳам тегишли бўлади. Юқорида келтирилганлардан аён бўладиги, фискал тизимлар тузилишининг асосий муаммоси турли даражада

ҳокимият бўғинлари ўртасида солиқ солиш, маблағларни сарф-харажат қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашдан иборат. Бу тақсимот маълум бир вазифа устидан мутлақ назоратдан тортиб, у ёки бу соҳадаги ҳамкорлик фаолиятини ўз ичига олади. Ҳамкорлик фаолиятида ташкилий ҳолатлар ҳам турлича шаклга эга бўлиши мумкин. Чунончи, солиқ сиёсати борасида давлат ҳокимиятининг бир бўғини маълум бир солиқ базасини, давлат ҳокимиятининг бошқа бўғини эса, солиқ ставкасини белгилайди. Солиқлардан келадиган даромад ҳам ҳокимиятнинг турли бўғинлари томонидан биргаликда ишлатилади. Худди шу тарзда харажатларни амалга ошириш ва дастурларни бажариш ишлари ҳам биргаликда амалга оширилади.

Вазифаларни тақсимлаш муаммосининг ҳал этилиши, одатда, ҳокимият маълум бўғинининг даромад имкониятлари ва унинг харажат мажбуриятлари ўртасидаги тафовутларга олиб келиши мумкин. Ушбу тафовутларнинг катталиги ва табиати давлат бошқарувининг турли бўғинлари ўртасида молиявий муносабат усулларини, ажратиладиган трансфертларнинг мезонлари ва ҳажмларини аниқлаш ҳамда ташкил этишда қўл келади. Турли ҳукумат бўғинлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ташкил этиш, шунингдек, бир бўғиннинг бошқасига таъсир ўтказишиб ёки уни молиявий маблағлар ёрдамида тўлиқ назорат остига олишга олиб келади. Функцияларни тақсимлаш турли бошқарув бўғинларининг номарказлашуви харажатлари ва устунликларини тасаввур этишни талаб этади. Фискал федерализмнинг анъанавий назарияларига кўра, номарказлашув иккита омилга асосан ўз устунлигини намоеън этади. Биринчидан, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий хизматлардан фойдаланувчилар маҳаллий вазиятни ва ўз талаб-хоҳишларини яхшироқ биладилар, мансабдор шахслар ўз сайловчиларига яқин бўлади. Иккинчидан, номарказлашув маҳаллий ва ҳудудий бошқарув органлари ўртасидаги рақобатни рағбатлантиради.

Номарказлашувга алоқадор бўлган самарадорликнинг яна бир мисоли сифатида маҳаллий органлар ўз сайловчиларига тақдим этиши мумкин бўлган фискал нафни кўрсатиш мумкин. Фискал наф ҳукумат томонидан тақдим этилган хизматлар ва уларга кетган харажатлар (тўланган солиқлар) дан ташкил топади.

Фуқаролар яшаш жойини танлаётганларида шу жойда олишлари мумкин бўлган даромадлари миқдорини ва солиқ тўлагандан кейин эга бўлишлари мумкин бўлган фискал нафнинг миқдори тўғрисида ҳам тахминий тасаввурга эга бўладилар. Ваҳоланки, меҳнат ресурсларининг самарали тақсимланиши фуқаролар фақат иш ҳақиға таяниб иш жойлари танлашларини тақозо этади. Фискал нафлар орасидаги ҳудудлараро тафовутлар норезидент фуқароларга товарлар ва хизматлар сотиш орқали солиқларнинг экспорт қилиниши туфайли юзага келади.

Назарияга кўра давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари алоҳида даромад манбаларидан фойдаланган ҳолда мустақил бўлишлари мумкин. Амалда эса самарали солиқ бошқаруви ва ички умумий бозорни қўллаб-қувватлаш учун солиқларнинг юқори даражадаги марказлашувига риоя этиш керак, харажатларни амалга ошириш учун жавобгарлик эса бирмунча номарказлашиши мумкин. Ваҳоланки, марказий ҳукумат ўзининг бевосита эҳтиёжларидан ошиб кетадиган солиқ даромадларини йиғиб олади, шунга кўра у муайян миқдордаги маблағни қуйи бошқарув тузилмаларига субсидиялар ва даромадларнинг улушли тақсимоти шаклида ўтказиб беради. Бундан ташқари, марказий бюджет трансфертлари қуйи бюджетларга умумдавлат миқёсидаги вазифалар ва иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш вазифасига йўналтирилади.

Бу трансфертлар турли шаклларда амалга оширилади. Улардан энг умумийлари субсидиялар ва солиқларни улушли тақсимлаш ҳақидаги келишувлардир. Субсидиялар шартли ва шартсиз кўринишда бўлади. Шартли субсидиялар маълум вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади. Шартли субсидиялардан фойдаланиш орқали марказий ҳукумат қуйи даражадаги бошқарув идораларининг олиб бораётган сиёсатига таъсир ўтказиш учун фойдаланади. Самарадорлилик нуқтаи назаридан субсидиялар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилганда мумкин қадар енгил бўлиши керак. Енгилроқ шароитларга эга бўлган субсидиялар (масалан, ижтимоий ёрдам дастурларига мўлжалланган субсидиялар) блокли субсидиялар деб юритилади.

Солиқларнинг улушли тақсимланиши ҳам турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бунда, солиқларнинг базалари ва

ставкаларини марказий ҳукумат аниқлаши ва солиқларни йиғишни маҳаллий бюджетлар амалга ошириши ёки солиқ ставкаларини маҳаллий ҳукумат органлари ўзгартиришга ҳақли бўлиши, шунингдек, солиқларни маҳаллий органлар бутунлай тасарруф этишлари мумкин.

Юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга трансфертлар ажратишнинг фойдали томонлари қуйидагичадир:

– ҳудудларнинг даромадлар олиш имкониятлари билан харажатларни амалга ошириш мажбуриятлари ўртасида тафовутнинг мавжудлиги, юқори бюджетнинг эса ўз харажатидан даромадининг ошиб кетиши;

– ҳудудларнинг даромад олиш имкониятларидаги тафовутларнинг ҳамда харажатларни сарфлашдаги эҳтиёжларнинг турлича эканлиги туфайли юзага келган фискал адолатсизликни камайтиришга эҳтиёж сезилганлиги;

– ҳудудларо фискал нафнинг катталигида юзага келган тафовутлар оқибатида юзага келган фискал самарасизликни тузатиш зарурияти;

– ҳудудий харажат дастурларининг бир хилда бўлишини таъминлаш.<sup>1</sup>

### **1.3. Хорижда маҳаллий бюджетлар тизимини шакллантириш ва барқарорлаштириш**

<sup>1</sup>Федератив ва унитар давлатлар, жумладан, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британия ва Италия бюджет тизимининг тузилиши ва бюджетлараро муносабатлар, яъни маъмурий ва бюджет тизимининг даражалари, молиявий ресурсларининг бюджетлараро қайта тақсимланиш механизмлари ва бюджет тизимининг турли поғоналарида заём маблағларининг жалб қилиниши ўтиш даври мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон учун, шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

*Канада федератив давлат* бўлиб, 12 субъект – 10 та провинция ва 2 та ҳудудий округдан ташкил топган. Бундан ташқари, 5000 га яқин муниципал тузилма, шаҳарлар, қишлоқлар, графликлар ва махсус хизмат ҳудудларини ўз ичига олган. Федерал ҳукумат, уруш ва тинчлик, мудофаа, ҳуқуқ-тартибот, давлат миллий қарзи ва давлат мулкчилиги, пул-кредит ва банк тизими, сав-



до ва тижорат алоқаларини тартибга солиб туриш билан боғлиқ масалаларни ўз ваколатлари доирасига киритган. Шунингдек, федерал ҳукумат идоралари ҳар қандай давлат ҳокимияти даражасида солиқ солиш масалаларини ҳам мустақил ҳал қиладди. }

Канаданинг конституцияси маҳаллий миқёсдаги масалалар (давлат муассасалари, маориф, адлия)ни, шунингдек, хусусий мулкчилик масалаларига алоқадор ҳар қандай масалалар (мулкчилик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи)ни ҳал қилишни федерация субъектларининг ваколатига юклаган.

Канаданинг бюджет тизими давлат ҳокимияти идораларининг федератив тизимига мос келади, яъни ҳокимиятнинг ҳар бир поғонаси ўзининг бюджетига эга. Федерал бюджетнинг даромад базаси федерал солиқлар, турли йиғимлардан ташкил топади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси эса федерал бюджетдан олинган солиқ тўловлари ва бюджетлараро трансферт маблағлардан иборат. }

Канадада 1962 йилдан бошлаб, солиқ йиғимлари тўғрисидаги битим амал қилиб келади. Бу битим федерациянинг (Квебекдан ташқари) барча субъектлари томонидан имзоланган бўлиб, унга кўра ҳар бир маҳаллий ҳокимият ўз ҳудудида йиғилган федерал солиқ тушумларидан маълум улушни олиб қолиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ўз бюджетларининг даромадини кўпайтириш мақсадида федерал солиқларнинг ставкаларини ўз ҳудудларида ошириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Ушбу тартиб жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, корпорацияларнинг даромад солиғи, товарлар ва хизматларга солинадиган солиқларга (ҚҚСга ўхшаш) тегишли. Маҳаллий ҳокимият идоралари бюджетларига табиий ресурслар ва мулкка солинадиган солиқлар тўлиқ тўланади.

Турли даражадаги ҳокимият идораларининг харажат ваколатлари ҳам конституцияда белгилаб қўйилган. Чунончи, мудофаа, халқаро алоқалар, саноат сиёсати ва илмий тадқиқотларни, ижтимоий таъминот соҳасидаги харажатларни федерал ҳукумат молиялаштиради. Маҳаллий ҳукумат идораларининг бюджетлари давлат маориф соҳасини, соғлиқни сақлаш ва маҳаллий махсус хизматларни молиялаштиради. Қишлоқ хўжалиги ва

ўрмон хўжалиги каби умумий манфаатдор соҳаларнинг харажатлари ҳамкорликда олиб борилади.

Федерал бюджетлардан маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдам аниқ мақсадли ва мақсадли бўлмаган трансфертлар кўринишида амалга оширилади. Бу борада 1997 йилгача маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг учта дастури амал қилган: а) бюджет даромадларини тенглаштириш учун мақсадли бўлмаган трансфертлар; б) тасдиқланган дастурларни молиялаштириш трансфертлари; в) молиявий қўллаб-қувватлаш режаси доирасидаги молиявий ёрдамлар. »

Аниқ мақсадли бўлмаган трансфертлар маҳаллий бюджетларга уларнинг даромадларини тенглаштириш учун ажратилади. Тенглаштириш тамойили конституцияда белгилаб қўйилган. Тенглаштирувчи трансфертларни ҳисоблаш формуласи шундай тузилганки, бунда федерал маблағлар еттига ҳудуд ўртасида тақсимланади. Бу субъектлар ўртача даражадан паст даромад салоҳиятига эга. Ҳар бир ҳудуднинг даромад салоҳияти солиқларнинг турлари бўйича бешта ҳудудда киши бошига ўртача солиқ тушумларининг федерал стандартлари ҳажми билан ҳудуддаги ўртача солиқ тушумлари ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Бунда солиқ тушумлари ҳар бир ҳудудда амал қилган ўртача ставкаларда ҳисобланади. Солиқ салоҳияти бевосита ва билвосита солиқларни ўз ичига оладиган 33 ҳолат бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Тасдиқланган дастурларни молиялаштириш учун мақсадли трансфертлар соғлиқни сақлаш ва маорифга олинган маблағларни сарф қилиш учун ажратилар эди. Маҳаллий бюджетларга молиявий ресурслар федерал бюджетлардан тўғридан-тўғри пул ўтказиб бериш, шунингдек, федерал бюджетлардан ҳудудий бюджетларга солиқ тушумларининг бир қисмини ажратиб бериш йўли билан амалга оширилган.

Молиявий қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасидаги маблағлар улушли молиялаштириш тамойили асосида амалга оширилиб, уларнинг миқдори олдиндан аниқланмайди. Молиявий ёрдам болалар уйлари, ногиронлар уйларига, тиббий ва ижтимоий ёрдам соҳасидаги ўзга муассасаларга ажратилади. Бунда мақсадли трансфертлар маблағлари капитал харажатларни қоп-

лашга ажратилмайди, мазкур харажат юклари тўлиқ ҳудудлар бюджетлари зиммасига юклатилади.

Канадада бюджет танқислигини молиялаштириш учун заём (қарз) маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига турли даражадаги бюджетлар эга бўлиб, конституцияда федерал бюджетлар томонидан жорий ва капитал харажатларни молиялаштиришга жалб этилаётган заём маблағларига нисбатан, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар учун ҳам чеклашлар мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, федерациянинг кўпчилик субъектлари қонунчилигида бундай чеклашлар ўрнатилган.

Канадада бюджет танқислигини молиялаштириш учун заём маблағларининг бир нечта манбалари мавжуд. Булар қарз қоғозларининг ички ва ташқи бозорлари ҳамда Канада пенсия дастуридан олинган кредитлардир. Маҳаллий ҳокимият органлари ички қарз қоғозлари бозоридан ва Канада пенсия дастури кредитларидан фойдаланади. Пенсия дастурига кўра, қимматбаҳо қоғозларни даромадлар пенсия тўлаш харажатларидан ортган тақдирда сотиб олиш мумкин.

! Худудий меъёрий ҳужжатлар маҳаллий ҳукумат органлари бюджетларининг даромад ва харажатлари жорий харажатлар бўйича баланслашганлигини тақозо этади. Шундай қилиб, маҳаллий ҳукумат идоралари заём маблағларини бюджет танқислигини капитал харажатлар бўйича қоплашгагина жалб қилиши мумкин. Бундан бошқа ҳолатларда марказий ҳукумат розилиги талаб қилинади. »

! *Германия давлати* турли даражадаги ҳукумат идоралари ўрта-сидаги муносабатлар кўплаб белгилари билан фарқ қилади, унда федерал ҳукуматнинг кенг ваколатлари, барча муҳим масалалар бўйича қонунчиликнинг, шунингдек, бутун федерация бўйича солиқ тизимининг ягоналиги мавжуд. Давлат органлари ижтимоий хизматлар кўрсатилаётганда энг кам минимал стандартлар даражасидан эмас, балки мамлакатнинг барча аҳолиси учун баравар ҳаёт даражасини таъминлаш тамойилидан келиб чиқиб иш кўради. Шунга қарамасдан, Германия 16 та федерация субъектидан иборат бўлган федератив давлат бўлиб қолмоқда. !

Мудофаа, халқаро алоқалар, фуқаролик, миграция ва эмиграция, валюта сиёсати, федерал транспорт, почта ва телекомму-

никация хизматларини молиялаштириш ва тартибга солиш кабилар федерал ҳукумат ваколатлари ҳисобланади. Ер (ҳудуд)лар ваколатини маданият, маориф, адлия ва ҳуқуқ-тартибот, солиқни сақлаш, ҳудуднинг иқтисодий сиёсати сингари масалалари ташкил этади. Маҳаллий ҳукумат органлари ваколатига эса, коммунал хизматлар, маҳаллий соғлиқни сақлаш, спорт, уй-жой, йўллар, мактаблар қурилиши масалалари киради. Шу билан биргаликда, турли даражадаги ҳукумат идораларининг ваколати ҳар доим ҳам улар харажат ваколатининг ҳажми билан мос келавермайди. Ижтимоий сиёсат ва инфратузилма объектлари қурилиши соҳасидаги харажатлар, масалан, барча даражадаги бюджетлар томонидан амалга оширилади. Шунинг-дек, харажат ваколатларини қўйи бюджетларга юклаш ҳолати кузатилади. Ҳозирги вақтда давлат капитал харажатларининг учдан икки қисми маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда, бунда харажатларининг кўпгина қисми юқори бюджетдан молиялаштирилади.

Солиқ тушумларини тақсимлаш, солиқларни жорий этиш ва бекор қилиш масаласи конституцияда белгилаб қўйилган. Барча асосий солиқлар тушумлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланади. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тушумлари федерал ва ҳудудий бюджетлар ўртасида 42,5 фоизли ставка бўйича тенг тақсимланади, қолган 15 фоизи эса маҳаллий бюджетларга киритилади. Корпорациялар даромад солиғининг тушумлари федерал ва ҳудудлар бюджетлари ўртасида тенг тақсимланади. Кичик бизнесдан тушадиган солиқларнинг 80 фоизи маҳаллий бюджетларга, 15 фоизи ҳудудлар бюджетига, 5 фоизи федерал бюджетга тушади. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тушумлари федерал ва ҳудудлар бюджетлари ўртасида қарийб тенг тақсимланади. Таъкидлаш лозимки, кўрсатилган солиқлар биргаликда Германияда умумий бюджет тушумларининг 70 фоизини ташкил этади.

Германияда ҚҚС тартибга солувчи солиқ вазифасини бажаради, чунки харажат ваколатлари ўзгарган тақдирда, аввало, федерал ва ҳудудлар бюджетларининг ҚҚС тушумларидаги улуши ўзгаради. Шунинг билан биргаликда, солиқ тушумларининг

турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, солиқлар ва тушумларни йиғишдаги жавобгарликни тақсимлаш билан мос келмайди. Чунончи, Германиянинг конституциясида келтирилганки, божхона божларини, фискал монополияларни, акциз тўловларни назорат қилиш федерал ҳукумат тасарруфида бўлади. Барча қолган солиқларнинг назорати ҳудудлар ҳокимияти зиммасига юклатилган.

Германия бюджет тизими учун бюджетлараро тенглаштиришнинг уч поғонали тизими характерлидир. Биринчидан, ҚҚС нинг федерация субъектлари бюджетига тушиши орқали даромадлар тенглашуви амалга оширилади. ҚҚС умумий тушумидаги ҳудудлар улушининг 25 фоизи барча ҳудудлар ўртасида барабар тақсимланади, бунда кўрсатилган сумманинг 25 фоизи паст солиқ салоҳиятига эга бўлган ҳудудларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади (трансфертлар миқдори махсус формула асосида ҳисобланади), қолган 75 фоизи аҳоли сонига қараб тақсимланади. †

Бюджетлараро тенглаштиришнинг иккинчи кўриниши ҳудудлар бюджетлари ўртасида бюджет маблағларини федерал ҳукумат аралашувисиз қайта тақсимлашни ўз ичига олади. Трансферт олувчиларнинг аниқлаш мезонлари сифатида ҳудудий фискал салоҳият ҳисоблаб чиқилади. Бу салоҳият ҳудудий бюджетнинг солиқ даромадлари йиғиндисини ташкил этиб, унда тақдим этилган солиқ имтиёзлари маҳаллий бюджетларнинг солиқ даромадлари ҳажми, аҳоли зичлиги, урбанизация даражалари ҳисобга олинади. Алоҳида олинган субъект учун ҳам тенглаштириш меъёри белгиланиб, барча ҳудудларнинг ўртача фискал салоҳияти ва шу ҳудуд аҳолиси сонининг ҳосиласи аниқланади. Шундан кейин ҳар бир маблағ олувчига ўртача фискал салоҳиятнинг 95 фоизидан кам бўлмаган даражада трансфертлар ажратилади. Бунда молиявий ёрдам донор ҳудудлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳудудларни қўллаб-қувватлашнинг учинчи кўриниши бу Германияда айрим ҳудудларга тўғридан-тўғри федерал грантлар ажратишдан иборат. Бунда бюджет даромадлари паст бўлган ҳудудларга трансфертлар, даромад даражаси юқори бўлган шарқий ерларга кўплаб тўланаган солиқ тушумларининг ўрнини

тўлдириш учун грантлар, айрим ҳудудларга алоҳида эҳтиёжлар учун трансфертлар, ҳудудий бюджетларнинг қарздорлигини бартараф қилишга йўналтирилган трансфертлар, шарқий ерлар бюджетларига иқтисодий ўсиш ва инвестицияларни рағбатлантириш учун ҳам трансфертлар ажратилади.

Германияда шаклланган бюджет тизими федерациянинг ҳар бир субъекти ичида маҳаллий бюджетлар ўртасида ресурсларни қайта тақсимлашнинг ўз услуби мавжудлигини назарда тутди.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари бундай услубиётларни тузаётганларида биринчи навбатда, ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасидан ва маҳаллий ҳукуматларнинг харажат эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Ў Германия давлатининг турли даражадаги бюджетлари бюджет танқислигини молиялаштириш учун заём маблағларини жалб қилишга ҳақлидирлар. Аммо бунда ҳукумат томонидан қатъий чеклашлар ҳам мавжуд.

АҚШ бюджет тизими федерал бюджет, штатлар бюджети ва маҳаллий ҳокимият (муниципалитет) бюджетларидан иборат.

АҚШда штатлар ва муниципалитетлар ҳокимият органлари аҳолини давлатнинг асосий хизматлари билан таъминлаш учун жавобгардир. Бу хизматларга бошланғич ва ўрта таълим, маҳаллий полиция ва ёнғиндан сақлаш, муниципал транспорт, жамоатчилик ишлари ва ижтимоий таъминот, шунингдек, штат миқёсидаги олий таълим киради. Федерал ҳукумат зиммасига миллий мудофаа ва давлат ижтимоий таъминотини молиялаштириш вазифаси юкланган. АҚШ нинг конституцияси солиқларни жорий этиш ваколатини фақат федерал ва ҳудудий ҳокимият органларига тақдим этган. АҚШ солиқ тизимининг бошқа мамлакатлар солиқ тизимларидан фарқи шундаки, ҳар бир бюджетга шу бюджет ҳокимияти жорий этган солиқларгина киритилади. Бир ҳокимият идораси томонидан жорий этилган солиқлар ўзга ҳокимият идоралари бюджетларига қайта тақсимланмайди.

АҚШ федерал бюджетига жисмоний шахсларнинг ва корпорацияларнинг федерал даромад солиғи, иш ҳақи фонди солиғи ва баъзи бир савдо солиқлари киритилади. Штатлар бюджети эса, жисмоний шахслар ва корпорацияларнинг ҳудудий даромад солиғи ҳамда умумий савдо солиғидан иборат, бунда савдо

солиғи улар бюджетининг асосий даромад манбаидир. Муниципал бюджетларни мулк солиғи тушумлари, шунингдек, баъзи муниципалитетлар томонидан жорий этиладиган савдо солиғи ва даромад солиғи тушумлари ташкил этади. Бундан ташқари, АҚШ бюджет тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир ҳокимият органи фақат ўзи жорий этишга ҳақли бўлган солиқ ва тўловларни маъмурий жиҳатдан бошқариш ва тартибга солиш ҳуқуқига эга. Бу тартиб ҳар бир ҳокимият органларига фискал сиёсат юритишда, солиқ базаларини кенгайтириш ва уни назорат қилишда катта ваколатлар беради.

Бюджетлараро тенглаштириш АҚШ да турли даражадаги бюджетларга ажратиладиган бюджет грантларининг мураккаб тизимидан иборат.

АҚШ да қуйи даражадаги бюджетларга шартли-мақсадли ва шартсиз молиявий ёрдамлар кўрсатилади. Шартсиз молиявий ёрдамнинг алоҳида шакли сифатида бюджетлараро даромадларни тенглаштиришнинг трансфертлар кўриниши майдонга чиқади. Ҳозирги вақтда федерал бюджет маҳаллий бюджетларга мақсадли бўлмаган молиявий ёрдам бермайди, айти пайтда, маҳаллий бюджетларга штатлар бюджетларидан шартсиз молиявий ёрдам шакли кенг қўлланилади.

Мақсадли молиявий ёрдам икки шаклдаги грантлар кўринишида бўлади: биринчи шакли – кенг миқёсдаги харажатлар моддаларини молиялаштириш учун ажратилади ва мазкур моддалар ўртасида маблағларни қайта тақсимлашда қатъий чекланишлар мавжуд бўлади, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга, шунингдек, бошқа харажатлар моддаларини молиялаштиришга ҳам грантлар ажратилади. Қуйи даражадаги бюджетларга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатишнинг иккинчи шакли - бу тоифали грантлар бўлиб, улар алоҳида харажат гуруҳларини молиялаштириш учун маблағлар ажратади. Федерал бюджетлар миқёсида бундай грантларнинг бир неча кўринишларидан фойдаланилади.

АҚШда федерал бюджет танқислиги ёпилиши лозим деган қонуний меъёр йўқ. Аксинча, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари қонунларида бюджетлар танқисликсиз бўлиши керак деган меъёрлар мавжуд. †

Буюк Британия икки даражали бюджет тизимига эга бўлган унитар давлатдир. Охириги 15 йил ичида ўтказилган ислохотлар маҳаллий бюджет аҳамиятини туширган бўлса ҳам марказий ва маҳаллий ҳукумат ўртасидаги муносабатлар Викториа давридан тортиб 1980 йилнинг охиригача ўзгаришсиз қолган. Маҳаллий ҳукумат таркиби Буюк Британиянинг уч қисмида: Англия, Шотландия ва Уэльсда турличадир.

Англияда графликлар ва аҳоли яшайдиган туманлардан, шунингдек, шаҳар ва шаҳарлашган туманлардан ташкил топган иккинчи даражали маҳаллий ҳукумат тизими мавжуд. 1992 йилдан эса, Уэльс ва Шотландияда ягона даражали маҳаллий ҳокимият тизими жорий қилинган.

Ўтказилган ислохот жараёнида муниципал ҳокимиятнинг харажат доиралари анча қисқартирилган. Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг ижтимоий хизматлар, транспорт, таълим, уй - жой масаласини пул билан таъминлаш ҳуқуқи ўз ўзини бошқариш маҳаллий ҳокимияти томонидан мустақамланди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг қурилиш, уй-жой харид қилиш, транспорт ва коммуникация тизимларини хусусийлаштириш ҳуқуқларини йўқотганларидан сўнг, маҳаллий ҳокимиятнинг харажатлари сезиларли даражада қисқарди. Ҳозирги вақтда Буюк Британия харажатларининг 36%и маҳаллий бюджет томонидан қопланмоқда.

Маҳаллий бюджетнинг даромад базаси икки хил солиқдан ташкил топган: тижорат йўлида ишлатиладиган миллий мулк солиғи ва жисмоний шахслар томонидан яшаш учун ишлатиладиган маҳаллий мулк солиғи.

Ўз ўрнида биринчи солиқ маҳаллий солиқ ҳисобланмайди, лекин унинг ҳажми, асоси ва тўлаш тартиби марказий ҳукумат томонидан белгиланади.

Буюк Британияда бюджетлараро тенглаштириш тизими жуда мураккаб ва мамлякатнинг турли жойларида турличадир. Молиявий ёрдамнинг икки асосий тури мавжуд: Блок - грант (Англия ва Уэльсда даромадни оширувчи грантлар дейилади) ва аниқ мақсадга ишлатиладиган грантлар. Бюджет даромадини ошириш учун грантлар ҳар йили асосан молиявий ёрдамнинг миқ-



дорини ҳисоблаш вақтида ажратилади. Марказий ҳукумат марказий бюджет лойиҳасини ва макроиқтисодиёт вазиятини эътиборга олган ҳолда, маҳаллий ҳокимият учун харажат меъёрларини аниқлаб беради. Ундан кейин молиявий ёрдам миқдори муниципал таълимнинг бюджет харажати билан маҳаллий бюджет фойдаси ўртасидаги фарққа биноан аниқланади. Агар марказий ҳукумат, маҳаллий бюджет аниқ бир моддаларга молиявий ёрдам кўрсатишни маъқул кўрсалар, грант кўринишида маблағлар ажратилади ва мазкур грантлар фақат аниқ мақсадларда ишлатилиши лозим бўлади. Буюк Британия бюджет тизими ҳақида гап борганда, марказий ҳукуматнинг маҳаллий бюджетнинг харажатлари устидан назорати ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Аввало, бу мақсадлар учун марказий бюджетдан келадиган молиявий ёрдамни қисқартиришдан тортиб қўшимча харажатларни қоплаш учун ажратилган грантларни йўқ қилишгача бўлган механизмлар ишлатилган. Охир-оқибатда бу механизмлар яхши натижа бермади ва 1986 йилда шошилинич чора-тадбирлар кўрилди, яъни маҳаллий бюджет харажатларини назорат қилувчи янги механизм ишга туширилди. Бу тартиб 4 йил давомида ишлатилди ва бу вақт давомида солиқ асосини қисқартириш тартиби 200 жойдан атиги 10-12 тасида қўлланилди.

Ҳар бир шахсни солиққа тортиш орқали маҳаллий бюджет харажатлари қайта кўриб чиқилди. Ҳукумат ҳужжатларида қўшимча харажатлар билан солиқ ўртасидаги нисбат меъёр қилиб белгиланди. Шу асосда қуйи солиқни тўловчиларнинг асосий қисми катта ёшдаги фуқаролар бўлиб қолди. Бироқ, олдинги фойда негизини камайтириш амалиёти қўлланмаса-да, гоҳи-гоҳида марказий ҳукумат бу амалиётни баъзи жойларда ишла-тиш кераклигини таъкидламоқда.

Маҳаллий бюджетни заёмлаштириш тизими ҳақида гапирилганда шуни айтиб ўтиш керакки, маҳаллий ҳокимиятда қарзга олинган манбалардан харажатларни қоплаш ҳуқуқи йўқ. Аммо, маҳаллий бюджетни заёмлаштиришни банклар орқали тўғридан-тўғри амалга ошириш мумкин. /

Италия тўрт поғонали ҳукумат тизимига эга бўлган унитар давлат: марказий, ҳудудий ҳокимият идоралари, округ ҳамда муниципалитетлар ҳокимият идоралари. Бошқарувга кўра Италия

20 ҳудудга, 99 округга, 8100 муниципал бўлинма ва 212 маҳаллий соғлиқни сақлаш бирликларига бўлинади. Ушбу 20 ҳудуддан 5 таси ўзининг махсус мақомига эга бўлиб, конституцион Қонунларда ўз ифодасини топган бюджетдаги харажат базасини аниқлашда катта эркинликка эга. †

† Италия бюджет тизими даражаларининг харажат мажбуриятлари ҳудудлар бюджетининг мажбуриятлари тиббий ташкилотлар хизматларини, шаҳар ободончилигини режалаштиришни, сув таъминотини ва шу билан бирга, йўл қурилиши ва ҳудудлараро йўловни транспортларни молиялаштиришдан иборат. Қонунда ҳудудларнинг ушбу харажат ваколатлари баъзи ҳолларда, айниқса, бу харажатлар жамият меҳнати ёки уй-жой хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳолларда бюджет тизимининг қуйроқ даражасига ўтказилиши махсус кўрсатиб ўтилган. Округлар бюджетни қурилиш, ҳудудлардаги давлат автомобил йўллари таъмирлашдаги харажатлар, сув ва тоғ транспорти, атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва ҳудудий таълим ташкилотлари, маданият идораларини молиялаштиришни ўз зиммасига олади †

Муниципалитет бюджетининг асосий харажатлари маҳаллий полиция маҳкамаси ижтимоий таъминот тизими қурилмасининг ҳамда қонунчилик идоралари ва таълим ташкилотлари биноларининг таъминотига, муниципал кўча ва йўллар қурилишига, таъмирлаш ва тозалашга, муниципалитет аҳолисини газ ва электроэнергияси билан таъминлашга сарфланади. Миллий бюджет доирасида энг кам харажатни провинциал бюджет ташкил этади.

† Маҳаллий бюджетга келадиган асосий маблағ кўпроқ божхоналардан келиб тушади. Шунга қарамай, Италия конституциясида кўрсатилган миллий субъектлар таъминоти, яъни унинг юқорида қайд этилган 1992 йилгача мўлжалланган грантлари эди. 1992 йилдан бошлаб маҳаллий бюджет базасига солиқ жараёнини бир тизимда ушлаб туриш учун марказий давлат солиқлари ҳам йўналтирилган. 1993 йил дастуридаги босқичлардан бирида солиқларни марказлаштиришга асосланган бюджет тизими жорий этилган, негаки, маҳаллий ҳокимият идоралари солиқ тўловчиларга белгиланган солиқлар миқдорини ўзгартиришга ҳуқуқли эдилар. Бюджетдаги солиқлар меҳнат фондлари ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш жараёнида тушадиган маблағлар ҳисобига маҳаллий давлат ташкилотларидаги солиқ

миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Келтирилган ўзгаришларга кўра, маҳаллий солиқлар ва солиқсиз тушумлар миқдори ҳудудий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида 1993 йилга бориб 48,6% га ўсди.

Давлат ҳокимияти органлари ичида энг кўп молиявий мустақиллик даражасига муниципал идора эгадир, 1994 йилда бюджетнинг 50% даромади солиқ ва солиқсиз тушумлардан келар эди. Бу ерда мулк солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларидан тушган солиқларнинг тушумлари тўлиқ миқдорда муниципал бюджетларга тушади.

Юқорида таъкидланганидек, субмиллий даражадаги бюджетлар даромадларининг асосий қисмини, юқори бюджетлардан грантлар шаклида бериладиган маблағлар ташкил этади. Ажратиладиган грантлар ёки трансфертлар мақсадли грантлар ва мақсадли бўлмаган грантларга бўлинади.

Шу боис, икки миллий бюджет фонди-умумий фонд ва минтақавий ривожланиш фонди, минтақавий бюджет учун йўналтириладиган грантларнинг манбаларидир. Бу икки фонд минтақалараро аҳолининг сонига, минтақа майдонига ва минтақада ишсизлик даражасига қараб мос равишда тақсимланади. Асосан кўрсатилган фондларнинг маблағлари мамлакатнинг жанубий, иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланмаган минтақаларига йўналтирилади.

Марказий бюджетдан муниципал бюджетга ажратиб бериладиган грантлар кўп томонлама аҳамиятга эга. Бу маблағларнинг манбалари бўлиб, трансфертлари турли хил мезонларга таянган ҳолда ҳозирги стандарт харажатларни ва махсус харажатлар дастурларини молиявий таъминлаш ва муниципалитетда солиқ базасининг етишмовчилигини қоплаш мақсадида ажратиб олинadиган фондлар саналади.

Кўриб чиқилган таҳлилдан шундай хулосага келиш мумкин: федерал давлатларнинг мажбуриятлари унитар давлатларга нисбатан кенгроқ, унитар давлатларда бир хилдаги тўловлар мавжуд ва бюджетлар ўзгача, федератив субъектларда эса бу нарса ҳокимият тизимига боғлиқ.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, унитар давлатларда фондлар яратилиб, улар марказий ҳокимият ресурсларини тақсимлайди ва бу жуда самарали механизм ҳисобланади. ✓

Федератив давлатларда бюджет алоҳида фонд бўлиб, иқтисодий ресурс ҳисобланади ва ички иқтисодий ресурслар билан таъминланади. Шу каби турли бюджетлар бир-бири билан узвий боғлиқдир.<sup>1</sup>

Ўтиш даврини бошдан кечираётган кўпгина давлатларда маҳаллий бюджетларнинг тақчиллигини бартараф этиш мақсадида заёмлар ва облигациялар чиқариш амалиёти мавжуд. Бу жараён ҳар бир мамлакатнинг умумий ривожланиш ва бюджетларро муносабатларни ислоҳ қилиш суръатларига мос равишда ривожлангандир (1-жадвал)<sup>6</sup>.

*1-жадвал*

**Чет элда маҳаллий бюджетларга заёмларни жалб этиш**

| Мамлакат | Маҳаллий даражадаги заёмлаштириш ҳуқуқи  | Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг заёмлари                       |
|----------|--|---|
| Болгария | Заёмлар чиқариш чекланган, давлат ҳокимияти идораларида тўлов қобилияти муаммолари мавжуд    | Молия вазирлигидан  |
| Венгрия  | Заёмлаштириш чекланмаган   | Баъзи муниципалитетларда муддати ўтган қарзлар мавжуд. Янги заёмлар кам |
| Польша   | Заёмлаштириш чекланган   | Заёмлаштиришга кетган харажатлар тушумларнинг 15%и дан ошмаслиги керак  |
| Россия   | Заёмлаштириш чекланган   | Янги заёмлар кам (ликвидликни таъминлаш учун)                           |
| Руминия  | Заёмлар чиқаришга рухсат йўқ, давлат ҳокимияти идораларида тўлов қобилияти муаммолари мавжуд | Заёмлар амалда йўқ  |

<sup>6</sup> Иқтисодиёт тадқиқотлар марказининг «Бюджетларро муносабатларни такомиллаштириш муаммолари»га бағишланган маърузаси, 2000 й, Тошкент.

Шарқий Европа давлатлари (Венгрия, Польша, Чехия)да заёмлаштириш тизимини эркинлаштириш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилган, чунончи, капитал бозорига чиқиш тегишли ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш билан бирга олиб берилган ва у иқтисодий МДҲ давлатларига нисбатан анча муваффақиятли ислоҳ қилишга имкон берган.

Бироқ, заёмлаштиришнинг ижобий томонлари билан бир қаторда, салбий жиҳатлари ҳам мавжуд, бу нарса ушбу амалиётга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашувни талаб этади. МДҲ баъзи мамлакатларининг (Россия, Украина) тажрибаси шундан далолат берадики, маҳаллий органлар томонидан асосий институционал механизмларни (молиявий бозорлар ва уларни бошқариш тамойиллари, мулкчилик ҳуқуқи, бюджет жараёни ва бюджет ҳисоб-китоблари андозаларини) мустақамламасдан туриб, заёмлаштириш амалиётидан фойдаланиш жуда жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, бозор интизоми ва самарали бошқариш механизми мавжуд бўлмаган маҳаллий бюджетлар томонидан заёмлаштириш ҳажмларининг тезда ошиб кетиши Россия ва Украинада иқтисодий ва бюджет вазиятининг кескин қарорсизланишга олиб келди. Бизнинг фикримизча, ўтиш иқтисодий давридаги кўпчилик давлатлардаги макроиқтисодий қарорсизлик вазиятининг мавжудлиги маҳаллий ҳокимият идораларига берилган заёмлаштириш ҳуқуқини чеклаш лозимлигини кўрсатмоқда.

! Молия бозорлари унча ривожланмаган давлатларда (Белоруссия, Молдова, Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида) заёмлаштиришнинг бош манбаи марказий бюджетлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўтиш даврини бошидан кечириётган давлатлар тажрибаси бюджет даромадларини солиқлар ёрдамида шакллантиришда, солиқ тушумларини ва харажат ваколатларини тақсимлашда, маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда заёмлаштиришни жорий этишда хилма-хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хорижий давлатлар тажрибасини умумлаштириш Ўзбекистон учун қуйидаги сабоқларни чиқариш имконини беради:

– тартибга солувчи солиқларни ягона, барқарор меъёрлар асосида маълум муддат (5 йил) га қатъий белгилаб (тақсимлаб)

қўйиш, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарор таъминлаш, бюджет ўлчамларини келишувчилик асосида ишлаб чиқиш амалиётидан халос қилиш, боқимандаликни бартараф қилиш ва маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ йиғишдан манфаатдорлигини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш, боқимандаларни қисқартириш анчагина самара беради;

– харажат ваколатларининг аниқ тақсимланмаганлиги тақчилликни қўйи даражадаги бюджетларга юклаш мақсадида харажатларни қайта тақсимлашга имкон яратади, алоҳида харажатларни чегириб қолишга ва самарасиз молиялаштиришга олиб келади, маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижро этиш устидан марказ томонидан қаттиқ назорат ўрнатилганлигига қарамасдан, жавобгарлик ва ҳисоботни сусайтиради;

– маҳаллий бюджетларга ички ва ташқи бозорларда заёмлаштириш ҳуқуқини бериш молия бозорларини ривожлантириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ механизм ва тамойилларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш, бюджет ҳисоботи ва назоратини кучайтиришни талаб этади. Бунда, макроиқтисодий барқарорликка эришиш жуда муҳимдир. Ушбу шароитларни яратмасдан туриб маҳаллий бюджетларга заёмлаштириш ҳуқуқини бериш бюджет тизимидаги барқарорликни издан чиқарувчи оқибатларга олиб келиши мумкин.

## **II Боб. Солиқларнинг маҳаллий бюджетни шакллантиришдаги аҳамияти**

### **2.1. Маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ҳар қандай мамлакатнинг молиявий тизими таркибида бюджет бирламчи аҳамиятга эга бўлади. Бюджетнинг жамият ва давлат ҳаётидаги бундай муҳим ўринга эга бўлиши бюджетга қонун даражасида мавжуд бўлиш заруриятини яратади. Айнан шу туфайли ҳам давлатнинг бюджети қонун чиқарувчи олий органлар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат бюджети - пул маблағларининг марказлашган фондини шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи давлатнинг асосий молиявий режаси ҳисобланади ва давлат, корхона, хонадон ва ташқи субъект ўртасидаги молиявий муносабатларни билдиради. Унинг ҳажми, таркиби, даромадлари ва харажатлари муайян даврда турли мамлакатларда турлича бўлади. Бюджет бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бозор муносабатларига ўтиш даври барча иқтисодий тузилмалар, шу жумладан, давлат бюджетининг ҳам жиддий ўзгаришини тақозо этади.

Бюджет тизимини шакллантиришга мамлакатда ҳукм сураётган иқтисодий устқурмадан келиб чиқиб объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Бюджет моҳиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи иқтисодиётнинг реал сектори ва молия секторининг тараққий этганлиги объектив омил ҳисобланади. Жамият ривожланиши билан иқтисодиётнинг реал сектори тобора такомиллашиб, самарадорлиги янада ошиб боради, ялпи маҳсулот тақсимланишининг ўсиши билан хусусий мулк муносабатлари, шунингдек, молия сектори ҳам вазифасига нисбатан ўзгаради. ҳар бир мамлакатнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларини, унинг анъаналарини, мазкур тарихий босқичда ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳам объектив омилларга киритиш мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай мамлакатнинг бюджети ўзининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ташкил этувчи муҳим қисмлардан бири – бюджет тизимини ва унинг муҳим қирраси бўлмиш бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишдир. Иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ютуқлар кўп жиҳатдан бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг энг мақбул механизмини яратиш, турли даражадаги бюджетлар даромад манбаларини белгилаб олиш ва уни қонуний асосда бириктириб, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида алоҳида ижтимоий ва иқтисодий вазифалар юзасидан жавобгарликни белгилаб қўйиш, ҳар бир даражадаги бюджет тизими зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан харажат ваколатларини аниқлаб бериш каби чора-тадбирларга боғлиқдир. Шу муносабат билан маҳаллий бюджет тизимларини мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда такомиллаштириш ва энг аввал уларни баланслашган ҳолда тузиш лозим.

Кўпгина мамлакатларда асосан икки турдаги бюджет тизими мавжуд:

- икки бўғинли бюджет тизими;
- уч бўғинли бюджет тизими.

Икки бўғинли бюджет тизими асосан унитар типдаги давлатларда умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади. Уч бўғинли бюджет тизими эса федератив типдаги давлатларда мавжуд бўлади. Бунда бюджет федератив бюджетлардан, федерация субъектлари бюджетларидан ва маҳаллий (муниципал) бюджетлардан ташкил топади.

Албатта, икки бўғинли бюджет тизими уч бўғинли бюджет тизимидан ўзининг соддалиги, аниқлиги, маъмурий - бошқарув харажатларининг камлиги билан ажралиб туради. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам давлат бюджет тизимидан ва бюджетлараро муносабатлардан иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади.

Иқтисодиётни бошқариш жараёнида бюджетдан фойдаланишда учта асосий тамойил: самарадорлик, барқарорлик ва ижтимоий адолатга риоя қилинган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин. **Иқтисодий самарадорлик** - давлат бюджетини шакллантиришда, солиқ солиш механизмини белги-



лашда, бюджет манбаларини йўналтиришда ҳамма вақт сарфланган маблағларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг юқори самара беришидир. Бунда алоҳида хўжалик юритувчи юридик шахснинг узоқ муддатли манфаатини эмас, балки бутун хўжалик ёки жамиятнинг умуман наф кўришини эътиборга олиш лозим. Даромадлар манбаларини танлашда, уларнинг ҳажмини асослаш, айрим бўлимлар харажатларини аниқлаш ва уларнинг молиявий таъминланишига ушбу нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Самарадорлик тамойили эса фақат бюджет ва айрим корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ўртасидаги фойдали ўзаро муносабатлар ўрнатишга эмас, балки умумдавлат тадбирлари учун сарфланадиган маблағнинг таркибини белгилашда ҳам ўз ифодасини топади. Жамият нуқтаи назаридан бюджет маблағлари бир қисмининг (оптимал ҳажмда) мамлакат ҳарбий эҳтиёжларига, ички тартибни қўриқлашга, давлат органларини сақлашга, маҳсулот ишлаб чиқармайдиган соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилиши бир жиҳатдан фойдали ҳамдир. Бу фақат фуқароларнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, балки турмуш даражасини ошириш учун ҳам яхши шароитлар яради.

Иқтисоднинг барқарор бўлиши орқали давлат иқтисодиёти циклини, унинг кўтарилишлари ва пасайишларини назорат қилиб турса, бюджет ва кредит ёрдамида эса умумиқтисодий мутаносибликларга, яъни маҳсулотни тақсимлашга таъсир кўрсатади, мутаносибсизликнинг олдини олиш учун заҳиралар ташкил қилади. Ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, унинг ўсиши, кенгайиши, асосий ишлаб чиқариш қувватларининг янгиланишини рағбатлантирувчи солиқ сиёсатигина таъминлаши мумкин. Фан, таълимнинг ривожланиши, юқори малакали кадрлар тайёрланишини ва жамиятнинг узлуксиз ривожланиши учун бошқа ижтимоий шароитлар яратилишини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бюджет қурилишидаги ижтимоий адолат тамойили, даромадларга адолатли солиқлар солиниши, таълим муассасаларининг кенг тармоқларига, ижтимоий эзгулик бахш этувчи маданий-маърифий ва тиббиёт ташкилотларига маблағ ажрати-

лишида ўз аксини топади. Бюджет ўз маблағларини инфляция жараёни муносабати билан аҳоли даромадлари, омонатларини адолатли индексациялаш учун ҳам ажратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат тартибга солишнинг асосий тамойилларига амал қилган ҳолда, аниқ вазиятни ҳисобга олиб, бюджет, кредит, иқтисодий воситалар ёрдамида иқтисоднинг ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига таъсир кўрсатади. Хуллас, бюджет давлатнинг таъсирчан молиявий воситасидир. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий тузилишида ҳам шу ҳисобга олинади.

Мамлакатимиз бюджет тизимининг таҳлили шуни кўрсатадики, бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатлар иқтисодий эркинлик (либерализм) талабларига мос равишда ривожланиши зарур. Республикамиз бюджет тизимидаги айрим нуқсонлар бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг амал қилиш жараёнида тугатилиши мумкин.

Мамлакатимиз бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатларининг қонуний негизини аниқловчи биринчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституциянинг 22-моддасида давлат бюджетининг таркиби аниқланган.

Давлат бюджети таркибининг аввалгисидан фарқи асосан қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг мақоми ўзгарди;
- иккинчидан, ҳокимият тизими ўзгарганлиги ва халқ депутатлари кенгашларидан воз кечилганлиги, мулкчилик шакллари ва корхоналарни молиялаштириш манбалари ўзгарганлиги туфайли маҳаллий бюджетларнинг таркиби ўзгарди;
- учинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркиби ва уни молиялаштириш манбалари ўзгарганлиги боис маҳаллий бюджетларни молиялаштириш манбалари республика солиқ кодексига асосан ўзгарди.

Солиқ кодексининг 6–7 – моддаларида солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинган. Шунингдек, солиқларни жорий этувчи идоралар ва уларнинг ваколатлари ҳам белгиланган.

Юқорида келтирилган қонуний ҳужжатлар бюджетлар ва уларни шакллантириш бўйича юзага келадиган муносабатлар-

ни тўлиқ қамраб олмайди ёки бошқача айтадиган бўлсак, замон талабига кўра, такомиллашуви даркор.

Ҳозирги вақтда бюджет тизими тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди ва амалда қўлланмоқда. Ушбу қонун бюджет тизимининг таркибий тузилиши ва бошқарувининг асосини, давлат бюджетининг таркибини ва тузилиш тамойилларини, уни тузиш ва ижро этиш тартибини, даромадларни шакллантириш ва харажатларни амалга оширишни, турли даражадаги бюджетлараро муносабатлар механизмини, давлат бюджети маблағлари бўйича амалиётлар устидан ҳисобот ва назорат тартибини белгилаб берди.

Ушбу қонун бошқа давлатларнинг шу хилдаги қонунлари билан маълум ўхшашликка эга ва шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси бюджети тузилиши ва амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Бироқ, бюджет тизими тўғрисидаги қонун маҳаллий бюджетларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари билан ўзаро муносабатларини ўз ичига олмаган. Бу ўзига хослик шу билан боғлиқки, чет эл амалиётидан фарқли ўлароқ, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари мустақил бюджет сифатида давлат бюджети таркибига кирмайди ва бюджет ажратмаларини олувчилар бўлиб ҳисобланадилар. Шу муносабат билан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари амалга оширган харажатлари тўғрисида тегишли маҳаллий бюджетларга ҳисоб берадилар ва шу ернинг ўзиде, зарур ҳолларда, бюджет ажратмаларининг миқдорларини ўзгартиришни амалга оширадилар, яъни бошқа бюджет ажратмаларини олувчилар каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Бюджет ажратмаларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тадбиркорлик тузилмаларининг ва жамоатчилик корхоналарининг ҳомийлик маблағлари ҳисобига ҳам қисман молиялаштиради.

Ушбу қонунда биринчи мартаба бюджет тизимининг тузилиш тамойиллари шакллантирилган ва қонуний тартибда расмийлаштирилган.

Давлат бюджети даромадларининг қонунда келтирилган таснифи (республика ва маҳаллий бюджетлар ҳам кирди) халқаро амалиётдан ҳам, қонун қабул қилингунга қадар амал қилгани-

дан ҳам фарқ қилади. Хусусан, 1998 йилда хусусийлаштиришдан тушган даромадлар давлат бюджети тақчиллигини қоплашга йўналтирилар эди ва табиийки, молиялаштириш манбалари сифатида ҳисобга олинар эди. Қонуннинг “Давлат бюджети даромадлари” моддасида эса даромад моддаларидан бири сифатида давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштириш, фойдаланишга тақдим этиш ва сотишдан тушган даромадлар аниқланган. Ушбу тарифга кўра, хусусийлаштиришдан тушган даромадларни ушбу моддага киритиш мумкин, бу эса юқорида таъкидланганидек, амалдаги таснифга зид келади.

Қонуннинг зиддиятли жиҳатларидан яна бири – барча даражадаги бюджетлар мустақиллик тамойилларининг уларга нисбатан жорий этилган чекланишлар шароитида эътироф этилишидир. Қонунга кўра, Қорақалпоғистон республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар учун қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- бюджет тақчиллигига;
- қонунда кўрсатилмаган манбалар ҳисобидан фондлар ташкил этиш;
- қарз олиш ёки қарз беришни амалга ошириш (юқори бюджетдан қарз олиш бундан мустасно);
- бюджетда тасдиқланганидан ташқари харажатларни амалга ошириш;
- бюджет маблағлари ҳисобидан кафилик бериш;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджетдан қарз бериш.

Юқорида келтирилган чекланишлар маҳаллий солиқларнинг параметрлари (ставкалар, базаси, енгилликлари)ни аниқлашдаги ваколатларнинг ҳам йўқлиги билан бир қаторда, маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Қонун турли даражалардаги бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатларни ҳам белгилайди. Асосий бошқарувчи идоралар сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги белгиланиб қўйилган.

Давлат бюджетининг ижроси жараёнида юзага келадиган кўплаб масалаларни ҳал этиш республика ҳукуматига юклатилган. Жумладан, бюджет лойиҳасининг ишлаб чиқилишини ташкил қилиш, давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш

тартибини аниқлаш ва бошқалар. Вазирлар Маҳкамаси қонуний берилган ваколатлар доирасида ажратмалар миқдорини ўзгартириши мумкин. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра қуйи бюджетларга киритиладиган даромадларни, Қорақалпоғистон республикаси бюджети ва вилоятлар бюджетларида кўзда тутилган алоҳида харажатларни молиялаштириш учун республика бюджетига йўналтириши мумкин.

Айни вақтда ушбу қонун Молия вазирлигига фискал сиёсатининг асосий юргизувчиси сифатида бюджет тасдиқлангандан сўнг бюджет харажатларини камайтириш бўйича етарли ваколат берилишини назарда тутмаган. Бизнинг назаримизда, Молия вазирлигига фавқулодда ваколатлар бериш ва жорий молиялаштириш тартибини киритиш керак, бу қўшимча равишда харажатлар ва даромадларни камайтириш бюджет камомадига тазйиқ қилмаслик мақсадида қопланиб борилишини назарда тутади.

Қонуннинг яна бир жиҳати шундаки, унда давлат бюджети устидан назорат қилишга етарлича ўрин берилмаган. Бюджет ажратмалари устидан назорат олиб боришнинг фақат услубияти келтирилган, холос. Бизнингча, назоратнинг мустақил аудит турини ҳам жорий этиш бюджет назорати таркибида анчагина самарали механизм бўлиши мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган ҳолатлар мамлакатда юритилаётган бюджет сиёсатига бевосита таъсир қилади. Бюджет сиёсати давлатнинг республика бюджети ва маҳаллий бюджетларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш билан боғланган. Унинг асосий вазифаси солиқлар ва йиғимларни такомиллаштириш ёки давлат харажатларини оқилона режалаштириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва самарали иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатишдан иборат. Бу соҳадаги қабул қилинадиган қарорларнинг мазмунига олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг амалга ошиш суръатлари ва сифати тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бу ерда иқтисодчи – олимлар бюджет сиёсатининг икки вариантини таърифлашмоқда:

Биринчи вариант солиқ юкини ва солиқларнинг ички таркибини оқилона белгилаш ва унга боғлиқ бўлган бюджетнинг ички қарздорликлардан тобелигини кескин бартараф этиш орқали

иқтисодий ўсишни рағбатлантириш чора - тадбирларини ўз ичига олади.

Иккинчи вариант – хусусий бизнеснинг капитал йиғиш ва уни ишлаб чиқаришга, инвестиция қилишга яроқли эмаслиги ҳақидаги назарияга асосланган. Инвестиция фаоллигининг маркази давлат бўлиб қолади. Фақат давлатгина инвестицияларни тўплаши ва уни ишлаб чиқаришга оқилона йўналтириши мумкин. Бу йўлнинг тарафдорлари асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг давлат томонидан тартибга солинишини ва ресурсларнинг давлат қўлида тўпланиб, мамлакатнинг иқтисодий ва миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ишлатилишини таклиф этадилар.

Шундай қилиб, бюджет сиёсатининг иккита йўналишини иқтисодий сиёсатнинг йўналишлари дейиш мумкин. Бизнеснинг мамлакатимиз эса иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва уни эркинлаштиришнинг ўзига хос йўлидан бораётган бир вақтда, юқорида таъкидлаганимиздек, бюджет муносабатларини ва маҳаллий бюджетларни ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет тизимини ислоҳ қилишдаги асосий тадбирлардан бири – маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджет ҳуқуқларини кенгайтиришдан иборат. Жумладан, маҳаллий ҳукумат идораларига ўз ҳудудларида солиқларни жорий этиш ва мустақил солиқ-бюджет сиёсатини юритишларига йўл очиб бериш ҳамда уларни маблағлар билан таъминланмаган харажатлар мажбуриятдан озод этиш керак.

Маҳаллий органларга кенг ҳуқуқлар бериш билан бир вақтда, уларга бюджетни юқори масъулият билан бажаришлари юзасидан мажбуриятлар ҳам берилиши керак. Бунинг учун маҳаллий органларнинг молиявий ночорлиги ва тўлов имкони йўқлиги тўғрисидаги концепция ишлаб чиқилиши лозим. Бунда тўлов имкони паст ва маҳаллий бюджетни самарасиз бошқарганликлари учун молиявий аҳволи ночор бўлган ҳудудий ҳукумат идораларининг раҳбарлари жавобгарлиги масаласини юқори идоралар томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқий тартибини белгилаб қўйилиши зарур.

## 2.2. Марказий ва маҳаллий бюджет ўртасидаги муносабат

Бюджетлараро муносабатларнинг муҳим шarti – турли даражадаги бюджетларнинг молиявий базаларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашдир. Бу база ҳар бир бюджетнинг ўз даромадидан, бириктирилиб қўйилган ва тартибга солувчи солиқлардан тушадиган тушумлар, шунингдек, юқори бюджетлардан ажратиладиган турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан иборат. Қуйида биз маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибининг динамикасини кўриб чиқамиз.

2-жадвал


Маҳаллий бюджетлар даромадларининг динамикаси<sup>7</sup>

(фоиз ҳисобида)

|                                     | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|-------------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Даромадлар, жами:                   | 100,0    | 100,0    | 100,0    | 100,0    | 100,0    |
| Бевосита солиқлар                   | 40,7     | 29,1     | 32,2     | 30,0     | 28,5     |
| Билвосита солиқлар                  | 35,9     | 37,2     | 33,0     | 36,0     | 43,7     |
| Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи | 10,1     | 19,0     | 17,0     | 16,0     | 14,1     |
| Бошқа даромадлар                    | 13,3     | 14,7     | 17,8     | 18,0     | 13,7     |

1-диаграмма

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг динамикаси



<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Иккинчи жадвал ва 1-диаграммадан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг даромадларида бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги тафовут унча катта эмас, барибир, асосий ўринни билвосита солиқлар эгаллайди. Бу нарса шундан далолат берадики, билвосита солиқлар давлат бюджетини тўлдиришда асосий даромад манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Билвосита солиқларга хос бўлган юқори даражадаги йиқувчанлик хусусияти, айниқса, уларни бозор иқтисодиётининг дастлабки давларида, корхоналар молиявий аҳволи нисбатан яхши бўлмаган ва тўғри солиқлар билан бюджет эҳтиёжларини тўла қондириш мумкин бўлмаган ҳолларда, солиқ амалиётида қўллашни тақозо этиб қўяди. Шу нуқтаи назардан юқоридаги ҳолат бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечирган ва кечираётган барча давлатларга хосдир.

Барча солиқ тушумларининг ҳисобини олиб бориш учун умумдавлат солиқлари аввал республика бюджетига марказлашган равишда тушиши таъминланади, сўнг турли даражадаги бюджетлар бўйича тақсимланади.

Бюджетлар ўртасида даромадлар тақсимланиши жиҳатидан солиқларнинг бўлиниб қўйилиши ва уларнинг маълум бюджет даражасига бириктириб қўйилиши ўта муҳимдир. Солиқ кодексига кўра, солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинган. Шунга биноан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Умумдавлат солиқларининг бир қисми (ҳуқуқий шахсларнинг фойда солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи) маҳаллий бюджетлар ўртасида ҳар йили вилоятлар бўйича қонуний тартибда белгилаб қўйиладиган меъёрлар асосида тақсимланади. Умумдавлат солиқларининг қолган турлари (сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, кичик корхоналарнинг ягона солиғи, акциз солиғининг айрим турлари) тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга тушади, яъни улар маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйилган умумдавлат солиқларидир. Маҳаллий солиқлар ва солиқ бўлмаган тушумлар, шунингдек, бириктириб қўйилган



солиқ тушумлари бюджетлараро муносабатларни шакллантиришда асосий ўринни эгаллайди.

3-жадвал

Республика бўйича маҳаллий бюджетларнинг умумий даромадларида маҳаллий солиқларнинг салмоғи <sup>а</sup>

(фоизларда)

| Манбалар  | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|---|----------|----------|----------|----------|
| Маҳаллий солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги салмоғи, жами: | 10,7     | 16,1     | 18,1     | 21,3     |
| – юридик шахсларнинг мулк солиғи  | 2,5      | 3,5      | 3,5      | 3,9      |
| – жисмоний шахсларнинг мулк солиғи                                      | 0,2      | 0,6      | 0,8      | 1,1      |
| – ер солиғи   | 4,2      | 5,2      | 5,8      | 6,1      |
| – ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи                          |          | 1,5      | 1,4      | 1,9      |
| – давлат божлари  | 0,9      | 0,8      | 0,8      | 0,9      |
| – бошқа маҳаллий солиқлар   | 0,1      | 0,8      | 0,3      | 0,4      |
| – кичик корхоналарнинг ягона солиғи                                     | 0,1      | 1,1      | 2,0      | 3,3      |
| – тадбиркорларнинг даромад солиғи                                       | 1,1      | 1,5      | 1,7      | 2,1      |
| – бошқа солиқсиз йиғимлар   | 1,6      | 1,1      | 1,8      | 1,6      |

Ер солиғи ва мулк солиғи маҳаллий солиқлар туркумига 1998 йилдан бошлаб киритилди. Бу эса маҳаллий бюджетлар даромад базасининг анчагина мустаҳкамланишига олиб келди: маҳаллий солиқлар салмоғи 1998 йилда 10,7 фоиздан 2001 йилда 21,3 фоизга етди, яъни икки бараварга кўпайди. Унинг таҳлили юқоридаги 3-жадвалдан кўринишича, маҳаллий солиқлар тушумининг ярмидан кўпроғи мулк солиғи ва ер со-

<sup>а</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

лиғи ҳисобига таъминланган. Аммо, барибир, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетдаги ҳиссаси кам.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг янада мустаққамланиши, уларни маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ёрдамида шакллантиришнинг амалдаги механизмини ислоҳ қилиш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу йўналишда мулкка, ерга, ресурсларга солиқ солиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз солиқ тизимиغا хос, аммо чет давлатлар солиқ тизимидан фарқ қиладиган жиҳат шундаки, барча солиқ турларидан кўплаб имтиёзлар ва энгилликлар, баъзи ҳолларда эса ўзининг мақсадига етмайдиган ва кутилган самарани бермайдиган энгилликлар мавжуд. Бундай имтиёз ва энгилликларга, айниқса, қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиқларидан кўплаб мисол келтириш мумкин. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари нуқтаи назаридан олиб қарасак, худди шундай аҳволни мулк солиғида ҳам учратиш мумкин. Солиқ кодексининг 92-моддасига кўра, бир томонлама тарзда кўплаб солиқ тўловчилар тоифалари мулк солиғидан озод этилганлар. Масалан, устав фондида чет эл сармоясининг улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди. Буни чет эл инвесторларини мамлакатга жалб этиш мақсадида жорий этилган деб эътироф этиш мумкин. Лекин, бизнинг фикримизча, биринчидан, чет эллик инвесторлар бошқа солиқлардан ҳам жуда кўплаб имтиёзларга эгадирлар (масалан, даромад (фойда) солиғидан), иккинчидан эса, башарти мулк солиғи маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаларидан бири экан, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини ошириш мақсадида, ушбу солиқдан энгилликлар мумкин қадар камайтирилиши ёки бекор қилиниши ва фақат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энгилликлар сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқдир.

Солиқлар қаторида солиқсиз йиғимлар ҳам бюджетларнинг муҳим манбалари бўлиб қолиши керак, чунки солиқ юкини ошириш чегараланганлигини, яъни солиқ юкини фақат маълум даражасигача кўтариш яхши натижа бериши мумкинлигини ҳисобга олсак, бу муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига тегишли бўлган мулкдан даромад манбаларини ошириш мақсадида фойдаланишга ўрганишлари керак.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг яна бир муҳим манбаи жисмоний шахслар даромад солигининг маҳаллий бюджетларга узоқ муддатга бириктирилиб қўйилишидир.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғига маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар маҳаллий бюджетлар учун ўта муҳим манбадир. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгандан кейин хусусий тадбиркорлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Қуйидаги 4-жадвалда биз республикамиздаги тадбиркорлар сонининг 1997 йилдан 2001 йилгача бўлган ҳолатини таҳлил қиламиз. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг сони йил сайин ўсиб бормоқда. Яъни, 1997 йилда тадбиркорлар сони 238470 тадан 2001 йилга келиб 289209 тага етган ёки 21,28% га ўсган.

4-жадвал

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар миқдори<sup>1</sup>

| Минтақалар номи              | 1997   |       | 1998   |        | 1999   |        | 2000   |        | 2001   |        |
|------------------------------|--------|-------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
|                              | сон    | %     | сон    | %      | сон    | %      | сон    | %      | сон    | %      |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8486   | 3,56  | 8693   | 3,65   | 8636   | 3,62   | 8654   | 3,63   | 8251   | 3,46   |
| Андижон вилояти              | 24379  | 10,22 | 26886  | 11,27  | 27533  | 11,55  | 28092  | 11,78  | 28242  | 11,84  |
| Бухоро вилояти               | 13135  | 5,51  | 14228  | 5,97   | 13482  | 5,65   | 13729  | 5,76   | 14509  | 6,08   |
| Жиззах вилояти               | 8060   | 3,38  | 10159  | 4,26   | 10098  | 4,22   | 10288  | 4,31   | 10338  | 4,34   |
| Қашқадарё вилояти            | 11223  | 4,71  | 12554  | 5,26   | 13749  | 5,76   | 12935  | 5,43   | 14510  | 6,08   |
| Навоий вилояти               | 8190   | 3,43  | 7995   | 3,35   | 8794   | 3,67   | 8136   | 3,41   | 8622   | 3,62   |
| Наманган вилояти             | 16735  | 7,02  | 19769  | 8,29   | 19787  | 8,30   | 19959  | 8,37   | 20112  | 8,43   |
| Самарқанд вилояти            | 22923  | 9,61  | 24352  | 10,22  | 23174  | 9,72   | 23165  | 9,71   | 22524  | 9,45   |
| Сурхондарё вилояти           | 10426  | 4,37  | 11394  | 4,78   | 11724  | 4,92   | 11519  | 4,83   | 11641  | 4,88   |
| Сирдарё вилояти              | 6618   | 2,78  | 8189   | 3,44   | 7441   | 3,12   | 6463   | 2,71   | 6941   | 2,91   |
| Тошкент вилояти              | 21420  | 8,98  | 24267  | 10,18  | 20754  | 8,70   | 19154  | 8,03   | 20442  | 8,57   |
| Фарғона вилояти              | 27049  | 11,34 | 29189  | 12,25  | 29548  | 12,39  | 28820  | 12,08  | 29011  | 12,17  |
| Хоразм вилояти               | 12357  | 5,18  | 12537  | 5,25   | 12117  | 5,08   | 13032  | 5,46   | 14450  | 6,06   |
| Тошкент шаҳри                | 47469  | 19,91 | 69183  | 29,01  | 80393  | 33,71  | 78433  | 32,89  | 79616  | 33,39  |
| Республика буйича, жами      | 238470 | 100,0 | 279395 | 117,18 | 287230 | 120,41 | 282379 | 118,40 | 289209 | 121,28 |

Бунда, албатта улар томонидан тўланадиган солиқлар миқдори ҳам ўз навбатида кўпаймоқда. Бу ҳолатни қуйидаги 5-жадвалда кўриш мумкин:

5-жадвал

**Жисмоний шахслар даромад солиғининг  
давлат бюджети тушумларига нисбаган салмоғи**

фоизларда

| Манбалар  | 1995 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|---|----------|----------|----------|
| ДСҚ бўйича бюджетга тўловларнинг жами тушумлари                     | 100      | 100      | 100      |
| Жисмоний шахслар даромад солиғи, жами, жумладан:                    | 10,54    | 16,78    | 17,64    |
| Жисмоний шахслар даромад солиғи (ишчи, хизматчилар)                 | 10,22    | 14,50    | 14,86    |
| Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад солиғи | 0,32     | 2,28     | 2,78     |

Мазкур жадвални таҳлил қилиш орқали кузатиш мумкинки, жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари давлат бюджетининг асосий манбаларидан биридир. Яъни, уларнинг давлат бюджетига салмоғи 1995 йилда 10,54 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 16,78 фоизни, 2001 йилда эса 17,64 фоизга етди ёки 7,10% га ошди. Шу ўринда 2001 йилдаги жисмоний шахслар даромадларини алоҳида ишчи ва хизматчилар ҳамда тадбиркорларнинг даромад солиқларига ажратиб таҳлил қилинса, жисмоний шахслар даромадларининг 84,2 фоизини (14,86 x 100 : 17,64) ишчи ва хизматчиларнинг даромад солиғи, 15,8 фоизини (2,78 x 100 : 17,64) тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадлари ташкил этади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад солиғи салмоғи гарчи кам бўлса-да, барқарор ўсиш кузатилмоқда. Бу солиқ турининг бюджет даромадларидаги улуши 1995 йилда 0,32 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 2,78 фоизгача ўсган, яъни

\* Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

1995 йилга нисбатан 8,7 баробарга кўпайган. Келтирилган гаҳлиллardan шундай хулоса келиб чиқадики, гадбиркорларнинг даромад солиғи маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини барқарорлаштиришда истиқболли манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда маҳаллий ҳокимият органларининг ўз солиқ имкони (потенциал)ни ва солиқ тўловчилар сонини кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда гадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг сонини ошириш, шунингдек, улар даромадларини назорат қилиш механизмнинг самарадорлигини кўтариш ҳисобига бюджет манфаатдорлигини таъминлаш борасида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар тушумлари маҳаллий бюджетлар харажатларининг кичик қисмини қоплаганлиги туфайли маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро тартибга солиш йўли билан, тартибга солувчи солиқлардан меъёрлар бўйича ажратмалар орқали шакллантирилади. Тартибга солувчи солиқлар тушумларидан ажратмалар меъёрлари вилоятлар ва солиқ турлари бўйича табақалашгандир ва улар ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Меъёрлар ҳар молия йили бошланишидан олдин, умумдавлат эҳтиёжларига доир харажатлар ҳажми аниқлангандан кейин белгиланади. Уларнинг ҳар йили ошириши маҳаллий бюджетлар харажатларини қоплаш ва давлат бюджетидан қуйи бюджетларга бериладиган молиявий ресурсларнинг ҳажмини камайтириб бориш билан бевосита боғлиқ. Меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдавлат солиқларининг тушиши мумкин бўлган истиқболдаги миқдоридан ва маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлари истиқболларидан келиб чиқилади. Кўпчилик вилоятларда шунинг учун ҳам меъёрлар 100 % га кўпайтирилган (1-, 2- ва 3 – иловаларда умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг меъёрий динамикаси келтирилган).

Солиқ тушумларини қайта тақсимлашнинг амалдаги тартибига кўра, энг кўп солиқ тушуми кутилаётган вилоятларга солиқ тушумларидан ажратмалар бошқа минтақаларга нисбатан кам

миқдорда ажратилади. Ушбу вилоятларда ривожланган индустрия, савдо-сотиқ ва аҳоли даромадларининг нисбатан юқорилиги натижасида баъзи вилоятлардан фарқли ўлароқ, юқори солиқ салоҳияти (потенциали) юзага келган.

Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш, бюджетларни шакллантиришда солиқлардан фойдаланиш механизмини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ушбу тартиб солиқларни умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратилишига асосланган. Зеро, шунга ўхшаш ҳолатларни ўтиш иқтисодиётини бошдан кечирган ва кечираётган кўплав давлатларда учратиш мумкин. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий салмоғи бюджетлараро тартибга солиш каналлари орқали, меъёрлари ҳар йили қайта кўриб чиқиладиган умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари асосида шакллантирилади. Бунда меъёрларни вилоятлар ва солиқ турлари бўйича аниқлашнинг ягона услубий ёндашуви мавжуд эмас, бу эса вилоятлар бўйича анчагина тафовутлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Солиқларни тақсимлашнинг амалда ҳаракат қилаётган тартибига кўра, вилоятлар орасида бюджет даромадларининг киши бошига тўғри келадиган ҳажмлари бир-биридан жуда катта фарқ қилиб қолмоқда. Маҳаллий бюджетлар тақчиллигини қоплашга ажратиладиган субвенциялар эса бу тафовутга таъсир қилаётгани йўқ.

Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишдаги тақсимланиши вертикал (тик) ва горизонтал (бўйлама) мутаносибсизликка олиб келиши мумкин. Бюджетнинг вертикал мутаносибсизлиги (дисбаланси) маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз манбаларидан оладиган даромадларидан ошиб кетишидир. Бюджетнинг горизонтал дисбаланси эса, турли даражадаги бюджетларда даромад ва харажат қолдиқларининг ўзгариб туришидир. Бюджет дисбалансининг мавжудлиги давлатларнинг ўтиш даврига хос хусусият эмас. Хусусан, горизонтал дисбаланс харажатлар ҳажмига таъсир кўрсатадиган иқтисодий активлик, табиий ресурслар ва демографик омилларнинг географик нотекис тақсимланиши оқибатидир. Маълумки, горизонтал ва вертикал дисбалансни тенглаштириш, текислаш мақсадида юқори бюджетлардан турли

шаклдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланилади. Булардан бири - субвенция. Умумдавлат солиқларини тақсимлаш билан бир қаторда, молиявий ёрдам ҳам бюджетлараро тартибга солиш ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг воситаларидан ҳисобланади.

6 - жадвал

**Вилоятларга ажратилган субвенциялар даражаси<sup>10</sup>**

|                              | Маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида субвенцияларнинг салмоғи, % |      |      |      |      | Бюджет таъминоти даражаси, (субвенциялар киритилган ва ўзаро ҳисоб-китоблар чиқарилган, сўм/кишига) |       |       |       |       |
|------------------------------|---|------|------|------|------|---|-------|-------|-------|-------|
|                              | 1997  | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 1997  | 1998  | 1999  | 2000  | 2001  |
| Қорақалпоғистон республикаси | 59  | 55   | 35,9 | 41,9 | 42,3 | 9989  | 17961 | 14971 | 18071 | 19115 |
| Андижон                      | 27  | 19   | 14,4 | 29,4 | 28,2 | 7070  | 9352  | 11748 | 15088 | 15890 |
| Бухоро                       | -   | -    | -    | -    | -    | 7233  | 12500 | 12639 | 17057 | 18750 |
| Жиззах                       | 44  | 47   | 29,4 | 48,7 | 48,9 | 7121  | 10689 | 12675 | 15892 | 16450 |
| Қашқадарё                    | -   | -    | -    | -    | -    | 5555  | 7602  | 11026 | 13822 | 14592 |
| Навоий                       | -   | -    | -    | -    | -    | 9877  | 8837  | 20589 | 20833 | 21149 |
| Наманган                     | 28  | 37   | 17,4 | 42,3 | 41,2 | 7417  | 11378 | 11484 | 15162 | 16879 |
| Самарқанд                    | 28  | 22   | 22,6 | 23,7 | 23,1 | 6757  | 8788  | 10619 | 13513 | 15697 |
| Сурхондарё                   | 26  | 33   | 11,2 | 39,9 | 39,3 | 6488  | 10543 | 10500 | 15046 | 17428 |
| Сирдарё                      | 13  | 30   | 16,6 | 23,9 | 24,1 | 8390  | 16145 | 17490 | 21595 | 23456 |
| Тошкент                      | -   | -    | -    | -    | -    | 7358  | 7167  | 13335 | 13852 | 14294 |
| Фарғона                      | -   | -    | -    | -    | -    | 6728  | 7276  | 11948 | 14232 | 16258 |
| Хоразм                       | 0,6   | 9,0  | -    | 19,7 | 19,5 | 7919  | 11990 | 12915 | 16088 | 19251 |
| Тошкент шаҳри                | -   | -    | -    | -    | -    | 2208  | 24879 | 31218 | 23246 | 25624 |
| Республика буйича жами       | 12,4  | 16,5 | 8,1  | 17,1 | 17,8 | 8593  | 11398 | 14160 | 16056 | 19259 |

Ўзбекистонда иқтисодий салоҳияти паст бўлган вилоятларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг ўз даромад ба-

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

заларини шакллантиришлари учун камлик қилади, уларга юқори бюджетлардан субвенциялар ажратилади. Ажратилган субвенцияларнинг маҳаллий бюджетлар даромадлари умумий ҳажмига нисбатан салмоғи 1997 йилда 12,4%ни, 1998 йилда 16,5%ни, 1999 йилда 8,1%ни, 2000 йилда 17,1%ни ва 2001 йилда эса 17,8% ни ташкил этди (6-жадвалга қаранг).

Маҳаллий бюджетларнинг режалаштирилаётган йилдаги солиқ ва солиқсиз йиғимлари ҳамда улар харажатлари ўртасидаги фарққа, яъни маҳаллий бюджетлар тақчиллиги (дефицит)га субвенциялар ажратиш шаклланган амалиётдир. Ҳар бир ҳудуд учун субвенциялар миқдори маҳаллий ҳокимият органлари ва Молия вазирлиги ўртасидаги ўзаро келишув жараёнида аниқланади. Ушбу келишувлар ҳар икки томоннинг ҳам анчагина вақтини олади ва маҳаллий ҳукумат идораларининг ҳудудий даромадларини камайтиришга ва зарур харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади. Ўзаро келишув жараёни алоҳида ҳудудларга нисбатан субъектив ёндашувдан ҳоли эмас ва бу нарса баъзи ҳудудлар манфаатига зид келиши мумкин.

Субвенциялар ажратишнинг ҳаракат қилаётган амалиёти, бизнинг фикримизча, донор - вилоятларни ўз солиқ имкониятларини оширишга рағбатлантирмайди ва субвенциялар олувчиларда ҳам ўз даромад ва йиғимларини оширишга қизиқиш уйғотмайди.

МДХ нинг кўпчилик давлатлари тақсимлаш ва қайта тақсимлаш услубининг мураккаблигини ҳисобга олиб, аста-секин солиқ салоҳиятини ва харажатга эҳтиёжни эътиборга оладиган ягона услубият асосида тақсимлашга ўтмоқда. Молиявий ёрдамнинг бу усулини қўллаш анча самаралироқ. Бунинг учун олдинги босқичларда унча мураккаб бўлмаган ҳисоб-китоблар қилиш керак.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, субвенциялар мақсадли ёрдам сирасига киради. Бундай ҳолатларда маҳаллий бюджетлар транзит ҳисоблар вазифасини ўтайди, чунки субвенциялар миқдори ва уни, масалан, болалар нафақасига, ҳудудий молиявий дастурларни молиялаштиришга олувчилар ҳақида қарор юқори даражадаги қонунларга биноан қабул қилинади.



Мамлакатимизда 8 та вилоят 2001 йил давомида субвенциялардан фойдаланди. Аввало, ушбу субвенциялар бюджет дефицитини тугатишга йўналтирилди, бунда аниқ мақсад кўзда тутилмаганлиги туфайли уни мақсадли ёрдам деб аташ қийин.

Бюджетлараро тартибга солиш ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш молиявий ёрдам билан бир қаторда ўзаро ҳисоб-китобларни ҳам ўз ичига олади. Ўзаро ҳисоб-китоблар ҳажми маҳаллий бюджетлар таркибида анчагина катта бўлиб, 2000 йилда у 19,6 % ни ташкил этди. Амалдаги қонунчиликка асосан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бериладиган маблағлар, бюджет тузилаётганда ҳисобга олинмаган, кейинчалик давлат ҳокимияти қабул қилган қарорга асосан маҳаллий бюджетларга берилётган ёки маҳаллий бюджетлардан олинмаган маблағлардир. Бюджетни ташкил этишнинг шунга ўхшаш амалиёти ислохотларгача бўлган даврда ҳам мавжуд эди ва солиқ қонунчилиги ўзгариши, қабул қилинган қонунлар натижасида харажатлар оширилиши ҳолатларида қуйи бюджетларни мутаносиб ҳолга келтириш учун ишлатилган. «Ўзаро ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича маблағлар асосан бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақининг индексация қилиниши натижасида ўтказилади. Бундан ташқари, ушбу модда бўйича харажатларнинг кўзда тутилмаган бошқа турларига ҳам мақсадли ёрдам маблағлари ўтказилиши ва бюджет қарзлари қопланиши мумкин.

Келтирилган жадвалда маҳаллий бюджетлар даромади ва харажатининг тақсимланиши 2000 йилда қуйидаги кўринишга эга бўлган: умумдавлат солиқларидан меъёрлар бўйича ажратмалар –35,5%, бириктириб қўйилган солиқлар –16,2%, маҳаллий солиқлар –16,2%, субвенциялар –15,7%, ўзаро ҳисоб-китоблар –15,6% ни ташкил этган бўлса, 2001 йилда умумдавлат солиқларидан меъёрлар бўйича ажратмалар – 36,7%, бириктириб қўйилган солиқлар –16,6%, маҳаллий солиқлар – 18,2%, субвенциялар –8,0%, ўзаро ҳисоб-китоблар –19,6% га тўғри келган. Демак, умумдавлат солиқларидан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ҳисобланади.

Республика маҳаллий бюджетларининг вилоятлар бўйича  
даромадлари таркиби <sup>11</sup>

(% ҳисобида)

| Ҳудудлар                        | 2000 йил             |                 |               |                   |                                  | 2001 йил             |                 |               |                   |                                  |
|---------------------------------|----------------------|-----------------|---------------|-------------------|----------------------------------|----------------------|-----------------|---------------|-------------------|----------------------------------|
|                                 | Умумдавлат солиқлари |                 | Ма-<br>ҳаллий | субвен-<br>циялар | Узаро<br>ҳисоб-<br>китоб-<br>лар | Умумдавлат солиқлари |                 | Ма-<br>ҳаллий | субвен-<br>циялар | Узаро<br>ҳисоб-<br>китоб-<br>лар |
|                                 | Норматив<br>бўйича   | Тўлиқ<br>ҳажмда |               |                   |                                  | Норматив<br>бўйича   | Тўлиқ<br>ҳажмда |               |                   |                                  |
| Қорақалпоғистон<br>республикаси | 23,8                 | 6,0             | 6,4           | 55,2              | 8,63                             | 5,2                  | 7,1             | 8,3           | 35,9              | 13,5                             |
| Андижон вил.                    | 47,8                 | 10,1            | 12,7          | 19,1              | 10,3                             | 47,0                 | 8,1             | 17,9          | 14,4              | 12,5                             |
| Бухоро вил.                     | 32,1                 | 43,0            | 15,6          | -                 | 9,3                              | 14,6                 | 46,5            | 19,5          | -                 | 17,8                             |
| Жиззах вил.                     | 24,6                 | 3,4             | 8,7           | 47,1              | 16,2                             | 27                   | 3,4             | 12,4          | 29,4              | 16,7                             |
| Қашқадарё вил.                  | 50,1                 | 13,9            | 22,9          | -                 | 13,1                             | 45,1                 | 11,7            | 22,7          | -                 | 6,7                              |
| Навоий вил.                     | 35,5                 | 12,9            | 28,6          | -                 | 23,0                             | 62                   | 6,1             | 19,9          | -                 | 11,9                             |
| Наманган вил.                   | 34,5                 | 8,0             | 9,6           | 37,4              | 10,5                             | 34,4                 | 8,0             | 15,3          | 17,4              | 24,6                             |
| Самарқанд вил.                  | 38,2                 | 14,4            | 12,1          | 22,0              | 13,3                             | 40,7                 | 5,9             | 14,8          | 22,6              | 13,2                             |
| Сурхондарё вил.                 | 35,6                 | 9,5             | 8,9           | 33                | 13                               | 29,3                 | 9,2             | 12,5          | 11,2              | 37,7                             |
| Сирдарё вил.                    | 33,9                 | 8,8             | 9,1           | 30,2              | 18,0                             | 37,8                 | 10,8            | 11,3          | 16,6              | 17,9                             |
| Тошкент вил.                    | 28,4                 | 22,8            | 28,8          | -                 | 20,0                             | 47,5                 | 11,8            | 22,1          | -                 | 14,9                             |
| Фарғона вил.                    | 18,4                 | 43,6            | 19,0          | -                 | 19                               | 19,6                 | 42,7            | 13,8          | -                 | 22,5                             |
| Хоразм вил.                     | 59,5                 | 12,2            | 8,4           | 12,3              | 7,6                              | 52,9                 | 8,1             | 11,4          | -                 | 19,3                             |
| Тошкент шаҳри                   | 37,0                 | 14,5            | 24,5          | -                 | 24,0                             | 36,0                 | 18,0            | 27,7          | -                 | 18,3                             |
| <b>Уртача</b>                   | <b>35,5</b>          | <b>16,2</b>     | <b>16,2</b>   | <b>15,7</b>       | <b>15,6</b>                      | <b>36,7</b>          | <b>16,6</b>     | <b>18,2</b>   | <b>8,0</b>        | <b>19,6</b>                      |

Қўпчилик вилоятларда даромад ва харажатлар буйича ўзаро ҳисоб-китоблар орасида катта тафовутлар кўзга ташланади (8-жадвал).

8-жадвал

Республика вилоятлари маҳаллий бюджетларининг даромад ва харажатларида ўзаро ҳисоб-китоблар ҳажми<sup>12</sup>

(% ҳисобида)

| Ҳудудлар  | 1998 йил                                      |  | 1999 йил                                      |  | 2000 йил                                      |  | 2001 йил                                      |  |
|---|---|--|---|--|---|--|---|--|
|   | Маҳ. -<br>б ю д.<br>хара-<br>жатла-<br>рида % | Маҳ. -<br>б ю д.<br>даро-<br>мадла-<br>рида% | Маҳ. -<br>б ю д.<br>хара-<br>жатла-<br>рида % | Маҳ. -<br>б ю д.<br>даро-<br>мадла-<br>рида% | Маҳ. -<br>б ю д.<br>хара-<br>жатла-<br>рида % | Маҳ. -<br>б ю д.<br>даро-<br>мадла-<br>рида% | Маҳ. -<br>б ю д.<br>хара-<br>жатла-<br>рида % | Маҳ. -<br>б ю д.<br>даро-<br>мадла-<br>рида% |
| Қорақалпоғистон                                 | 3,1   | 40,3   | 8,6   | 49,8   | 13,5  | 18,0   | 17,7  | 20,7   |
| Андижон вил.                                    | 6,3   | 22,3   | 10,3  | 23,9   | 12,5  | 4,9  | 14,1  | 9,5  |
| Бухоро вил.                                     | 16,2  | 31,5   | 9,3   | 33,1   | 17,8  | 29,3   | 19,5  | 31,1   |
| Жиззах вил.                                     | 8,8   | 22,8   | 16,2  | 27,7   | 16,7  | 10,8   | 17,2  | 15,3   |
| Қашқадарё вил.                                  | 21,9  | 53,2   | 13,1  | 14,2   | 6,7   | 12,8   | 8,3   | 11,7   |
| Навоий вил.                                     | 13,5  | 42,3   | 22,9  | 18,1   | 11,9  | 35,5   | 15,8  | 27,3   |
| Наманган вил.                                   | 19,8  | 32,5   | 10,5  | 36,4   | 24,6  | 10,8   | 24,9  | 11,2   |
| Самарқанд вил.                                  | 10,1  | 33,9   | 13,3  | 28,3   | 13,2  | 13,1   | 14,5  | 14,1   |
| Сурхондарё вил.                                 | 26,2  | 25,2   | 12,8  | 25,2   | 37,7  | 15,2   | 37,9  | 16,9   |
| Сирдарё вил.                                    | 23,4  | 20,6   | 18,1  | 36,7   | 17,9  | 20,3   | 19,7  | 21,5   |
| Тошкент вил.                                    | 8,2   | 17,6   | 20,4  | 13,8   | 14,9  | 22,5   | 23,1  | 19,7   |
| Фарғона вил.                                    | 13,0  | 28,0   | 18,8  | 10,9   | 22,5  | 31,5   | 24,2  | 22,4   |
| Хоразм вил.                                     | 15,5  | 32,0   | 7,6   | 30,6   | 19,3  | 20,5   | 15,7  | 24,3   |
| Тошкент шаҳри                                   | 15,9  | 18,5   | 23,7  | 14,3   | 18,3  | 18,5   | 19,1  | 19,4   |
| Республика ма-<br>ҳаллий бюджетла-<br>ри буйича | 15,1  | 28,8   | 15,5  | 24,7   | 19,6  | 19,3   | 19,1  | 19,2   |

Республикадаги ўзаро ҳисоб-китобларни қўллаш амалиёти-дан маълум бўладики, бу йўл билан қарздорлик муаммоларини тубдан ҳал қилиш мумкин эмас экан.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Бюджетлараро муносабатлар ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг республикамизда юзага келган тизими-ни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– бюджетлараро муносабатларнинг биринчи блоки - бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш Қонуний асосга эга;

– иккинчи блок, яъни бюджетлараро тартибга солиш маҳаллий бюджетлар даромадлари асосий қисмининг шаклланишини таъминламоқда (79,32%). Бошқарувчи даромадлар (солиқлар ва субвенциялар) нинг бундай катта миқдорда бўлиши республика ҳукуматининг маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ўз қўлида назорат қилиб туришидир. Бу ҳолат иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсатига кўп ҳам мос келавермайди.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласида мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек “...асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат”.<sup>13</sup> Бизнингча, бу ерда маҳаллий ҳокимиятлар мустақиллигини ошириш керак. Бунинг учун уларнинг бюджет харажатларини қоплашда ўз даромадлари (маҳаллий солиқлар)ни кўпайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Бироқ бюджетлараро тартибга солиш воситалари беқарор, ҳудудлар бўйича молиявий ёрдамларни аниқлаш ва тақсимлашнинг ягона услубияти ва мезонлари мавжуд эмас. Бюджетлараро тартибга солиш ва бюджетларни шакллантириш тартиби келишув тамойилларига асосланган, бу эса, субъективизмга ва ҳар бир ҳудуднинг бюджет таъминотини ўз имконидан келиб чиқиб яратишига тўсиқ бўлиши мумкин.

### 2.3. Солиқлар маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш омили сифатида

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг макроиқтисодий сиёсатини амалга ошириш ва тадбиқ этишидаги асосий молиявий воситалардан бири- бюджетдир.

Давлат бюджет маблағи уч қисмга бўлинади. Бюджет ажратмалари ўртасида асосий ўринни халқ хўжалигини ривожлантириш харажатлари, иккинчи ўринни трансферт тўловлари ва ижтимоий соҳани молиялаштириш харажатлари эгаллайди. Учинчи ўринни эса инвестицион харажатларга ажратмалар эгаллайди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий устувор йўналишлари ва бюджет сиёсати манфаатларидан келиб чиқиб, юқоридаги харажатлар йўналишининг кетма-кетлигини ўзгартириши мумкин. Масалан, бизда иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти усули танланганлиги туфайли, бюджет харажатларида биринчи ўринни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари эгаллайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий устувор йўналишилари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иқтисодиётга бюджет инвестицияларини йўналтиришдан иборат.

Бюджет сиёсати давлат бюджетини, маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга қаратилади. Унинг асосий вазифаси, солиққа тортишни такомиллаштириш ва бюджетни оқилona режалаштириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва ислоҳотлар жадаллашишига таъсир кўрсатишдир. Албатта, бунда давлат томонидан солиқлар орқали солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятига бевосита аралашув юзага келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш ёки кўпайтириш керак деган мунозаралар оз эмас. Аммо кўпчилик олимлар давлат ҳеч қачон ташқи ва ички хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашдек ҳаётий зарур ва-

зифасидан воз кечиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бунинг учун унга маблағлар керак, бу эса ишлаб чиқариш имкониятига боғлиқ.

Давлатнинг иқтисодиётдаги аҳамияти давлат бюджети даромадлари (харажатлари)нинг ялли ички маҳсулотга нисбати («бюджет юки»), шунингдек, бюджетга солиқ тушумларининг ялли ички маҳсулотга нисбати («солиқ юки») билан ўлчанади. Ушбу нисбатликлар қанчалик катта бўлса, давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви нуқтаи назаридан шунчалик йирик ҳисобланади (ҳудуд, аҳоли сони бу ерда муҳим эмас). Шу жиҳатдан энг “йирик” давлатлар диктаторлик ва ҳарбий режим даврларида мавжуд бўладилар. Аксинча, энг “кичик” давлатлар эркесвар ва демократия ривожланган, ҳарбий ва мудофаа мақсадларига кўп харажат йўналтириш лозим бўлмаган даврларда мавжуд бўлади. Ижтимоий харажатларга келганда, уни ҳар бир давлат ўзи танлаган иқтисодий ривожланиш моделидан келиб чиқиб, молиялаштириб боради.

Собиқ иттифоқ юқори даражада милитарлашган давлат эди, шу туфайли ҳарбий соҳани ва иқтисодиётнинг зарар билан ишлайдиган соҳаларини молиялаштиришга жуда кўп маблағ сарфланган. Бунинг устига социализмга хос бўлган жуда кўплаб турдаги ижтимоий нафақаларнинг мавжудлиги ҳам бюджет юкини жуда ошириб юборган эди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, солиқ ва бюджет юкини камайтириш ва оқилона даражага келтириш зарурияти туғилди. Амалда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш бозор иқтисодиёти ривожланишининг ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланишининг муҳим шартларидан биридир.

Йигирманчи аср биринчи ярмида жаҳонда солиқ солишининг энг юқори чегараси бўлиб тахминан 15 фоизлик кўрсаткич ҳисобланар эди. Кейинчалик эса иқтисодий ривожланишнинг сурьатлари ошиши ва ялли ички маҳсулотнинг ҳажми кўпайиб бориши билан бир вақтда иқтисодиётда солиқ юкининг реал ҳажми ҳам 40 фоизгача кўпайиб борди. Ижтимоий дастурларнинг ўта юқорилиги билан ажралиб турадиган Швецияга ўхшаш давлатлар ҳам иқтисодий қийинчиликларга

рўбарў келди. У ерда тинч вақтда биринчи марта бюджет танқислиги юзага келди ва иқтисодий ривожланиш секинлашди. Шундай бой давлатларда ҳам бюджет харажатларини қисқартириш ва солиқ юкини камайтиришдек муаммо долзарб бўлиб турибди.

Шундай қилиб, давлатнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳамма вақтлар учун бирдек назария эмас. Баъзи бир иқтисодчиларнинг таъкидлашича, солиқ юки, давлат харажатлари ва бюджет танқислигини 1 фоизга ошириш, иқтисодий ривожланиш ва истеъмолнинг ҳам тахминан 1 фоизга пасайишига олиб келади. Бошқа иқтисодчилар эса буни рад этади ва харажатларнинг анчагина қисми фан, маориф, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантиришга сарфланганлиги туфайли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади, деб таъкидлашади.

Давлатнинг иқтисодиётга таъсирини қисқартириш давлатнинг заифлашишини эмас, балки иқтисодиётни давлат қарамоғидан чиқаришни ва уни эркинлаштиришни англатади. Иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролининг қисқариши юз бергач, бозорнинг ўзи ҳаммасини бажаради-ю, иқтисодий ривожланиш юз беради деган фикр нотўғридир. Бозор иқтисодиётини кучли давлат ҳокимияти билан мустаҳкамлаш зарур. Бироқ давлат ҳокимияти иқтисодиётни бошқармаслиги керак, балки уни монополиядан, идоровий зўравонликдан, коррупциядан ҳимоя қилиши лозим. Фуқаролик жамиятига ўтишда бюджет тизими демократиялашади ва бу бюджетлараро муносабатларда намоён бўлади.

Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш, унинг оқилона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммоларнинг ичида солиқ тушумларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш, маҳаллий солиқларни маҳаллий бюджетлар даромадларидаги салмоғини ошириш, маҳаллий ўзини-ўзи таъминлаш муаммолари энг долзарб масалалардир.

Бюджет тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳар бир даражадаги бюджетнинг мустақиллиги ва қонун асосида ташкил этилишидир.

Бунда, биринчидан, барча вилоят бюджет субъектлари молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан республика бюджети билан тенг ҳуқуққа эга, бироқ улар мувофиқлаштирув бўйича фарқ қилиши мумкин.

Иккинчидан, у ёки бу даражадаги бюджет ҳисобидан республика ва маҳаллий бюджетларнинг фаолият, масъулият ҳамда харажатларни молиялаштириш доиралари чегаралангандир.

Учинчидан, ҳар бир даражадаги бюджет ўзининг мустақил молиявий манбаларига эга, ҳукумат идораси эса бу маблағлардан фойдаланиш йўналишларини мустақил белгилайди.

Лекин рисроладагина ана шу тартибда амалга ошади. Амалда эса, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарувчандир. Зиддиятлар доимо юзага келиб туради, солиқ тушумларининг у ёки бу мақсадларга ишлатилиши учун қайси ҳокимиятнинг қайси бўғини жавоб бериши аниқ эмас.

Бунда бюджет тизими тўғрисидаги қабул қилинган ва 2001 йилдан кучга киритилган қонунга кўра, ушбу муносабатлар қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- дотациялар, жорий харажатларни қоплаш учун ўзга даражадаги бюджетларга қайтарилмаслик асосида ажратиладиган бюджет маблағлари;

- субвенциялар, ўзга бюджетларга ёки юридик шахсларга қайтарилмаслик асосида маълум мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағлари;

- субсидиялар, мақсадли харажатларни улушбай асосида молиялаштириш учун ўзга бюджетга, жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган бюджет маблағлари;

- бюджетдан ажратма (ассигнования)лар, бюджетда кўзда тутилган ва бюджет маблағларини олувчиларга ажратиладиган бюджет маблағлари;

- бюджет кредити, қайтариш шарти билан юридик шахслар харажатларини молиялаштиришга ажратиладиган бюджет маблағлари;

- бюджет ссудаси, ўзга бюджетга олти ойдан кўп бўлмаган муддатга қайтаришлик шарти асосида ажратиладиган бюджет маблағлари.



Республикамизнинг барча вилоятлари бюджет маблағларининг мавжудлиги даражасига кўра, дотацион ёки донор вилоятларга бўлинган.

Дотацион вилоятлар ўзларининг бюджетдан молиялаштириладиган соҳаларини тўлиқ молиялаштира олмайдилар ва республика бюджетидан турли кўринишдаги трансфертлар оладилар. Бир вақтнинг ўзида улар республика бюджетига солиқларни белгиланган меъёрларга кўра ажратадилар. Пул маблағларининг қарама-қарши ҳаракати юзага келади. Донор минтақалар эса солиқларни тўлайдилар, ўз бюджетларининг маблағга бўлган эҳтиёжини қондирадилар ва дотацион минтақаларга ҳам республика бюджети орқали қайта тақсимланиб ажратиладиган солиқ тушумларидан ажратмаларни амалга оширадилар.

Вақти вақти билан донор ва дотацион минтақаларнинг ўрни алмашиб туради. Лекин Тошкент шаҳри, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти каби ҳудудлар барча вақтларда донор минтақалар вазифасини бажариб келган бўлса, Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах вилояти сингари минтақалар эса, бюджетдан дотация оладиган, яъни даромадлари ўз бюджет эҳтиёжларини қоплашга етмайдиган ҳудудлар қаторида бўлиб келган.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, уларни донор минтақалар, республика бюджети орқали қўллаб-қувватлашларини билганлари ҳолда, ўзларининг даромад базаларини ва иқтисодий имкониятларини оширишга унчалик ҳаракат қилаётганлари йўқ. Баъзи минтақалар эса республика бюджетидан мумкин қадар кўпроқ маблағ олишга эришиш мақсадида нафақалар ва турли ижтимоий тўловлар ҳажмини сунъий равишда оширишга интилмоқда.

Республика бюджетидан вилоятлар талаб қиладиган ёрдам трансфертлари ҳажми республика бюджети имкониятларидан анча юқоридир. Бундай ҳолатларда бюджет тизимининг муаммоси яққол кўзга ташланади. Бюджет тизими ҳар икки йўналишда ҳаракат қиладиган катта миқдордаги пул оқимлари (дотациялар, субвенциялар, ўзаро ҳисоб-китоб маблағла-

ри, инвестиция ва кредит маблағлари ва ҳ.к.) билан мураккаблашиб кетган.

Иқтисодиётда ушбу пул оқимларини кўпинча ажратиблиш қийин бўлади. Ижтимоий соҳа харажатларини маҳаллий бюджетлар ўзлари қоплай олмаганликлари туфайли пул оқимлари республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга келиб тушади. Аниқроғи, маҳаллий корхона ва ташкилотлардан ундирилган умумдавлат солиқлари аввал республика бюджетига, кейин эса, белгиланган меъёрларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга қайта тақсимланади.

Жаҳон тажрибасига кўра, кўпгина мамлакатлар ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ва умуман иқтисодиётини ривожлантириш муаммоларини анчагина оқилона ҳал қилганлар.

Масалан, Швейцарияда уч даражадаги бюджетга солиқ тушумлари қонуний тартибда бириктириб қўйилган. Швейцария федерал бюджетига барча солиқ тушумларининг 30 фоизга яқини (билвосита солиқлар) келиб тушади. Маҳаллий бюджетларга эса 70 фоиз солиқ тушумлари (бевосита солиқлар) келиб тушади. ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини тенглаштириш мақсадида солиқ тушумлари ягона услубият асосида қайта тақсимланади.

Америка Қўшма Штатларида федерал ҳукумат ва штатлар солиқ соҳасида бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Табиийки, федерал, штатлар ва маҳаллий солиқлар амал қилади. Солиққа тортиш ва солиқдан озод этиш тартибини ҳам федерал, ҳам штатлар ҳукумати ҳал қилади. Масалан, кичик бизнес федерал даромад солиғидан тўлиқ озод этилган. Штатлардаги даромад солиғининг амал қилиш тартибларини ҳар бир штат мустақил ҳал қилади. Федерал маблағлар штатларга аниқ мақсадлар ва дастурларни молиялаштириш (ижтимоий тадбирлар, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш) учун ажратилади.

Канадада маҳаллий ҳукуматга солиқ солиш соҳасида ва харажатларни амалга оширишда кенг ҳуқуқлар берилган. Федерал бюджет фақат даромадлар даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудларга ажратмалар белгилайди.

Ҳиндистонда ҳудудларга ягона ёндашув асосида молиявий ёрдам кўрсатиш билан бирга ҳудудларга бир марталик молиявий ёрдам кўрсатиш ҳам амал қилади. Бюджетлардаги танқислик сезиладиган штатларгагина субсидия ва трансфертлар ажратилади. Ҳозирги тажрибадан шундай хулоса чиқадики, маҳаллий бюджетларнинг ўрни мамлакат иқтисодий даражасига боғлиқ.

Мамлакатимиздаги республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларда шу нарса характерлики, бунда баъзи ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаётганлиги ёки пасайиб бораётганлиги оқибатида, уларнинг республика бюджетидан молиявий ёрдам олишга бўлган интилишлари ошиб бормоқда, бинобарин, маҳаллий ҳокимият ва тегишли идораларнинг ҳудудда иқтисодий ва солиқ салоҳиятини оширишга бўлган интилишлари умуман сезилмайди ёки кам самара берапти.

Бу интилишнинг янада ачинарли жиҳати шундаки, республика бюджетидан олинаётган молиявий ёрдам суммалари, амалда «жонли» (нақд) пул кўринишида ажратилади ва иш ҳақи ҳамда шунга ўхшаш харажатларни тўлашга имкон беради. Бу, айниқса, ўзаро ҳисоб-китоб ва чала молиялаштиришлар авж олган бир шароитда жуда муҳимдир.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бюджетларни шакллантириш жараёнини такомиллаштиришни талаб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўзининг мустақил бюджетини тузиб, ижро этиб келмоқда. Йилдан-йилга бюджетларни шакллантириш жараёни такомиллашиб бормоқда. Бу борада бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг 2001 йилдан кучга киритилиши алоҳида аҳамият касб этиб, бюджет жараёнини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозаларига яқинлаштириш бўйича янги давр бошланганлигини кўрсатди.

Солиқ тушумларининг маҳаллий бюджетларга қилинадиган ажратма меъёрларининг ҳар йили иқтисодий вазиятга қараб қайта кўриб чиқилиши, маҳаллий солиқ турларининг солиқ кодекси қабул қилингандан кейин қисқартирилиши ва тартибга келтирилиши маҳаллий бюджетларнинг шаклла-

ниш жараёнида мамлакатимиз ўзининг мустақил ва такомиллашган йўлидан бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бюджет жараёнини шакллантиришга бағишланган классик назарий изланишларда асосий эътибор бюджет назорати вазифасининг самарали тақсимланишига бағишланади (Масгрейв, 1959), кейинги илмий тадқиқот ишларида эса бюджет муносабатлари, иқтисодий ўсиш ва ислохотлар ўртасидаги муносабатларга диққат қаратилади. Норт ва Вайнгаст (1989) бозор муносабатларини қўллаб - қувватлайдиган бюджет федерализми билан Буюк Британия ва АҚШдаги тез иқтисодий юксалиш тарихий даврини боғлайдилар. «Бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлайдиган бюджет федерализми» деганда солиқ солишда анчагина ҳуқуқи чекланган, савдо ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда эса анчагина катта ваколатларга эга марказий ҳукумат учун қонун-қоидалар тўплами деб тушуниш мумкин. Ушбу назарияга кўра, солиқ солишдаги чекланиш марказий ҳукумат ваколатларини камситмайди ва тадбиркорликни ривожлантиришда эса, маҳаллий ҳукумат органларини интизомли қилиб қўяди. Шу усул билан яратилган рағбатлантиришлар инвестициялар ҳажмининг ошишига ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кўтарилишига олиб келади.

Бироқ бизнинг мамлакатимизга тегишли бу усуллар ўзининг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Бундай оқибатлардан бири - молиялар устидан назоратнинг йўқотилиши ва макроиқтисодий барқарорликнинг издан чиқишидир. Россияда бундай солиқ-бюджет сиёсати федерал солиқларни йиғишда жуда кескин тўловсизлик муаммоларига олиб келди.

Шу билан биргаликда, бюджет муносабатларини ва бюджетларни шакллантириш ҳолати реал секторда олиб борилаётган ислохотлардан молия ислохотлари бирмунча орқанда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Маҳаллий органлар бюджетлари бюджет тизимининг анчагина қисмини қамраб олган бўлса-да, бюджет муносабатларининг анчагина қисми марказлашган тарзда кечмоқда. Маҳаллий бюджетлар томо-

нидан йиғиладиган солиқлар ва улар томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг ўлчамлари асосан марказдан қонунлар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш йўли билан тартибга солинмоқда. Бу ерда макроиқтисодий барқарорлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг асосий ғояси ва тамойили, яъни маҳаллий ўзини ўзи таъминлаш ғоялари ривожланиб қарор топиши учун замин яратилмаяпти. Аксинча, улар боқиманда кайфиятда бўлиб, ўз ҳудуди иқтисодий ва солиқ имкониятини оширишга ҳаракат қилмаяпти.

Солиқларнинг маҳаллий бюджетларга ҳар йили қайта тақсимланадиган меъёрлари эса, амалдаги эҳтиёжлардан келиб чиқмоқда ва илмий жиҳатдан асосланмагандир. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг асосий параметрлари, яъни солиққа тортиш базаси, енгилликлари ва солиқ тўловчиларнинг тоифаси механизми республика марказидан белгиланиб, уларнинг айримларини маҳаллий ҳудудларда йиғиш эса қийин ва самарасиз кечмоқда.

Маҳаллий бюджетларни шакллантириш жараёни ўз-ўзидан аёнки ислохотларга муҳтож бўлиб, қуйидагиларнинг амалга оширилиши лозим:

– маҳаллий идораларга кенг даражадаги бюджет ваколатлари берилиши керак. Жумладан, ҳудудий идораларга ўз ҳудудида солиқ йиғиш ва бюджет тузишда ваколат берилиши ва уларни маблағлар билан таъминланмаган мажбуриятлар юкидан озод этилиши керак. Бу амалиёт хазиначилик (казначейлик) хизматларини тузиш йўли билан таъминланади;

– давлат маҳаллий идораларига солиқ ва бюджет мустақиллиги бериш билан бирга, уларга ушбу жараён учун жавобгарлик масъулиятини ҳам юклаб қўйиш керак.

Турли даражадаги ҳукумат идораларининг бюджет эҳтиёжларини баҳолашнинг меъёрий усулига ўтиш даркор. Бюджет харажатларини ва трансфертларни ягона меъёрлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Республикада 2000 йилдан бошлаб харажатларнинг баъзи тур-

ларига меъёрлар жорий этишга ҳаракатлар қилинди. Лекин бу меъёрлар амалда етарли даражада ишламади ва харажатлар аввалгидай амалга оширила бошлади.

Маҳаллий идоралар ҳуқуқини меъёрлар доирасида кенгайтириш зарур. Шу ўринда 5 йилдан кам бўлмаган муддатга бюджет харажатларининг барқарор меъёрларини жорий этиш керак. Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

– биринчи босқичда, жон бошига тўғри келадиган даромад (ўзининг ва тартибга солувчи даромад манбаларидан ажратмалар), яъни давлат бюджетининг ҳудуддаги киши бошига тўғри келадиган даромад миқдори аниқланади. Келажакда ҳудудларга молиявий ёрдам ҳисоб-китоб қилинганда уларнинг солиқ имконияти ва ундан фойдаланиш даражаси ҳисобга олинади. Шунингдек, ҳудудларнинг молиявий балансларини тузиш ва ялпи солиқ ресурслари ҳисоб-китобини тузиш услубини ҳамда ҳудудларнинг ялпи ички маҳсулотини ҳисоблаш услубини излаб топиш муҳимдир;

– иккинчи босқичда, алоҳида ҳудудларнинг бюджет харажатлари индекси аниқланади. Бюджет харажатлари индекси – ҳудуднинг асосланган бюджет эҳтиёжларининг (киши бошига) барча ҳудудлар бўйича ўртача бюджет эҳтиёжларига нисбатидан иборатдир. Бу индекс алоҳида ҳудудга ўртача кўрсаткичга нисбатан қанча кўп ёки кам бюджет маблағи сарфланиши лозимлигини кўрсатади. Бюджет меъёрлари давлат бюджетининг жорий йилдаги ҳақиқий аҳволидан келиб чиқиб, минимал давлат стандартлари ва ижтимоий мезонларга асосланади. Меъёрлар ҳудудлар бўйича географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлардан келиб чиқиб, фарқланиб туради. Бюджет меъёрлари фақат молиявий ёрдамни тақсимлаш учун ишлатилади ва бюджет харажатлари таркибига таъсир қилмайди;

– учинчи босқичда, ҳар бир субъект бўйича киши бошига ягона бюджет даромади ҳисобланади.

Ҳудудларни ўз даромад манбаларини кўтаришга бўлган интилишларини рағбатлантириш механизмининг излаб топиш

ва татбиқ этиш зарурдир. Ҳозирда эса, бу амалиёт фақатгина маъмурий чоралар билан чекланган, холос.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришни талаб этади.


### **III Боб. Солиқларнинг маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришдаги аҳамияти**

#### **3.1. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш мезонлари**

Маҳаллий бюджетлар, авваламбор, бозор шароитида ишлаб чиқариш имкони бўлмаган ёки керакли миқдорда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган моддий неъматларни ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, бюджет ижтимоий таъминот, аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳам хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти ривожланиб борган сари кўпроқ кишилар бюджет маблағларидан иш ҳақи оладилар. Кўпчилик кишилар давлат харажатлари қанчалик катта бўлса, мамлакат ва кишилар шунчалик бой-бадавлат бўлади деб ҳисоблашади.

Давлат бюджети (3-чизма) нинг классик тушунчаси пул маблағларининг ҳажмида эмас, балки ҳокимият идораларининг ихтиёрига келиб тушадиган даромадларнинг улар амалга оширадиган харажатлар ҳажмига мос келишидан иборатдир. Харажатлар ҳамиша даромадлар билан таққосланади. Бу табиийдир. Албатта, харажатларнинг даромадлардан анча ошиб кетишига йўл қўйилиши мумкин, лекин у ҳолда харажатларнинг анчагина қисмини янги пул массасини муомалага чиқариш (эмиссия) орқали ёпишга тўғри келади. Бунда номинал кўринишда ҳамма бадавлат бўлади, реал ҳолатда эса, камбағал. Барча товарларнинг нархлари кескин ошиб, инфляция даромадларнинг ошишини қоплаб кетади.

## Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими



Агарда, бюджет тузилишида инфляция миқдори катта режалаштирилса, бу барча иқтисодий субъектларни шунга мос равишда мослашишга олиб келади. Фуқаролар ўз маблағларини инфляциядан сақлашни, чет эл валютасини, қимматбаҳо ашёларни сотиб олиш, банкка омонатларини қўйишдан воз кечишни олдиндан режалаштирадилар. Банклар эса ҳар эҳтимолга қарши омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз ставкаларини камайтирадилар, кредитлар бўйича ставкаларни оширадилар. Товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларига нархларни олдиндан юқори, инфляциянинг салбий таъсирини қоплайдиган қилиб белгилайдилар.

Бюджетларнинг барқарорлаштириш муаммоси билан қандай боғланганлигини аниқлаб олиш учун, бюджетларни бошқаришнинг асосий тамойилларини тушуниб етишга ҳаракат қиламиз.

Бюджет барқарорлигини қандай тушуниш керак.

Мабодо ҳукуматнинг барча харажатлари ҳисоблаб чиқилса ва бу миқдорни ҳукуматнинг солиқлар ва бошқа даромадлар кўринишида хазинага ундириладиган даромадлари билан солиштирилса, муайян бир натижага эга бўламиз ва бу эса харажатлар даромадлардан ошиб кетганлиги ёки ошмаган-



лигини кўрсатади, бошқача айтганда, бюджет танқислиги мавжудми ёки йўқми деган саволга жавоб топиш керак бўлади.

Харажатларнинг асосан иккита моддаси мавжуд. Бюджет харажатларининг катта қисми турли кўринишдаги ҳукумат дастурлари: мудофаа, ижтимоий таъминот, инвестициявий сарф-харажатлар ва ҳоказоларга тақсимланади. Ҳукумат харажатларининг иккинчи қисми мавжуд қарзлар бўйича фоиз ставкаларини тўлаб беришга сарфланади. Агарда ҳукумат чет эллик инвесторлардан ёки ўз фуқароларидан қарз олган бўлса, у бу қарзлар бўйича фоизларни тўлаб боришга мажбурдир.

Ҳукумат даромадлари асосан солиқлардан тушадиган даромадлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети қайси тамойилга асосан тузилганлигини кўриб чиқамиз:

**Бюджет танқислиги** – бюджет харажатларининг даромадларидан ошиб кетишидан иборат бўлиб, бу ҳодиса билан жаҳондаги барча давлатлар ўз ўтмишининг қайсидир босқичларида юзма-юз келишган. Сўзсиз, бюджет танқислиги давлат учун нохуш ҳодиса, чунки пул эмиссияси асосида молиялаштириш муқаррар равишда инфляцияга олиб келади, ноземиссион воситалар ёрдамида молиялаштирилганда эса, давлат қарзи ўсиб кетади. Шунга қарамасдан бюджет дефицитини фавқулодда воқеалар қаторига киритиш керак эмас, чунки дефицитнинг табиати ва сифати турлича бўлиши мумкин. Давлат томонидан иқтисодий ривожлантиришга катта миқдорларда маблағлар ажратилиши туфайли юзага келган танқислик иқтисодий инқироз белгиси эмас, балки ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ этиш учун давлатнинг олиб бораётган интилишларидан далолат беради.

Барқарорсизлик (беқарорлик) назарияси тўғридан-тўғри давлат иқтисодий сиёсатини олиб боришликни назарда тутлади. **Кейнсчилар** фикрига кўра, ялпи харажатларнинг етишмаслиги ишсизликнинг ўсишига олиб келади, ялпи харажатларнинг кўплиги эса инфляцияни юзага келтиради. Шундай экан ҳукумат харажатларни тартибга солиб туриши, яъни харажатлар жуда кам бўлганда уни ошириши, харажатлар жуда кўп бўлганда эса, уларни камайтириши керак бўлади.

Шу тариқа, бюджетларни барқарорлаштиришда фискал сиёсат иқтисодиёт фанининг иккита хулосасига таянади.

Биринчидан, давлат харажатларининг ўсиши ялпи талабни кўпайтиради, табиийки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва бандлик даражасининг ўсишига олиб келади.

Иккинчидан, солиқлар суммасининг ўсиши уй хўжаликларининг шахсий қармоғидаги даромадларни қисқартиради, бу эса ўз навбатида, харажатларнинг қисқаришини, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси ҳажмининг пасайиб кетишини таъминлайди.

Фискал сиёсат миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига ҳам ижобий ва салбий таъсир ўтказиши мумкин. Агарда ҳукумат ишлаб чиқариш ҳажмининг максимал ўсиши ва нарх-наволарнинг барқарорлигини таъминлаш учун фискал ва пул сиёсатидан фойдаланса, бу барқарорлаштириш сиёсати деб аталади.

Барқарорлаштириш сиёсати ҳукуматнинг ялпи миллий маҳсулотнинг максимал салоҳияти даражасини сақлаб туриш ва инфляциянинг кичик ва барқарор суръатларига эришини мақсадларидаги фаолиятдан иборатдир. Иқтисодий ўсиш сиёсатининг мақсади ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига эришишдир. Ишчан фаолликни чеклаш сиёсати эса аксинча, ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмларини камайтиришга қаратилган бўлади.

Тўлиқ баланслашган ва барқарор бюджет фақат назариядир.

Д.Кейнс иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш ва тўлиқ бандлиликни таъминлаш учун, танқислик бўлгани ҳолда молиялаштириш сиёсатини олиб боришни тавсия этган эди. Бюджет танқислиги фавқулодда ҳолатлар, уруш, табиий офатлар, катаклизмлар юзага келганда, қайсики, оддий манбалар етарли бўлмай қолганда ва алоҳида даромад манбаларига эҳтиёж туғилганда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда бюджет танқислиги, табиийки, нохуш, лекин муқаррар ҳодисадир. Ниҳоят, бюджет танқислигининг энг оғир ва ташвишли шакли мавжуд бўлиб, бу мамлакатда иқтисодий инқироз юзага келганда, ҳукуматнинг мамлакат молиясини назор

рат остига ола олмаслиги натижасида юз беради. Бундай ҳолатда, фақат шопилинч ва таъсирчан иқтисодий чораларгина эмас, балки тегишли сиёсий қарорлар қабул қилиниши ҳам талаб этилади.

Мамлакатдаги инфляция даражасига тахминан тенг бўлган танқислик даражаси одатий танқислик ҳисобланади. Бундай бюджет танқислиги одатда Марказий банкнинг кам фоизли ёки фоизсиз кредитлари билан қопланади. Халқаро стандартлар бюджет танқислигининг даражаси 2-3% атрофида бўлишини оқилона деб ҳисоблайдилар. Давлат бюджетининг бундай танқислиги давлат қимматли қоғозларининг эмиссияси орқали молиялаштирилади. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан эса, ички қарздорликни молиялаштириш манбаи бўлиб ташқи қарзлар ва кредитлар ҳисобланади, чунки улар ички пул-кредит муомаласига молиявий ресурсларни жалб этмайди.

Даставвал, фискал сиёсат амал қилишининг назарий механизмини, яъни солиқлар, трансфертлар ва давлат харидлари мамлакатдаги иқтисодий вазиятга қандай таъсир ўтказишини қисқача кўриб чиқамиз.

Давлат харидлари ҳажмининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Солиққа тортиш эса ўз навбатида, истеъмол даромадларини қисқартиради ва тегишли равишда, харажатлар ҳам қисқаради.

Барқарорлашган бюджет ғояси шуни тасдиқлайдики, ҳукумат харажатларининг солиқ тушумлари ошиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортади.

Бюджет танқислигини харажатларни қисқартириш билан баргараф этиш мумкин. Бироқ реал ҳаётда харажатларни қисқартириш фақат мураккабгина эмас, балки амалда мумкин ҳам эмас. Масалан, иқтисодий нуқтаи-назардан суғурта, капитал амортизация, сиёсий нуқтаи-назардан эса ижтимоий харажатларни, қуролланиш харажатларини қисқартириш мумкин эмас. Бюджет харажатларининг жуда кам қисмигина жорий йилда қабул қилинган қарорларга боғлиқдир. Уларнинг катта қисми эса аввал қабул қилинган қарорлар билан тасдиқланган дастурларни бажариш учун зарурдир. Бундан ташқари, бюджет харажатларининг ҳимояланган моддалари фискал сиёсатнинг

Ўзгартириб туриш имкониятларини камайтирса ҳам бу харажатлар кўпинча мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришнинг омиллари бўлиб хизмат қилади. Масалан, ишсизлик бўйича нафақаларни олсак. Бу модда бўйича харажатлар айнан, бюджетнинг бошқа ресурсларига ҳам эҳтиёж ошганда кўпайиб туради. Бу нафақаларни олган кишилар сарфлай бошлайдилар, бу билан иқтисодиётнинг умумий харажатларини кўпайтирадилар. Бундай автоматик стабилизаторлар бюджетнинг даромадлар қисмида ҳам мавжуддир. Жумладан, даромад солиғи кишилар томонидан қилинадиган харажатларнинг ҳамда олиннадиган даромадларнинг ҳажмига қараб бюджетга вақтида катта ва кичик даромадлар келтириб туради. Даромадлар, тегишли равишда харажатлар ҳам кескин юқорига кўтарилса, даромад солиғи аҳоли тўлов қобилияти ўсишининг ва бу билан инфляция юзага келишининг олдини олади. Шундай қилиб, автоматик барқарорлаштирувчилар (ҳукумат даромадлари ёки харажатлари) иқтисодиётни барқарорлаштиришда иштирок эта туриб, бир вақтнинг ўзида бюджетларни ҳам барқарорлаштиришда муҳим омил бўлади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, харажатларнинг катталиги билан барқарорлаштирилган бюджет сальдосининг катталиги тахминан бир даражада белгиланади. Бунда, пропорционал солиққа тортиш тизимидаги бюджет танқислигининг катталиги, аввало, даромадлар даражасига боғлиқ бўлади.

Кейнс назарияси туфайли ўттизинчи йиллардан бошлаб бюджет танқислиги иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг манбаи сифатида қўллана бошланди, йигирманчи асрнинг охирига келиб эса бюджет танқислиги мавжуд бўлмаган биронта ҳам давлат қолмади. Эсда тутиш лозимки, фискал сиёсат қанчалик қувватли бўлмасин, давлат бюджетининг танқислиги даражасига битта унинг ўзигина таъсир қилмайди. Танқисликнинг катталиги макроиқтисодиётнинг даврий ҳаракати билан боғлиқ. Бу нарса автоматик барқарорлаштирувчиларнинг амал қилишига алоқадор.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса чиқади:

1) қонун чиқарувчи идора ҳам, ижроия ҳоқимияти ҳам бюджет танқислигининг миқдори устидан тўлиқ назоратни амалга ошира олмайди;

2) бюджет танқислиги ва профицитининг реал катталиги фискал сиёсат таъсири остида ўзгаргани каби мамлакатдаги иқтисодий вазият таъсири остида ҳам ўзгариб туради.

Иккинчи хулосамиз аниқлиги туфайли, бизга иқтисодий цикл фазасига боғлиқ бўлмаган фискал индикатор керак бўлади. Фискал сиёсатнинг самарадорлигини ўрганиш учун реал танқислик циклик ва таркибий ташкил этувчиларга бўлинади. Циклик танқислик иқтисодий цикл фазасининг ўзгарishi туфайли юзага келган ўзгаришларни акс эттиради, масалан, солиқ тушумларидаги ва давлат трансфертларидаги ўзгаришлар. Таркибий танқислик фискал сиёсатнинг таъсирини акс эттиради. Таркибий танқисликни ҳисоблаб чиқишда бюджетнинг даромад ва харажатлари тўлиқ бандлик шароитларида таққослаб кўрилади (таркибий танқисликни аҳён-аҳёнда тўлиқ бандлилик танқислиги деб ҳам аталади).

Маълумки, давлат харажатлари даражаси ва солиққа тортиш ставкалари ялпи талаб даражасига таъсир ўтказиши мумкин, табиийки, бу таъсир ялпи миллий маҳсулот ҳажмига ҳам тегишли бўлади. Товарлар ва хизматлар давлат харид ҳажмининг ўсиши билан даромадлар даражаси ҳам ошиб боради ва мос равишда ҳукуматга келадиган солиқларнинг умумий миқдори ортади. Шу ўринда давлат харажатларининг ўсиши бюджет танқислигини ошириш ўрнига уни қисқартириши мумкинми – деган ҳақли савол туғилади.

Юқоридагиларга асосан айтиш мумкинки, омонатлар + тоза солиқлар = ҳукумат харидлари + инвестициялар ёки омонатлар – инвестициялар = бюджет танқислигини англатади. Бу формулага кўра, давлат бюджетининг молиялаштирилиши ҳисобига реал сектор чала молиялаштирилади.

Шундай қилиб, агарда ҳукумат харидлари танқислиги ундаги даромадларнинг даражаси ва солиқ тушумлари ортиб борса-да, бюджетнинг даромади бюджет танқислигини қисқартирадиган даражада ўсмайди.

Ҳозирги вақтда бюджет танқислигининг салбий ва ижо-

бий жиҳатларига ички ва ташқи қарзларнинг ўсиши нуқтаи-назаридан баҳо бериш бўйича кўплаб баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Бироқ шуларнинг ичидан иккита ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлганларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, иқтисодиётни билмаслик ва юзаки соғлом ақлга асосланган. Қарзнинг мавжуд бўлиши шахсни дахшатга туширади, қарзнинг мутлақ ўсиши эса яқинлашаётган ҳалокат сифатида қабул қилинади.

Иккинчиси, барча қарама-қарши овозларни бирма-бир таҳлил этишдан иборат. Шундай қилиб, давлатнинг миллий қарзи бюджет танқисликларидан ташкил топади. Танқисликни қоплаш учун давлат ташқи ва ички бозорларда қарзлар олишга ҳаракат қилади. Миллий қарз бир томондан, давлат учун пассив бўлса, иккинчи томондан, давлат облигацияларининг эгалари учун актив бўлиб ҳисобланади. Шу тариқа, давлат қарзларини амалга оширишда қиймат йўқолмайди.

Сурункали равишда барқарорлиги бузилган бюджетнинг танқислиги ошиб кетса ва давлат қарзининг аҳволи ёмонлашса, бу қарздорлик юқини ким кўтаради. Беқарорлик ва давлат қарздорлигининг мавжудлиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, қарздорликка хизмат кўрсатиш билан боғлиқ зарурият солиқ тўловчилар маблағларининг қимматли қоғозлар эгаларига ўтиб кетишига олиб келади.

Иккинчидан, танқисликни молиялаштириш ҳисобига молиявий бозорда хусусий секторнинг қайсидир лойиҳалари молиялаштирилмай қолади, инвестициялар камаяди.

Учинчидан, давлат харажатларининг ўсиши ҳисобига давлат сектори ўсади, сиқиб чиқариш самараси ҳисобига эса, хусусий сектор қисқаради. Агарда, юқори даражадаги давлат харажатлари юқори даражадаги давлат инвестициялари ажратиш билан ҳамоҳанг равишда олиб борилмаса, инвестициялар қисқариши туфайли келажак авлод жабр кўриши мумкин.

Келажак авлод учун энг оғир юк бу ташқи қарздорлик муаммосидир, чунки уни тўлаш фақат даромадларни фуқаролар ўртасида қайта тақсимлашдангина иборат бўлмайди. Бошқа томондан эса, ташқи молиялаштириш мамлакатга хусу-

сий секторни қисқартирмасдан давлат секторини кенгайтириш имконини беради.

### 3.2. Маҳаллий бюджетларни такомиллаштириш

Бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган барча давлатлар бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш жараёнида тартибга солувчи солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммосига дуч келиши табиий, чунки айнан мана шу тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаштиришда асосий манба бўлиб қолади. Жаҳон банки мутахассисларининг фикрича<sup>14</sup>, солиқ тушумларини тақсимлаш амалиёти бюджетлараро муносабатларни ва бюджетларни шакллантириш механизмини ислоҳ қилишни қийинлаштиради, чунки бунда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарор бўлмайди, солиқ йиғимларини ва ҳудудларнинг солиқ имкониятини оширишдан манфаатдорлик бўлмайди.

Иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тартибга солувчи солиқларни тақсимлашдаги беқарорликни маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёридан фойдаланилганда камайтириш мумкин. Фақат шу ҳолатдагина, яъни маҳаллий ҳокимият идоралари муайян давр ичида ўз ҳудудларида йиғилган солиқларнинг қонуний тасдиқланган қисми ўз бюджетларига тушиб туришига амин бўлганларидагина, барча солиқларни йиғишга бор имкониятларини сафарбар этадилар. Амалиётдан маълумки, маъмурий чоралар маҳаллий ҳукуматни бунга рағбатлантира олмайди.

Яна шу нарса муҳимки, ягона меъёрлар молиявий ёрдам миқдори ва тартибга солувчи солиқлардан уларга ажратиладиган қисми ўртасидаги мутаносибсизликни бартараф этишга ёрдам беради, бу эса маҳаллий ҳукумат идораларининг фаоллашуви-га туртки бўлади ва истиқболда маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлашувига имкон беради.

Ва ниҳоят, қарама-қарши молиявий оқимларнинг ва дота-

<sup>14</sup> Джонатан Данн ва Дебора Ветцель. Собиқ социалистик мамлакатларда бюджет номарказлашуви: натижалар ва истиқболлар, 2000 йил маърузаси.

цияли ҳамда субвенцион ҳудудларнинг кўпайиши мумкинлигига қарамасдан, бундай ёндашув бюджетнинг софлигига, бюджет ўлчамларининг келишувчилик амалиётидан халос қилиш нуқтаи-назаридан устунликка эришувига сабаб бўлади.

Иқтисодчи олимлар ўртасида маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрларни 3 йил муддатга ўзгармас қилиб белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деган фикр мавжуд. Бу маълум жиҳатдан, тўғри. Лекин, нормативларни уч йилга ўзгармас қилиб белгилаб қўйиш ана шу янгиликдан кутилган самарани олиш, уни таҳлил қилиш ва тегишли назарий ҳамда амалий хулоса чиқариш учун етарли муддат эмас. Маълум бир кўрсаткични жорий этиш ва унинг амалда қандай самара берганлигини таҳлил қилиш учун бирмунча узоқроқ муддат, мамлакатимизда қонун чиқарувчи орган-парламентга сайловлар беш йилда бир марта ўтказилиши назарда тутиладиган бўлса, камида беш йил этиб белгиланиши лозим.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишдаги биринчи даражали тадбир – маълум муддатга ягона барқарор меъёрларнинг жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ва субвенцияларни ҳамда бошқа молиявий ёрдам турларини қисқартириш мақсадида, режадан ортиқча тушган солиқ миқдорини тақсимлаш механизмини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Ҳозирги вақтда режадан ортиқ тушумлар республика ва маҳаллий бюджетларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, умуман тизимланмаган усулда тақсимланмоқда. Ягона барқарор меъёрлар жорий этилганда субвенцияларнинг ошиши кейинчалик солиқ тушумларининг ҳам ошиши билан қопланиши мумкин. Бу омил маълум вақт тафовути билан амалга ошади, чунки солиқ тушумларини ошириш тезда самара берса, ҳудуднинг солиқ имкониятини ошириш эса солиқ тушумларини маълум бир вақт (1-2 йил) ўтгандан кейин кўпайтиради.



Бюджет муассасаларини молиялаштиришнинг мавжуд амалиётидан маълумки, молия йилининг якунида бюджет ҳисоб рақамларида даромадларнинг харажатлардан ошиб кетиши ҳисобидан қолдиқ маблағлар ҳосил бўлади. Бу маблағлар тўлалигича республика бюджетига олиб қўйилади.

Фикримизча, бюджет даромадларининг харажатлардан ошиб кетган миқдорини олиб қўйиш тартибидан ҳам рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бунда уларни республика бюджетига тўлиқ олиб қўйиш эмас, балки 50:50 нисбатда тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни бюджетнинг ортиқча маблағининг 50 фоизини маҳаллий бюджетларга қолдириш ва 50 фоизини республика бюджетига йўналтириш лозим. Бу усул рағбатлантирувчи восита сифатида ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, таклиф қилинаётган тартибнинг қуйидаги устунликларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- \* биринчидан, бюджетнинг ошкоралигини янада оширишга эришилади;

- \* иккинчидан, маҳаллий бюджетлар даромад қисмининг барқарор ва бир маромда шаклланиб боришига ўз ҳиссасини қўшади;

- \* учинчидан, маҳаллий бюджетлар прогнозларини янада аниқлаштиради;

- \* тўртинчидан, солиқ тушумларини кўпайтиришга қизиқиш кескин ортади ва бюджет олдидаги боқимандаларнинг қисқаришига ва солиқ салоҳиятининг ошишига замин яратади;

- \* бешинчидан, бюджет кўрсаткичларини ишлаб чиқишда келишувчилик амалиёти барҳам топишига олиб келади.

Маҳаллий бюджетларда режадан ортиқча солиқ тушумларини маълум вақт мобайнида тасдиқланган ягона нисбат асоида тақсимлаш қуйидаги ижобий натижаларни беради:

- режадан ортиқча солиқларни йиғишда манфаатдорликни оширади;

- республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлайди ва субвенциялар ҳажмини камайтиради;

Юқори иқтисодий ва солиқ имкониятига эга бўлган вилоятлар бюджет даромадларининг харажатларидан охири кетган қисмини 50:50 нисбатда тақсимланиши орқали қуйидаги мақсадларга эришилади:

– солиқларни йиғишдан манфаатдорликни юқори даражада сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш ва ҳудудда солиқ базасини янада кенгайтиради;

– мутаносиблашган бюджетга эга бўлган ёки кичик миқдордаги бюджет тақчиллигига эга бўлган ҳудудларнинг солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини янада оширади.

Фикримизча, маълум вақт мобайнида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга амалга ошириладиган ажратмаларнинг барқарор ягона меъёрларини жорий этиш молиявий ёрдамнинг турли шакллари тақсимлашда ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш жараёнини ислоҳ қилишда, уни такомиллаштириб жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари ўртасида солиқ даромадларини тақсимлаш муаммоси ҳам жуда долзарб муаммолардан биридир. Солиқ даромадларини тақсимлаш атамаси ушбу ҳолатда у ёки бу солиқлар тушумларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш, солиқлар ставкалари ва таркибини аниқлашга масъул бўлган давлат идораларига тегишлидир.

Умумий ҳолатларда, солиқ даромадларини маҳаллий ҳокимият идораларига бириктириб қўйишнинг қуйидаги учта йўналиши мавжуд:

1) маҳаллий ҳокимият идораларига улар ҳудудида йиғиладиган, уларнинг қарамоғидаги ташкилотлардан тушадиган барча солиқ даромадлари бириктириб қўйилиши мумкин. Бунда, даромадларнинг бир қисми юқори даражадаги бюджетларга, ҳукуматнинг миллий миқёсдаги харажат ваколатларини амалга оширишларини таъминлаш учун ажратиб берилиши белгилаб қўйилади. Бу йўналиш даромадларни ҳудудлараро самарасиз тақсимланиши, шунингдек, бюджет-солиқ сиёсатининг барқарорлашувига халақит бериши мумкин

бўлганлиги туфайли давлат маблағларини жалб этишнинг самарасиз усули ҳисобланади;

2) солиқ даромадларини тақсимлашнинг иккинчи йўналиши сифатида биринчисига мутлақо қарама-қарши бўлган усул, яъни барча солиқларни марказий ҳукуматга бириктириб қўйиш ва қуйи бюджетларга маблағларни грантлар ва бошқа трансфертлар, шунингдек, барча ёки айрим солиқлардан меъёрлар асосида ажратмалар ажратиш йўли билан қайта тақсимлашдан иборат бўлган усул майдонга чиқади. Харажатлар ваколатига эга бўлган ҳокимият идораси ва унинг ҳудудида йиғилган солиқлар ва йиғимлар ўртасидаги боғлиқликнинг бутунлай йўқлиги бу тизимнинг асосий камчилигидир. Бошқа томондан, қуйи бюджетларга бериладиган молиявий ресурсларнинг ҳажмларининг доимий қисқариши эҳтимолининг мавжудлиги, маҳаллий ва ҳудудлар миқёсида давлат хизматларини молиялаштиришнинг барқарор тизимини яратишни барбод этиши мумкин;

3) даромад ваколатларини тақсимлашнинг учинчи йўналиши солиқ ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ёки ҳудудий ҳокимият идораларига бириктириб қўйиш, зарурият туғилганда эса, маҳаллий бюджетларга трансфертлар ва тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар ажратиб беришдан иборатдир. Даромадларни тақсимлашнинг бундай тартибини амалга оширишда маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйиладиган, шунингдек, маълум қисми маҳаллий бюджетларга тушадиган умумдавлат солиқларини танлаб олиш муҳимдир. Қуйи ҳокимият идораларига солиқ ваколатларининг бириктириб қўйилиши, солиқ юки ва қабул қилинадиган харажатларга оид қарорларнинг ҳажмини боғлаб олиб боришга, иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, солиқ даромадларини тақсимлаш муаммосини ҳал этиш маълум бир солиқлар қаторини маҳаллий ёки юқори турувчи бюджетларга батамом бириктириб қўйишни эмас, балки, солиқ даромадлари ва ваколатларини бириктириб қўйишнинг турли шакллари уйғунлашувини аңлатади.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг фискал мустақилли-

ги ҳақидаги масала турли даражадаги ҳукумат идоралари томонидан солиқларни йиғиш ва маъмурий жиҳатдан идрок этиш масалаларидан алоҳида олиб кўриб чиқилиши лозим. Солиқ сиёсати нуқтаи-назаридан маҳаллий ҳокимият идораларига фискал автономия тақдим этилишининг муҳим жиҳатларидан бири бу турли даражадаги ҳокимият идоралари солиқ ставкаларини белгилашга ҳақли ёки ҳақсиз эканлигини аниқлаш масаласидир. Бир томондан олганда маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ базасини аниқлаш борасидаги ҳуқуқини чеклаб қўйиш керак, чунки, қўшимча солиқ имтиёзлари ресурсларнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалар ўртасидаги жойлашуви бузилишига олиб келиши мумкин. Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқ ставкаларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлмасалар, улар давлат хизматларининг даражасига ҳам ҳудудлар манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартира олмайдилар. Айрим ривожланган давлатлар (Португалия, Германия)да маҳаллий бюджетлар даромадлари ставкалари ёки энг баланд ставкалари марказий ҳукумат томонидан белгиланадиган солиқлар ҳисобига шакллантирилади.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг фискал мустақиллиги ҳақидаги масаланинг муҳимлиги уларнинг давлат иқтисодий тизимида тутган ўрнига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Агарда, маҳаллий ҳокимият идораларининг иқтисодий аҳамияти юқори ҳукумат ишлаб чиққан сиёсатнинг амалдаги тадбиқидан иборат бўлса, унда уларга кенг даражадаги фискал мустақилликни беришга эҳтиёж йўқ. Агарда, маҳаллий ҳокимият идоралари ўзларининг мустақил харажат дастурларини амалга оширишлари кутилаётган бўлса, шунингдек тегишли даражада давлат хизматларининг сони ва сифатини аниқласа, унда уларнинг солиқ ставкаларини мустақил белгилаш, табиийки бюджет даромадларининг ҳажмини аниқлаш ваколатига эга эмаслиги аҳоли эҳтиёжлари ва бюджет имкониятлари тафовутланиб қолиши борасида жиддий муаммолар туғдириши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият идораларига кенг даражадаги фискал мустақиллик бериш ғоясига қарши асосий далиллар шундан иборатки, бунда маҳаллий ҳудудлар орасида иқтисодий ри-

вожланишда турли тафовутлар пайдо бўлади, натижада марказ томонидан ҳудуддаги макроиқтисодий вазият устидан назорат сусаяди.

Шунга қарамасдан, алоҳида солиқларни бошқариш ва ставкаларини белгилаш бўйича ваколатлар кўпчилик давлатларда маҳаллий ҳокимият идораларига берилгандир. Маҳаллий ҳокимият идораларига солиқ ваколатларини беришда бизнинг фикримизча қуйидаги мезонларга риоя қилиш лозим бўлади:

– иқтисодий барқарорлаштириш ва даромадларни қайта тақсимлаш мақсадларига йўналтирилган солиқларни бошқариш ваколатлари марказий ҳукуматга тегишли бўлиши керак;

– бошқариш ваколоти қуйи даражадаги бюджетларга берилган солиқларнинг базалари мумкин қадар ўзгармас қилиб белгиланиши лозим. Акс ҳолда солиқ тўловчилар солиқ ставкаси юқори бўлган ҳудуддан солиқ ставкаси паст ҳудудларга кўчиб ўтиш имкониятига эга бўладилар. Шу сабабларга кўра, АҚШ ва Канадада истеъмол солиқларини бошқариш бўйича ваколатлар катта майдонга эга бўлган маъмурий-ҳудудий тузилмаларга берилган. Шундай қилиб, солиқ базаси қанчалик эпчил ва ҳозиржавоб бўлса, уни марказ миқёсида шунчалик ўзгартиришга имкониятлар кенгайди;

– базалари давлат ҳудуди бўйлаб нотекис жойлашган солиқларни бошқариш ва тартибга солиш ваколоти марказий ҳукуматга тегишли бўлиши керак;

– маҳаллий солиқларнинг базалари солиқ тўловчиларга аниқ кўринишда бўлиши лозим. Бошқача айтганда, солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларидан тўла хабардор бўлишлари, бу эса ҳукумат идораларининг солиқ тўловчилар олдидаги ҳисобдорлигини рағбатлантириши лозим;

– солиқ тўлаш ва давлат хизматларидан фойдаланиш ўртасидаги алоқани бузмаслик учун маҳаллий солиқларни ундириш мазкур ҳудуднинг “норезиденти”га тааллуқли бўлмаслиги керак;

– бюджет тизимининг вертикал (тик) номутаносиблигига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ва умумдавлат солиқларидан келадиган даромадлар етарли даражада катта бўли-

ши, шунингдек, солиқ тушумларининг доимо барқарор келиб туриши талаб этилади;

– маҳаллий ва умумдавлат солиқларининг маъмурий-бошқарув харажатлари нисбатан паст бўлиши керак. Бошқача айтганда, солиқларни бошқаришда бутун мамлакат миқёсидаги харажатлар қанчалик тежалса (компьютер тизимининг жорий этилиши ва бошқа шу кабилар), уларни умумдавлат солиғи сирасига киритишга шунчалик имкон кўпаяди;

– мақсадли бўлган солиқлар (айниқса, уларнинг тушумлари маҳаллий бюджетлар эҳтиёжларига йўналтирилса) маҳаллий даражада бошқарилиши ва ундирилиши лозим.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйилган солиқлар турли мамлакатларда турличадир. Шунинглаб етиш мумкинки, кўпчилик саноати ривожланган мамлакатларнинг маҳаллий бюджетларида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи етакчи ўринни эгалласа, инглиз-саксон давлатлари маҳаллий бюджетларида эса мулк солиғининг улуши катта аҳамиятга эга. Айрим мамлакатларда (айниқса федератив давлатларда) умумий истеъмол солиқлари, баъзи ҳолатларда акцизлар ҳам маҳаллий тузилмаларнинг бюджетларида етакчи ўрин эгаллайди. Бразилия, Канада, ГФР, Ҳиндистон, ЖАР, Испания, АҚШда шундай тизим мавжуд. Бунинг асосий сабаби афтидан мамлакатнинг ва унинг ҳудудий тузилмаларининг катта майдонга эга эканликларидир. Айрим мамлакатларда эса, солиқ даромадларини бюджет тизимлари ўртасида тақсимлаш тизими амал қилади, бунда маҳаллий ҳокимият идоралари солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартибига таъсир ўткази олмайдилар.

### 3.3. Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш муаммолари ўта долзарб вазифалар қаторига киради. Чунки ҳозирда маҳаллий бюджетлар уларга юқори бюджетлардан юклатилган, лекин даромад манбаига эга бўлмаган харажат мажбуриятлари билан анча қийналиб қолишган. Маҳаллий бюджетларнинг асосий қисми, бюджет соҳасида иш ҳақини ҳам қўшиб марказлашган ҳолда белгиланадиган меъёрлар билан тартибга солинади. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг 80 фоизга яқин қисми умумдавлат солиқларидан ажратмалар ва бошқа трансфертлар ёрдамида шаклланмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг йил бошида белгилаб қўйиладиган умумдавлат солиқлари ажратмалари меъёрларига қарамлиги, таркибий ислохотлар ўтказишда рағбатларни барбод қилмоқда, инвестицияларнинг жалб этилишини ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини ривожлантиришга ва солиқ йиғувчанлигини оширишга бўлган интилишни сусайтирмоқда. Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқ ваколатларининг чекланганлиги уларни мустақил солиқ сиёсатини юритишдан маҳрум этиб бир вақтнинг ўзида солиқ сиёсатини норасмий воситалар ёрдамида юритишга мажбур қилмоқда. Бу эса тенг рақобат шароитларига путур етказмоқда, солиқ муҳитини бузмоқда. Молиявий ёрдамни тақсимлашнинг ягона шаклга келиш жараёни бошланганига қарамай, унинг анчагина қисми ҳеч қандай мезонларсиз тақсимланмоқда. Бюджетларни баланслаштириш услубиёти янада ривожлантиришни ва қонуний мустаҳкамлаб қўйишни тақозо этади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг мустақил солиқ-бюджет сиёсатини юргизиши ниҳоятда чекланганлиги маҳаллий бюджетларни баланслаштириш ва ижтимоий соҳанинг аҳволи учун жавобгарликни маҳаллий ҳокимиятга юклашга имкон беради, маҳаллий ҳокимият эса, бир томондан, маъмурий назоратни доимий равишда кескинлаштирса, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимият идораларининг норасмий молиявий фаолияти оқибатларини бартараф этади. Бюджет ресурсларининг марказлашмаганлиги, солиқ-бюджет ваколатларининг расмий марказлашуви ва маҳаллий ҳокимият идораларининг норасмий автономияси ўртасидаги зиддиятлар,

макроиқтисодий вазиятнинг барқарорсизлиги, демократик институтларнинг ва фуқаролик жамиятининг заифлиги, капитал бозорининг ривожланмаганлиги ва ишлаб чиқариш омиллари етарли даражада тезкор эмаслиги, аҳолида юқори даражадаги кутиш, боқимандалик ва давлатга нисбатан талабчанлик кайфияти мавжудлиги ҳамда ҳудудларнинг бюджет таъминотидаги кескин тафовутлар билан янада чуқурлашади.

Маҳаллий бюджетлар етарли даражада мусаффо эмаслиги, жамоатчилик молияси ва уни бошқариш сифати устидан мониторинг тизимининг мавжуд эмаслиги, аҳоли, турли ҳокимият идоралари, инвесторлар ва кредиторларнинг ҳам мазкур жараёнлардан маҳрум қилмоқда.

Бунинг қаммаси бюджет ресурсларидан самарасиз фойдаланишга, бюджет хизматлари сифати ва ҳажмининг қисқаришига, барқарор иқтисодий ўсиш жараёнининг бузилишига, таркибий иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун шарт-шароитларнинг барбод бўлишига, тенг иқтисодий рақобат, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитининг бузилишига, ҳудудлараро тафовутларнинг кучайишига, иқтисодий ва сиёсий тангликнинг ўсишига олиб келиши мумкин.

Баён этилганлардан келиб чиқиб бюджетларни баланслаштиришнинг шундай тизими ишлаб чиқилиши керакки, токи бу тизим қуйидагиларни таъминласин:

- иқтисодий самарадорликни – маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари учун узоқ муддатли институционал рағбатлар яратиш, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, рақобат, қулай инвестицион ва тадбиркорлик муҳитини қўллаб-қувватлаш;

- бюджет масъулиятини – жамоатчилик молиясини аҳоли номидан унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, солиқ ва бошқа ресурслардан максимал самарали фойдаланган ҳолда бошқариш, солиқ-бюджет сиёсатининг мусаффолиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш;

- ижтимоий адолатни – фуқароларнинг яшаш жойидан қатъи назар асосий ижтимоий неъматлардан ва ижтимоий қоғозлардан тенг бақраманд бўлишларини таъминлаш;



- сиёсий бирликни – турли даражадаги ҳокимият идоралари ўртасида солиқ-бюджет ваколатларини тақсимлашда жамоат баҳамжиҳатлигига эришиш, маҳаллий ҳокимият идоралари ўзларининг вазифаларини самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти ривожланишига хайрихоҳлик қилиш;

- ҳудудий интеграцияни – солиқ-бюджет тизимларининг ягоналигини, ҳудудий ривожланишда тафовутлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни юмшатиш.

Маҳаллий ҳокимиятлар қонуний тартибда ўрнатилган солиқ-бюджет автономиясига эга бўлмас экан, улар молиялаштиришнинг иқтисодий самарасини оширишга ҳаракат қила олмайдилар. Фақатгина қонуний тартибда аниқ белгилаб қўйилган солиқ-бюджет ваколатларигина маҳаллий ҳокимият идораларини ўзларининг молиявий ва ижтимоий-иқтисодий фаолияти учун жавобгарлигини таъминлаши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳокимиятлар учун иқтисодий ва сиёсий рақобат муҳитини яратиш зарур, шунингдек, қатъий бюджет чекловларини жорий этиш керак, токи бу тадбирлар маҳаллий ҳокимиятларни юқори идоралардан эмас, балки ўзларининг иқтисодий-молиявий фаолиятлари натижаларига боғлиқ этиб қўйсин.

Шунингдек, ҳудудларнинг ривожланишидаги кескин иқтисодий-ижтимоий фарқ ва уларнинг бюджет таъминотидаги тафовутлар, ҳудудларга молиявий ёрдам миқдорини ошириш учун омил бўлади.

Ҳозирги вақтда бюджет тизими тўғрисидаги Қонун бюджетлараро муносабатлар тизимининг энг асосий элементига эга эмас – бу харажат ваколатларини ва жавобгарликни турли даражадаги ҳокимиятлар ўртасида аниқ ажратиб қўйишдан иборатдир. Харажатларнинг кенг соҳаси биргаликда молиялаштириш амалиётига тегишлидир, бунинг натижасида жамоатчилик хизматларининг тақдим этганлиги учун жавобгарлик масаласининг ҳал этилиши мушкул бўлади. Бунда, маҳаллий бюджетлардан амалга оширилаётган харажатларнинг марказдан туриб меъёрий бошқаруви сақлаб қолинади. Маҳаллий бюджетлар зиммасида молиявий манбалари бўлмаган кўплаб мажбуриятлар сақланиб

қолмоқда. Натижада, маҳаллий ҳокимият идоралари ўзларининг бюджетларини баланслаштириш имконига эга бўлмайди ва уларга юклатилган мажбуриятларни танлаб бажариш сиёсатини олиб боришга ҳамда қарзларни иложсиз тўплашга мажбурлар. Бундай шароитларда масъулиятли бюджет сиёсати юритишга рағбатлар, шунингдек, бюджет ҳисобдорлиги ва объективлиги бўлмайди, харажатлар самарали бошқарилмайди, бюджет хизматларининг сифати паст бўлади.

Маҳаллий ҳокимият идораларига улар имконларига яраша молиявий ресурслари билан баланслашган харажат ваколатларини бериш маҳаллий бюджетларни ислоҳ қилиш ва баланслаштиришнинг муҳим воситасидир. Уни ҳал қилиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

1) бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида харажат ваколатларини аниқ белгилаб ва ажратиб қўйиш;

2) маҳаллий ҳокимият органларига ўз бюджетларининг харажатларини бошқаришларида мустақиллик бериш;

3) «молиялаштирилмайдиган марказий мандатлар» (ваколатлар)ни қисқартириш, келажакда эса бутунлай бекор қилиш.

Буларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга «харажат ваколатлари»-ҳокимият органларининг ўз ваколатлари доирасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари деган тушунчани киритиш керак:

а) бюджет харажатларини ҳуқуқий меъёрга солишни амалга ошириш (жумладан, жамоатчилик хизматларининг ҳажми, сифати талабларини аниқлаш, натурал ва молиявий меъёрлар, харажатлар даражаси ва таркиби);

б) уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш;

в) жамоатчилик хизматларини молиялашни амалга ошириш.

Бир вақтнинг ўзида бюджет тизими тўғрисидаги қонунда турли даражадаги ҳокимиятлар ўртасидаги харажатлар ваколатлари қуйидаги мезонларга кўра, тақсимланган ва бириктирилган бўлиши керак:

1) харажат ваколатларини амалга ошираётган ҳокимият органининг бюджет хизматлари истеъмолчиларига мумкин қадар яқинлиги;

2) ҳудудий мос келиш (харажат ваколатларини амалга ошираётган ҳокимият органи жойлашган ҳудуд ва тегишли бюджет хизматларидан фойдаланаётган ҳудуднинг мос келиши);

3) ташқи самаралар (харажат ваколатларини амалда татбиқ этишда жамоатчилик бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолда, юқорироқ ҳокимият органига бириктирилиши керак);

4) ҳудудий тафовут самараси (бюджет хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ҳудудий тафовутлар қанчалик катта бўлса, улар шунчалик қуйи даражада истеъмол қилиниши керак);

5) масштаб самараси (бюджет харажатларининг бир жойда тўпланиши, тенг шароитларда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келади).

Умумий ҳолатда учта харажат ваколатларини (ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш, маблағлар билан таъминлаш, молиялаштириш) бириктириб қўйишга интилиш зарур.

Мазкур тамойилнинг амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлмаган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатларда қуйидаги ёндашувларга таяниш керак бўлади:

- ҳуқуқий-меъёрий тартибга солишда юқори ҳокимият идоралари томонидан амалга ошириладиган харажатларни молиялаштириш бўйича мажбуриятлар қуйи ҳокимият идораларига берилиши мумкин;

- минимал давлат стандартлари асосида бутун мамлакат ҳудудида кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар харажатлари қоидага кўра марказий бюджет ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилиши керак;

- қуйи бюджетларга маблағлар билан таъминланмаган харажат мажбуриятларини юклатишни Қонуний тартибда тақиқлаб қўйиш лозим.

Ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий (80%) қисми умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳисобига шакллантирилмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг ўз солиқ ва

йиғимлари уларнинг умумий даромадларининг 20 фоизга яқини ни ташкил этмоқда. Маҳаллий солиқларнинг рўйхати ва солиқ базалари маҳаллий тавсифга эга бўлган харажатларни қоплашга етмайди, бунда мазкур солиқларнинг деярли барча миқдорлари юқори ҳокимият идоралари томонидан белгиланади.

Солиқ тушумларини тақсимлаш тамойили вертикал мутаносибсизликни бартараф этишга ёрдам беради ва қуйи бюджетларнинг дотацияларга бўлган эҳтиёжини камайтиради. Бироқ у қуйидаги камчиликларга эга:

– маҳаллий даражада тақдим этиладиган ижтимоий харажатлар билан солиққа тортиш даражаси ўртасида тафовутлар мавжуд бўлади;

– маҳаллий ҳокимият идораларининг ўз ҳудудларида солиқ ва иқтисодий, инвестиция базаларини оширишга қизиқишлари суст бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, яқин келажакка мўлжалланган стратегик дастур қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ ваколатларини ошириш;

2. Асосий даромад манбаларини маҳаллий бюджетларга узоқ муддатга доимий қилиб бириктириб қўйиш;

3. Бюджет тизимининг даражалари ўртасида солиқ тушумларини тақсимлаш жараёнларини камайтириш, бир бюджетга 100 фоиз миқдорда тушумлар бириктириб қўйишни ошириш;

4. Маҳаллий бюджетлар даражасидаги солиқ тушумларини юқори бюджетларга марказлаштириш амалиётидан воз кечиш;

5. Солиқ тушумларининг корхона ва ташкилотларнинг ўрнашган жойидаги бюджетларга тушишини таъминлаш.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш мақсадида солиқ ва даромадлар манбаларини турли даражадаги бошқарувлар ва ҳокимият идоралари ўртасида қуйидаги тамойилларга асосан тақсимлаб қўйиш лозим:

а) бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромадлар тақсимланиши ягона тамойиллар ва ёндашувлар асосида барқарор

равишда бўлиши;

б) ҳар бир даражадаги бюджет бўғинининг ўз даромадлари уларга бириктириб қўйилган харажат ваколатларини бажариш учун асосий ресурслар манбаи бўлиб қолиши;

в) маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ ваколатлари капиталнинг, ишчи кучнинг, товарлар ва хизматларнинг ҳаракатига халақит бермаслиги, шунингдек, ўзга ҳудудларга солиқ юки экспортига йўл қўймаслиги;

г) солиқ ваколатлари ва даромад манбалари тақсимланиши бюджетнинг вертикал (бюджет бўғинлари ўртасида) баланслашуви тамойилларига таяниши;

д) тартибга солувчи солиқлардан тушадиган тушумларнинг бир қисми маҳаллий бюджетлар ўртасида шаклланган усуллар асосида (аҳоли сони бўйича, бюджет таъминоти бўйича ва ҳ.қ.) тақсимланиши мумкин.

Аниқ бир солиқ турини ёки даромад манбаини турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олиниши зарур:

– барқарорлик - солиқ тушумлари иқтисодий конъюктурага қанчалик кўп боғлиқ бўлса, солиқ тури ва унинг ваколатлари бириктириб қўйиладиган бюджет даражаси шунча юқори бўлиши керак;

– иқтисодий самарадорлик. Ҳар бир даражадаги бюджет тизимига солиқ базаси тегишли ҳокимият идорасининг иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлган солиқлар ва даромад манбалари бириктириб қўйилиши керак;

– солиқ базасининг ҳудудий ҳаракатчанлиги. Солиқ базасининг ҳудудлараро ҳаракат қилиш имконияти қанчалик катта бўлса, солиқ шунчалик юқори бюджет бўғини даражасида ўрнатилиши керак ва бу солиқнинг марказлашуви учун катта имконият бўлади;

– солиқ базаси жойлашувининг бир зайлдалиги. Солиқ базаси қанчалик нотекис жойлашган бўлса, солиқ шунчалик юқори бюджет бўғини даражасида ўрнатилиши керак ва шундагина солиқ марказлашади;

– ижтимоий адолат. Қайта тақсимланиш тавсифига эга бўлган солиқлар марказий ҳукуматга бириктириб қўйилиши керак;

– бюджет жавобгарлиги. Бюджет хизматлари учун йиғимлар тегишли бюджет хизматлари кўрсатадиган ҳокимият идораларининг бюджетларига тушиши керак.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш йўналишида олиб бориладиган ишлар баробарида қуйи бюджетларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам тизими ҳам катта аҳамият касб этади.

Қуйи даражадаги бюджетларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам тизими ҳудудларнинг бюджет таъминоти даражасини тенглаштиришга қаратилган бўлиши, бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳокимият идоралари учун масъулиятли ва оқилона солиқ-бюджет сиёсати юритишларида тегишли рағбатлантириш воситаларини яратиш ҳам назарда тутилиши лозим. Баён этилганлардан келиб чиқиб, у қуйидаги талабларга мос келиши керак:

1) мақсад ва тақсимланиш тартибига кўра молиявий ёрдамни жорий ва инвестицион, шунингдек, тенглаштирувчи ва рағбатлантирувчи турларга ажратиш;

2) дотация, субвенция ва субсидияларни жорий молиявий ёрдамлар таркибидан асосий ёрдам шакллари сифатида ажратиб олиш;

3) молиявий ёрдамларнинг тақсимланиши ягона услубиёт асосида текширилган ҳисоб-китоблар ва мезонлар асосида бажарилиши лозим;

4) бюджет таъминоти тўғрисидаги ҳисоб-китобларда амалда ҳақиқий бажарилган бюджет харажатлари тўғрисидаги ва тушган солиқ тушумлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилмайди;

5) молиявий ёрдамни тақсимлашнинг усуллари ва муолажалари марказий ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари билан ишлаб чиқилиши керак;

6) қатъий бюджет чекланишлари аниқ бир ҳудудга кўрсатиладиган молиявий ёрдамнинг ҳажми тегишли бюджет тўғрисидаги қонун билан амалга оширилиши керак ҳамда йил давомида тақсимланмай қолган маблағларни қайтариб олишга қонуний тартибда изн бериш;

7) молиявий ёрдамни тақсимлаш ҳажмлари ва тамойилларининг мумкин қадар барқарорлигини таъминлаш;

8) маҳаллий бюджетларни баланслаштириш механизмлари ва шаклларига бўлган талаблар умумий тамойилларини марказий ҳукумат доирасида белгилаб қўйиш.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш муаммолари жамоатчилик молиясини маҳаллий даражада бошқаришнинг ҳам ўзига хос тамойилларини белгилаб олишни тақозо этади.

Рақобат муҳити мунтазам шаклланиб бориши шароитларида харажат ваколатлари аниқ равишда белгиланиб берилиши, маблағ билан таъминланмаган ваколатларнинг барта-раф этилиши, солиқ ваколатларининг кенгайтирилиши ва даромад манбаларининг бўлинишида барқарорлик, бюджетларни тенглаштиришнинг объектив ва қатъий тизими, жамоатчилик молияларини тақсимлаш ва бошқариш, норасмий бюджет фаолиятини қисқартириш, қабул қилинадиган қарорларнинг мусаффолигини таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари учун кучли рағбатлантириш омилларини яратди. Бир вақтнинг ўзиде мазкур жараён бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг янги механизми билан қўллаб-қувватланиши керак. Бу механизм бизнинг фикримизча, қуйидаги учта тартибга солувчи воситаларга асосланиши керак:

1) умумдавлат қонунларида белгилаб қўйилган ва бажарилиши мажбур бўлган минимал талаблар;

2) юқори бюджетлардан мақсадли, шартли молиявий ёрдам беришда риоя этилиши ҳисобга олиниши тавсия этиладиган меъёр ва кўрсаткичлар;

3) маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинадиган ва бажариладиган жамоатчилик молиясини бошқаришнинг қўшимча, анчагина юқори андозалари.

Барқарор иқтисодий ўсиш ҳудудий молия тизимини тузатишнинг асосий омили ҳисобланади. Ҳозирги вақтда маҳаллий ва ҳудудий даражада таркибий ислоҳотлар ўтказиш, тенг рақобат муҳитини яратиш, иқтисодий фаоллик ва инвестицияларни жалб қилиш учун қизиқишлар унча баланд даражада эмас. Бундай

вазиятнинг асосий сабабларидан бири маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлиги масаласининг аниқ эмаслигидадир.

Бундай вазиятни тузатишнинг воситаларидан бири эса, солиқ тизимидир. Бунда солиқ ислоҳоти соҳасига маҳаллий ҳокимиятларни ҳам жалб этиш, турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасида солиқ ваколатларини аниқ ва барқарор қилиб белгилаб бериш орқали эришиш мумкин.

Маҳаллий бюджетларнинг сурункали даражада баланслашмаганлиги маҳаллий бюджетларда ислоҳотлар ўтказишга тўсқинлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимият идоралари бюджетни режалаштиришнинг замонавий усуллари жорий этиш, бюджет мусаффолигига эришиш, бюджет тизимини такомиллаштиришнинг узоқ ва яқин истиқболли дастурларини яратиш имконига эга эмаслар. Бюджет тизими ислоҳотлари билан ижтимоий соҳа ислоҳотлари ҳам бевосита боғлиқдир. Аввало, бу аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш соҳасига тегишли бўлиб, маҳаллий бюджетларни баланслаштириш билан бир қаторда бу соҳада ҳам ислоҳотлар ўтказилишини тақозо этади.

\* \* \*

Иқтисодиётнинг реал сектори ва молия сектори моддий товарлар ва хизматларнинг макроиқтисодий циркуляция жараёнидаги ҳаракатга мувофиқ тарзда пул оқими юз беришини билдиради. Реал сектор эҳтиёжларни қондириш учун зарур неъматлар ишлаб чиқарганлиги туфайли иқтисодий оборотда бирламчи ўрин тутади ва шу сабабли молия сектори унинг ҳосиласи ҳисобланади. Чунки бунда реал неъматлар қийматининг пул шаклидаги эквиваленти ҳаракатда бўлади. Пул оқимидаги ҳаракатланиш жараёнида молия фондлари ажралиб чиқади, бинобарин, молия муносабатлари юзага келади. Мазкур муносабатларнинг ўзи кичик тизим ҳосил этадики, булар орасида бюджет давлат молияси сифатида алоҳида мақомга эга бўлади. Бюджет реал иқтисодиётнинг маҳсули бўлса-да, унга қайтадан таъсир этади ва бюджетдан берилган инвестициялар, унинг инсон омилига юборган маблағла-



ри ва ниҳоят давлат истеъмоли орқали юз беради, бу ҳам бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Бюджетнинг зарурлиги ижтимоий неъматларнинг мавжудлиги, улар истеъмолининг тавсифи ва ижтимоий – иқтисодий ривожланишга таъсири билан изоҳланади. Мазкур неъматлар истеъмолининг ҳудудий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, булар манфаатларнинг ажралишидан келиб чиқади. Индивидуал ва корпоратив манфаатлар бирлашиб, ҳудудий манфаатларни юзага келтиради, бу эса умуммиллий, умумжамият манфаатларидан алоҳидалашувни билдиради. Умумжамият манфаатлари билан ҳудудий манфаатлар ўртасидаги мавжуд зиддиятлар уйғунлашуви ижтимоий неъматларнинг ҳудудлараро тақсимланиши орқали юз беради. Бу давлат бюджетининг марказий ва маҳаллий бюджетларга ажралишини юзага келтиради ва улар бюджетларда жамланган ҳамда улардан турли соҳаларга йўналтирилган молиявий оқимлар (пул)да намоён бўлади.

Бюджет федерализми айtilган зиддиятни ўзида акс эттиради. Унинг назарий қоидаларига биноан ижтимоий неъматларни ҳудудлараро тақсимлаш зарур ва бу билан манфаатлар уйғунлиги таъминланади. Бюджет федерализми бўлиши учун федератив давлат тузуми бўлиши шарт эмас, чунки унитар типдаги давлатларда ҳам ҳудудий манфаатларнинг ажралиши юз беради. Иқтисодий ҳолатга марказлашув хос эмас. Бу кўчмас ресурсларнинг маълум ҳудудларда бўлишини ва шунга мос равишда кўчиб юрувчи ресурсларнинг ҳам маълум жойда тўпланишини билдиради. Табиий ресурслар кўчмас бўлса, меҳнат ресурслари, капитал ва молия ресурслари ҳудудлараро тақсимланиб туради. Натижада, аҳоли маълум ҳудудларга ўрнашиб қолади ва маъмурий, иқтисодий тузилмалар ҳосил қилади. Ресурслар ҳудудий жойлашуви ҳудудий манфаатларни келтириб чиқаради. Шу боисдан, бюджет федерализми эркин бозор муносабатларига мос бўлган молиявий алоқаларни ташкил этади. Федерализм табиатан маҳаллий бюджетларнинг мавжуд бўлишини ва функцияларининг кучайиб боришини англатади. Федерализм тамойилига биноан марказий бюджет вазифаларининг бир қисми маҳаллий бюджетларга берилади ва шунга қараб марказий ва маҳаллий бюд-

жетлар ресурсларининг оптимал нисбати ҳосил бўлади. Аммо бу нисбат, биринчидан, муайян мамлакатнинг иқтисодий даражасига, иккинчидан, мамлакатнинг танлаган тараққиёт моделига боғлиқ бўлади.

Бюджетларни барқарорлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири бюджет танқислигининг мумкин қадар оптимал даражасига эришишдан иборатдир. *Бюджет тақчиллиги* – бюджет харажатларининг даромадлардан ошиб кетишидан иборат бўлиб, жаҳоннинг барча давлатлари ўз тарихларининг у ёки бу босқичида бу ҳодисага тўқнаш келган. Сўзсиз, бюджет танқислиги давлат учун нохуш ҳодисадир, унинг пул эмиссияси асосида молиялаштирилиши муқаррар равишда инфляцияга, эмиссион бўлмаган воситалар ёрдамида молиялаштирилганда эса давлат қарзининг ўсишига олиб келади. Шунга қарамаздан, бюджет тақчиллигини фавқулодда воқеалар қаторига киритиш керак эмас, чунки тақчилликнинг табиати ва сифати турлича бўлиши мумкин. Давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришга катта миқдорда маблағ ажратиш тўғрисида юзага келган танқислик иқтисодий инқироз белгиси эмас, балки ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ этиш учун давлат интилишидан далолат беради.

Маҳаллий бюджетларнинг барқарорлиги, унинг харажатларини муҳим равишда, узилишларсиз таъминланиб туриши бўлар экан, бунга унинг даромад базасини мустаҳкамлаш орқали эришиш мумкин, чунки бу иқтисодий эркинлик талабига мос бўлган ўз харажатини ўзи молиялаштириш қонидасидан келиб чиқади. Аммо бунга дарҳол эришиб бўлмаса-да, босқичма-босқич ўтиш мумкин. Шу сабабли бюджетларга келадиган маҳаллий тушумларни ошириб бориш керак, чунки уларнинг бюджет даромадидаги салмоғи (20% атрофида) катта эмас. Маҳаллий бюджетларга юқоридан турли кўринишдаги трансфертлар, ажратмалар, субсидия ва субвенциялар доимий равишда катта миқдорларда ажратиб турилиши кузатилмоқда. Айни пайтда барча маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг баланд ставкалари юқоридан туриб белгиланиши, маҳаллий ҳокимиятни ўз ҳудудларида ушбу солиқларнинг

тушумларини оширишга бўлган интилишларини рағбатлантирмайди. Маҳаллий солиқларнинг маҳаллий ҳоқимият идоралари томонидан жорий этилиши белгилаб қўйилган бўлсада, мазкур солиқлар мамлакатимизнинг солиққа оид бош ҳужжати – Солиқ кодекси билан жорий этилган. Яъни маҳаллий ҳоқимият идоралари бу солиқларнинг жорий этилиши, улар ўлчамларининг белгиланишига оид муайян қарор қабул қилиш, бу орқали эса, маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш учун тегишли ҳуқуқий ваколатга эга эмас.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар қаторига киритилган мол-мулк солиғи ва ер солиқлари маҳаллий бюджетларнинг етакчи даромад манбаларидан ҳисобланса-да, уларнинг амал қилиши билан боғлиқ бўлган барча меъёрлар ҳуқумат томонидан белгиланиб туриши сабабли, уларга ўзгартириш киритишга маҳаллий ҳоқимият идоралари ҳеч қандай ваколатларга эга эмас.

Бюджетлараро муносабатлар ва маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш жараёнини иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг маҳаллий ўзини-ўзи таъминлашдан иборат бўлган муҳим ва ажралмас қисми сифатида қараш зарур. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш жараёнида иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан келиб чиқиб солиқларнинг аҳамиятини янада ошириш керак, бунда тўпланган тажрибаларга таяниш самарали наф келтиради.

Жаҳоннинг кўпгина давлатлари тажрибасида бюджет даромадларини тақсимлаш ва харажат ваколатларини чегаралаб қўйиш бўйича кўплаб усуллар мавжуд. Хусусан:

а) тартибга солувчи солиқларни маълум давр (5 йил)га ягона барқарор меъёрлар асосида ҳудудлараро тақсимлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш, бюджет кўрсаткичларини келишувчилик амалиёти асосида шакллантиришдан воз кечиш, боқимандаликни бартараф этиш ва маҳаллий ҳоқимият идораларининг солиқ тушумларини кўпайтиришга рағбатлантирувчи шароит ҳозирлаш;

б) маҳаллий бюджетларни ташқи ва ички заёмлар ҳисобидан тўлдиришни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини, восита

ва тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш. Бунда муҳими, муниципал заёмлар ликвидлигини таъминлашдир ва заёмдан тушган маблағларни ўзини тез оқлайдиган соҳаларга, хусусан, пулли хизмат кўрсатиш соҳаларига жойлаштириш орқали эришиш. Мазкур соҳалар серкапитал эмас, лекин улар кўрсатадиган хизматларнинг бозори кенгайиш имконига эга.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ичида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғидан меъёрлар асосидаги ажратмалар етакчи ўрин эгаллайди. Бундаги билвосита солиқлар туркумига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиқлар ва божхона тўловлари киритилади. Аммо янги жорий этилган - жисмоний шахслардан шахсий автотранспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газдан фойдаланганлиги эвазига олинадиган солиқ ҳам иқтисодий моҳиятига кўра билвосита солиқлар қаторига киритилиши лозим. Чунки бу ҳам акциз ва қўшилган қиймат солиқлари сингари ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг нархига киритилади ва уни ҳам охиरोқибатда маҳсулот ва хизматларнинг охириги истеъмолчилари тўлайдилар.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини билвосита солиқлар ёрдамида шакллантириш мумкин. Бироқ маҳаллий бюджетлар, даромадларини шакллантиришда асосий эътибор бевосита солиқларнинг ўрни ва салмоғини оширишга қаратилиши керак. Бевосита солиқлар яратилган олинган фойдадан ёки даромаддан ундирилган экан, маҳаллий ҳокимият идораларида ўз солиқ салоҳиятларини ошириш учун реал сектор даромадини кўпайтиришга интилиш кайфияти юзага келади.

Солиқ кодексига жисмоний шахсларнинг даромад солиғи умумдавлат солиқлари таркибига киритилган, лекин, амалда тўлиқ маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйилмоқда, натижада, бу солиқ маҳаллий бюджетлар даромади манбаига айланган. Шу сабабли жисмоний шахслар даромад солиғи маҳаллий солиқлар таркибига қонуний равишда киритилиши керак. Зеро, маҳаллий ҳокимият идораларида ўз ҳудудларида

мазкур солиқ объектини кўпайтириши, якка тартибдаги тadbиркорликнинг ривожланиб бориши, бинобарин, маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорини ошириш учун янада кўпроқ интилиш юзага келади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг янада мустақамланишида, мулкка, ерга, ресурсларга солиқ солишнинг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетга тўлиқ тушадиган мулк солиғининг тушумларини реал оширишда ушбу солиқнинг ҳисобланиш усули ва имтиёзлари тизимини такомиллаштириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар рўйхати келтирилган бўлиб, улар жами 19 банддан иборат. Белгиланган имтиёзларнинг ҳаммаси ҳам зарурий талабларга жавоб бермайди, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини тўлдириш ва барқарорлаштириш мақсадларига хизмат қилмайди. Хусусан, чет эл кредити ҳисобига олинган ускуналарнинг, шу кредитни қоплаш муддати бўйича мол-мулк солиғининг базаси камайтирилади. Бу имтиёз, биринчидан, чет эл кредити ҳисобига ускуна сотиб олган юридик шахсларнинг солиқдан озод этилганлиги туфайли солиқ тўловчилар ўртасида солиқ қонунчилиги олдидаги тенгсизликни келтириб чиқарса, иккинчидан, маҳаллий бюджетлар даромад базасининг камайишига олиб келади. Мол-мулк солиғидан имтиёзлар рўйхати қайта кўриб чиқилиши маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустақамлашга хизмат қилган бўлур эди.

Маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятли даромад манбаларидан бири - бу ер солиғи бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ер солиғини ундириш тартибининг такомиллашуви муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари қошидаги ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар ер солиғидан озод этилган. Бу имтиёзнинг амалиётда қўлланилиши солиқдан қочишга интилишни юзага келтирмоқда, чунки солиқда имтиёзга эга бўлиш учун сунъий асослар яратила-

ди. Натижада, маҳаллий бюджетлар даромад қисмида маълум йўқотишлар содир бўлади. Ер солиғи бўйича мазкур имтиёзлар бекор қилинса, сўзсиз, тушадиган қўшимча маблағ маҳаллий бюджет даромадини оширади.

Ер солиғининг ставкалари ер майдонига нисбатан қатъий бўлиб, солиқ солиш объектига нисбатан абсолют миқдорда белгиланганлиги туфайли, уларнинг инфляция суръатига мувофиқ индексация қилиниши маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Солиқ юкини ошириш имкониятларининг чегараланганлиги солиқсиз йиғимлар аҳамияти ошишида муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ўз ҳудудларидаги мулк ва табиий ресурслар (ер ости ва ер усти бойликлари) ҳисобидан даромад манбаларини ошириш мақсадида, улардан фойдаланаётганликлари учун инвесторлардан ёки ишлаб чиқарувчилардан йиғим (маҳаллий рента тўлови) ундириш тартибини жорий этиш каби ички имкониятларни излашга ва қўллашга ўрганишлари керак ёки қонун чиқарувчи идоралар томонидан маҳаллий ҳокимиятларга тегишли ҳуқуқий ва маъмурий асослар ҳамда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилиши лозим бўлади. Бунинг учун ҳудудларда, уларнинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқ бўлмаган, табиий-географик жойлашуви қулайлиги туфайли юзага келадиган рента даромадларига фақатгина маҳаллий бюджетларга тушадиган ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ундириладиган солиқ (маҳаллий рента тўлови) жорий этишга рухсат бериш керак. Бу маҳаллий ҳокимиятларда ўз ҳудудларидаги табиий ва иқтисодий ресурсларга нисбатан тежамкорлик билан ёндашиш ва уларни авайлаб-асрашга интилиш пайдо қилади.

Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш муаммолари замонавий иқтисодий сиёсат шароитида муҳим аҳамият касб этади. Баён этилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетларни баланслаштиришнинг шундай тизими ишлаб чиқилиши керакки, токи бу тизим қуйидагиларни таъминласин:

– иқтисодий самарадорликни – маҳаллий ҳокимият ва бо-

шқарув идоралари учун узоқ муддатли институционал рағбатлар яратиш, таркибий ислохотларни амалга ошириш, рақобат, қулай инвестицион ва тадбиркорлик муҳитини;

– бюджет масъулиятини – жамоатчилик молиясини халқ номидан ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, солиқ ва бошқа ресурслардан максимал самарали фойдаланган ҳолда бошқариш, солиқ-бюджет сиёсатининг мусоффолиги ва ҳисобдорлигини;

– ижтимоий адолатни – фуқароларнинг яшаш жойидан қатъий назар асосий ижтимоий неъматлардан ва ижтимоий кафолатлардан тенг баҳраманд бўлишларини;

– сиёсий бирликни – турли даражадаги ҳокимият идоралари ўртасида солиқ-бюджет ваколатларини тақсимлашда жамоат баҳамжиҳатлигига эришиш, маҳаллий ҳокимият идоралари ўзларининг вазифаларини самарали адо этишлари учун шарт-шароитлар яратишни, фуқаролик жамияти ривожланишига хайрихоҳликни;

– ҳудудий интеграцияни – солиқ-бюджет тизимларининг ягоналигини, ҳудудий ривожланишда тафовутлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни юмшатишни.

Маҳаллий ҳокимиятлар қонуний тартибда ўрнатилган солиқ-бюджет мустақиллигига эга бўлмас экан, улар молиялаштиришнинг иқтисодий самарасини оширишга ҳаракат қилмайди. Фақат қонуний тартибда аниқ белгилаб қўйилган солиқ-бюджет ваколатларигина маҳаллий ҳокимият идораларини ўзларининг молиявий ва ижтимоий-иқтисодий фаолияти учун жавобгарлигини таъминлаши мумкин. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳокимиятлар учун иқтисодий ва сиёсий рақобат муҳитини яратиш зарур, шунингдек, қатъий бюджет чеклашларини жорий этиш керак, токи бу тадбирлар маҳаллий ҳокимиятларни юқори идоралардан эмас, балки ўзларининг иқтисодий-молиявий фаолиятлари натижаларига тобе этиб қўйсин.

Бюджетларни барқарорлаштиришга фақат даромад жиҳатидан эмас, балки харажатларни оптималлаштириш жиҳатидан ҳам қараш мақсадга мувофиқдир. Харажатларни оптималлаштириш уларнинг ҳудудий имкониятлар билан боғлиқлигини

билдиради, уларни энг зарур аҳоли харид эта олмайдиган хизматларни бепул кўрсатишни молиялаштиришга қаратилиши талаб қилинади. Ҳудудларнинг имкони ҳар хил. Донор ҳудудларда бир қатор хизматлар бозорини ривожлантириш асосида уларни (соғлиқни сақлаш, маориф, спорт билан шуғулланиш ва ҳ.к.) пулли қилиш ва бунинг натижасида бюджетни улар харажатидан фориғ этиш мумкин. Бўшаган ресурсларни ишлаб чиқариш модернизациясига юбориш учун имконият яратилади.

Иқтисодий заиф вилоятларда бюджетларни барқарорлаштиришни харажатлар ҳисобидан амалга ошириш мушкул, чунки фуқароларни бепул ижтимоий хизматлар билан минимал даражада бўлса-да таъминлаб туриш эҳтиёжи мавжуд. Бунда бюджетни барқарорлаштириш икки йўналишда бориши мумкин: биринчидан, ҳудудий иқтисодий ўсиш давлатга қарашли ва давлатники бўлмаган ресурслар ҳисобидан таъминланади ва бу бюджетлар даромад базасини кенгайтиради. Иккинчидан, бунга қадар айтилган ҳудудлар ижтимоий ривожини таъминлаш учун уларни дотациялашни сақлаб қолиш талаб қилинади. Барқарорлашган бюджетларга ўтиш иқтисодий эркинлик талаби, чунки бу ҳудудий доирада ҳам босқичма – босқич ўз харажатини ўзи молиялаштириш тамойилидан келиб чиқади.



Умумдавлат солиқ тушумларидан  
маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг 2001 йил учун

**МЕЪЁРЛАРИ**

(фоизларда)

| Худудлар                     | Қўшилган қиймат солиғи | Корхоналар даромад (фойда) солиғи | Жисмоний шахслар даромад солиғи | Акциз солиқи       |                     |        |                |       |
|------------------------------|------------------------|-----------------------------------|---------------------------------|--------------------|---------------------|--------|----------------|-------|
|                              |                        |                                   |                                 | Алкоголли маҳсулот | Тамаки маҳсулотлари | Бензин | Дизел ёнилғиси | Гуруч |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Андижон                      | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Бухоро                       | 32,0                   | 20,0                              | 50,0                            | 25                 |                     | 35     | 35             | 50    |
| Жиззах                       | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Қашқадарё                    | 100,0                  | 99,0                              | 100,0                           | 25                 |                     |        |                | 50    |
| Навой                        | 72,0                   | 54,0                              | 50,0                            | 25                 |                     |        |                | 50    |
| Наманган                     | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Самарқанд                    | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Сурхондарё                   | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Сирдарё                      | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Тошкент вилояти              | 61,0                   | 56,0                              | 50,0                            | 25                 |                     |        |                | 50    |
| Фарғона                      | 80,0                   | 65,0                              | 100,0                           | 25                 |                     | 40     | 40             | 50    |
| Хоразм                       | 100,0                  | 100,0                             | 100,0                           | 50                 |                     |        |                | 50    |
| Тошкент шаҳри                | 6,0                    | 6,0                               | 17,0                            | 25                 | 16                  |        |                | 50    |


Умумдавлат солиқ тушумларидан  
маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг 1997-2002 йиллар учун  
меъёрлар динамикаси

(фоизларда)

| Худудлар                        | Қўшилган қиймат солиғи |       |       |       |       |      | Корхоналар даромад (фойда) солиғи |       |       |       |       |      | Жисмоний шахслар даромад<br>солиғи |       |       |       |       |      |
|---------------------------------|------------------------|-------|-------|-------|-------|------|-----------------------------------|-------|-------|-------|-------|------|------------------------------------|-------|-------|-------|-------|------|
|                                 | 1997                   | 1998  | 1999  | 2000  | 2001  | 2002 | 1997                              | 1998  | 1999  | 2000  | 2001  | 2002 | 1997                               | 1998  | 1999  | 2000  | 2001  | 2002 |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Андижон                         | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Бухоро                          | 58.0                   | 38.0  | 19.0  | 32.0  | 31.0  | 20   | 55.0                              | 40.0  | 40.0  | 45.0  | 44.0  | 20   | 100.0                              | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 50   |
| Жиззах                          | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Қашқадарё                       | 45.0                   | 43.0  | 52.0  | 70.0  | 65.0  | 100  | 60.0                              | 45.0  | 65.0  | 80.0  | 78.0  | 99   | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Навоний                         | 60.0                   | 23.0  | 92.0  | 67.0  | 63.0  | 50   | 45.0                              | 20.0  | 100.0 | 80.0  | 71.0  | 54   | 100.0                              | 50.0  | 100.0 | 50.0  | 50.0  | 50   |
| Наманган                        | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 10   | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Самарқанд                       | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Сурхондарё                      | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 10   | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Сирдарё                         | 100.0                  | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Тошкент вилояти                 | 52.0                   | 19.0  | 65.0  | 38.0  | 36.0  | 56   | 35.0                              | 15.0  | 70.0  | 55.0  | 53.0  | 56   | 100.0                              | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 50   |
| Фарғона                         | 12.0                   | 16.0  | 61.0  | 27.0  | 26.0  | 65   | 10.0                              | 20.0  | 70.0  | 40.0  | 39.0  | 65   | 100.0                              | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 50.0  | 100  |
| Хоразм                          | 100.0                  | 100.0 | 98.0  | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                             | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  | 100.0                              | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100  |
| Тошкент шаҳри                   | 38.0                   | 13.0  | 26.0  | 5.0   | 5.0   | 6    | 35.0                              | 15.0  | 25.0  | 5.0   | 5.0   | 6    | 100.0                              | 50.0  | 50.0  | 16.0  | 16.0  | 17   |

## Давлат бюджетининг харажатлари (100%)

|                    | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|
| Республика бюджети | 43.6     | 48.6     | 46.0     | 46.1     |
| Маҳаллий бюджет    | 56.4     | 51.4     | 54.4     | 53.9     |



## Давлат бюджети харажатлари динамикасини таққослаш жадвали (100%)

(млн. сўм)

| Харажатлар                       | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил | 2001 йилининг қуйидаги йилларга нисбатан ўсиш суръатлари (%) |         |         |         |
|----------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|--|---------|---------|---------|
|                                  |          |          |          |          |          | 1997 й.  | 1998 й. | 1999 й. | 2000 й. |
| Давлат бюджети шу жумладан:      | 317207,2 | 466822,7 | 659546   | 960571,1 | 1210346  | 381,6  | 259,3   | 183,5   | 126,0   |
| Республика бюджети               | 138178,7 | 226758,2 | 302193,3 | 446260,9 | 543736,7 | 393,5  | 239,8   | 179,9   | 121,8   |
| Давлат бюджетига нисбатан фоизда | 43,6     | 48,6     | 45,8     | 46,5     | 44,9     |  |         |         |         |
| Маҳаллий бюджет                  | 179028,6 | 240064,5 | 357352,7 | 514310,2 | 666609   | 372,3  | 277,7   | 186,5   | 129,6   |
| Давлат бюджетига нисбатан фоизда | 56,4     | 51,4     | 54,2     | 53,5     | 55,1     |  |         |         |         |

## Маҳаллий бюджетлар даромадларининг таркиби

(фоиз ҳисобида)

|                    | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Бевосита солиқлар  | 40,7     | 29,1     | 32,2     | 31,0     | 30,0     |
| Билвосита солиқлар | 35,9     | 37,2     | 33,0     | 35,0     | 36,0     |
| Ресурс солиқлар    | 10,1     | 19,0     | 17,0     | 16,0     | 16,0     |
| Бошқа даромадлар   | 13,3     | 14,7     | 17,8     | 18,0     | 18,0     |

Ресурс солиқлари билвосита солиқлар таркибига киритилганда  
маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибининг ўзгариши

(фоиз ҳисобида)

|                    | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Бевосита солиқлар  | 40,7     | 29,1     | 32,2     | 31,0     | 30,0     |
| Билвосита солиқлар | 46,0     | 56,2     | 50,0     | 51,0     | 52,0     |
| Бошқа даромадлар   | 13,3     | 14,7     | 17,8     | 18,0     | 18,0     |

6- илова

## Давлат бюджетининг даромадлари (100%)

|                    | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|
| Республика бюджети | 41.6     | 45.5     | 44.1     | 44.0     |
| Маҳаллий бюджет    | 58.4     | 54.5     | 55.9     | 56.0     |

**Давлат бюджети даромадлари динамикасини таққослаш жадвали  
(100%)**

(млн. сўм)

| Даромадлар                          | 1997 йил | 1998 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил | 2001 йилнинг қуйидаги йилларга<br>нисбатан ўсиш суръатлари (%) |         |         |         |
|-------------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|--|---------|---------|---------|
|                                     |          |          |          |          |          | 1997 й.  | 1998 й. | 1999 й. | 2000 й. |
| Давлат бюджети<br>шу жумладан:      | 308537,7 | 457145,2 | 640721,9 | 915433,8 | 1152828  | 373,6  | 252,2   | 179,9   | 125,9   |
| Республика<br>бюджети               | 128418,7 | 213363,2 | 282719,7 | 418286,6 | 602811,6 | 469,4  | 282,5   | 213,2   | 144,1   |
| Давлат бюджетига<br>нисбатан фоизда | 41,6     | 46,7     | 44,1     | 45,7     | 52,3     |  |         |         |         |
| Маҳаллий бюджет                     | 180119   | 243782   | 358002,2 | 497147,2 | 550016,2 | 305,4  | 225,6   | 153,6   | 110,6   |
| Давлат бюджетига<br>нисбатан фоизда | 58,4     | 53,3     | 55,9     | 54,3     | 47,7     |  |         |         |         |

## Адабиёт

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. Т.: Адолат, 2000.
2. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2000., 2001., 2002.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 500 от 26.12.2000 года «О прогнозе основных макроэкономических показателей и Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2001 год».
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №490 от 31.12.2001 года «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2002 год».
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 455 от 30.12.2002 года «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2003 год».
7. Каримов И. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 195-198 бетлар.
8. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 275-306 бетлар.
9. Каримов И. «Халқимиз фаровонлигини барқарор ўсишини таъминлаш-устивор вазифа», Халқ сўзи, 2001 йил, 12 январь.
10. Аношкина В., Шмакова Н., Жалолов И. Вопросы оптимизации косвенного налогообложения в Узбекистане. Экономическое обозрение. 2000. №5-6. С.31-41.
11. Бабич А.М., Павлова Л.Н. «Государственные и муниципальные финансы» М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000.
12. Бабич А.М., Павлова Л.Н. «Финансы» М.: ФБК-ПРЕСС, 2000.
13. Бекназаров М., Юлдашев П. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳамда уларнинг фарқи. // Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси. Т.: 2002. 134-135 бетлар.
14. Боровинский Д. В. Роль бюджетной системы в управлении государством. МГУ им. В. М. Ломоносова. Сборник тезисов

молодых ученых и аспирантов Российской Федерации и Зарубежья - «Актуальные вопросы современной науки». М.: «МАКС Пресс». 2001. С. 11-12.

15. Бурханов У.А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети тақчиллигининг омиллари ва қисқартириш масалалари. // Автореферат - Т.: 2002.

16. Васильев В. “Федеральный бюджет как зеркало нравственности”. Москва: Экономика и жизнь. 1995. №37.

17. Вито Танзи. “Налогово - бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода”. Вашингтон: Международный валютный фонд. 1993.

18. Гадов Э. и др. «Налоги в Республике Узбекистан». Методическое пособие. Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 1997.

19. Дьяконова А.А. Проблемы формирования местных бюджетов Москва: «Финансы». 1992. № 12.

20. Жубаев С.Д. Проблемы формирования доходов местных бюджетов. // Автореферат – Т.: 2002

21. Жуманов О. М. ва бошқалар. Давлат бюджетининг тақчиллиги. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1998.

22. Жуманов О. М. Давлат молиясининг мазмуни. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1998.

23. Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. М.: «Университет». 1994.

24. Маликов Т., Олимжонов О. «Молиявий менежмент». Т.: Академия, 1999.

25. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Солиқнинг тури кўпми.// Жамият ва бошқарув. 2001. 1-сон, 25-26 бетлар.

26. Маликов Т.С. «Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати». Жамият ва бошқарув. 2001. 2-сон. 21-23 бетлар.

27. Маликов Т.С. «Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари». «Академия» нашриёти, Тошкент - 2002.

28. Маманазаров А. Б., Юлдашев И. С. Бозор муносабатларини тартибга солишда Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари.// Ҳалқаро илмий – амалий анжуман материаллари. Фарғона Давлат университети. Ф.: 2000. 39-41 бетлар.

29. Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни шакллантириш



да солиқлар ролини такомиллаштириш. // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 2001. 10-11 сон. 54-55 бетлар.

30. Маманазаров А. Налоговые сборы и местные бюджеты. / Журнал налогоплательщика. 2001. 10-11 сон. 72-73 бетлар.

31. Маманазаров А. Маҳаллий бюджет тизимини такомиллаштириш хусусиятлари. // Бозор, пул ва кредит. 2001. 12 сон. 52-53 бетлар.

32. Маманазаров А. Маҳаллий бюджет ва солиқлар. // Солиқ тўловчининг журнали. 2001. 12 сон. 16 бет.

33. Маманазаров А. Б. Вопросы совершенствования процесса формирования местных бюджетов. МГУ им. В. М. Ломоносова. Сборник тезисов молодых ученых и аспирантов Российской Федерации и Зарубежья - «Актуальные вопросы современной науки». М.: «МАКС Пресс». 2001. С. 8-11.

34. Маманазаров А. Бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш масалалари. // Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси. Т.: 2002. 245-246 бетлар.

35. Маманазаров А. «Маҳаллий бюджетда солиқлар ва солиқсиз йиғимлар механизмни такомиллаштириш» // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 2002. 12 сон. 26-27 бетлар.

36. Олимжонов О. «Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар». Ҳаёт ва иқтисод. 1992. 3 сон.

37. Олимжонов О. Молиявий барқарорлик. // Иқтисод ва ҳисобот. 1993. № 7.

38. Саъдуллаев У. Солиқ юки камайса... бундан барча манфаддор бўлади. // Солиқ тўловчининг журнали. 2002. 10 сон. 12 бет.

39. Семенов А. В. Налоги и региональные бюджеты. М.: «Финансы» 1996. № 9, 10.

40. Сувонов А. Маҳаллий бюджетлар тизими ва улар ижросини ташкил этиш муаммолари. // Солиқ тўловчининг журнали. 2002. 8 сон. 41-43 бетлар.

41. Тўхтабоев М. Халқаро молия бозорининг ривожланишида солиқларнинг аҳамияти. // Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси. Т.: 2002. 50-51 бетлар.

42. Қўчқоров Ж., Аношкина В., Острогжская Э., Мусаев Д.,

Жалолов И. иштирокидаги Иқтисодий тадқиқотлар марказининг маърузаси. // Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари. Тошкент: 2000.

43. Фуломов У. Бюджетнинг солиқ бўлмаган даромадлари. // Солиқ тўловчининг журнали. 2002. 9 сон. 15-16 бетлар.

44. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Меҳнат». 1995.

45. Яндиев М.И. Государственные и муниципальные финансы. Москва. ТЕИС. 2000.

46. Яҳёев К. «Нужны ли льготы по налогообложению». Журнал налогоплательщика. 1996. №8.

47. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими. Тошкент: Меҳнат. 1998.

48. Яҳёев Қ. «Ихчамлаштириш ва унификациялаш-солиқ тизимининг янги концепцияси». Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. 4 сон.

Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент: «Адабиёт ва санъат». 2000. 166 бет.

## МУНДАРИЖА

|   |           |
|---|-----------|
| Кириш .....   | 3         |
| <b>I Боб. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва шаклланиши .....</b>                      | <b>5</b>  |
| 1.1. Бюджет федерализми ва тамойиллари .....  | 5         |
| 1.2. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва функцияси .....                                | 13        |
| 1.3. Хорижда маҳаллий бюджетлар тизимини шакллантириш ва барқарорлаштириш .....       | 25        |
| <b>II Боб. Солиқларнинг маҳаллий бюджетни шакллантиришдаги аҳамияти .....</b>         | <b>39</b> |
| 2.1. Маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари .....                              | 39        |
| 2.2. Марказий ва маҳаллий бюджет ўртасидаги муносабат .....                           | 48        |
| 2.3. Солиқлар маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш омили сифатида .....              | 61        |
| <b>III Боб. Солиқларнинг маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришдаги аҳамияти .....</b> | <b>71</b> |
| 3.1. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш мезонлари ...                              | 71        |
| 3.2. Маҳаллий бюджетларни такомиллаштириш .....                                       | 80        |
| 3.4. Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш .....  | 88        |
| Адабиёт .....   | 107       |
| Иловалар .....  | 111       |









Иқтисод фанлари номзоди,  
Маманазаров Абдуҳаким Бозорович

## Маҳаллий бюджет ва солиқ

*Муҳаррир:* Дилшод Ражаб  
*Мусаҳҳиҳ:* З. Мўминова  
*Техник муҳаррир:* Азиз Жумақулов  
*Дизайнер:* А. Холматов

Босишга 2003 йил 10 ноябрда рухсат этилди.  
Босмахонага 2004 йил август топширилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , “Таймс” ҳарфида терилиб,  
офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 7.5.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 32. Баҳоси шартнома асосида.

“OFSET-PRINT” босмахонаси.  
Чўпон-ота кўчаси “М” мавзеси.  
“Ўзқишлоқлойиҳа” МЧЖ.